

33/07)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Х. АЮБЖОНОВ

ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
СТАТИСТИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолия-  
тини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан  
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари тала-  
балари учун ўқув кўлланма  
сифатида тавсия этилган

2024301

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.

339(075)

A-95

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

A.Kh.AYUBJONOV

## **STATISTICS OF INTERNATIONAL ECONOMIC RELATIONS**

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.

631435

Научная библиотека  
ТИИИМСХ

Аюбжонов А.Х. Ташиқи иқтисодий фаолият статистикаси  
(Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2004. – 96 б.

Ўзбекистон Республикасининг учёт ва статистика соҳасида халқаро меъёrlар, стандартларга ўтишини умумлаштирувчи иқтисодий кўrsatкичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишининг жаҳон назарий ҳамда услубий тамойилларини ўрганишни тақо佐 этади.

Ташиқи иқтисодий фаолият статистикаси ташиқи савдо, экспорт, импорт, ишсизлик, ишлаб чиқариш омиллари, аҳолининг халқаро миграцияси, ташиқи савдо баҳолари ва бошқа бир қанча саволларни жавоб беради.

Ўқув қўлланмандан олий ўқув юртларининг талабалари, аспирантулари ва ташкӣ иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ямалиёт ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Ш.Р. Холмўминов  
Тақризчилар: и.ф.д., проф. Ҳ.Н. Набиев;  
и.ф.н. У. Ҳайдаров;  
и.ф.н., доц. М. Эркабоев

Ayubjonov A.Kh. Statistics of international economic relations (Manual). – T.: TSEU, 2004. – 96 pages.

The manual is about passing to international standards in sphere of accounting and statistics in the Republic of Uzbekistan. It also covers the study of calculation and analysis of economic indicators and the study of international theoretical and methodological principles of statistics.

Statistics of international economic relations also answers for some of the questions in following areas: international trade, export, import, unemployment, production factors, international migration of population and importance of international trade.

The manual is designed for students of higher educational establishments, researcher and for those who are working in the sphere of international economic relations.

**Responsible editor:** doctor of economic science,  
prof. Holmuminov Sh. R.

**References:** doctor of economic science,  
prof. Nabiev H.N.;  
candidate of economic science, Haydarov U.;  
candidate of economic science, Erkaboev M.

## КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг, биринчи навбатда асосий вазифа ўз иқтисодиётини маъмурӣ бошқаришдан бозор муносабатларидаги бошқаришга ўтказишдан иборат бўлиб қолди. Республикаизда бозор иқтисодиётига ўтиш объектив зарурий сифатида давр тақозоси бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиёти умумбашарий ҳодиса бўлиб, жаҳон цивилизацияси ривожланиши йўлидаги муқаррар босқичдир. Тартибли асосда қурилган бозор халқнингижодий ва меҳнат имкониятларини рўёбга чиқаришга, ташабускорлик ва ишибилармонликни ривожлантиришга хизмат қиласиди. Фақат бозор муносабатларигина республика ишлаб чиқарувчи кучлари заминидаги улкан имкониятлардан халқ баҳт-саодати йўлида унинг турмуш даражасини ошириши мақсадида самарали фойдаланишни таъминдаци мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда давлат статистика органларининг роли каттадир. Ўзбекистонда ҳозирги кунда амал қилинаётган статистика ва ҳисобот тизими иқтисодиётни маъмурӣ буйруқ билан бошқариш шароитида вужудга келган бўлиб, марказлашган режалаштириш услубиятига ва ялпи статистик кузатишга асосланган эди. Статистик кўрсаткичлар тизими вазирликлар ва маъмуриятларни бошқариш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, бозор муносабатлари талабларига жавоб берга олмас эди. Амалдаги ҳисобот ва статистика тизими жаҳон талаблари даражасида бўлмай, бу ўз навбатида Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий фаолиятини ривожлантиришлари ҳамда халқаро ҳамжамиятлар билан бирикишида тўсқинлик қиласиди.

Бозор муносабатлари шароитида статистика соҳасидаги янги муаммоларни ҳал этиш, унинг назарий асосини қайта кўриб чиқишини, мавжуд статистика амалиётида кескин ўзгаришлар бўлишини талаб этади.

Корхона ва ташкилотларнинг ташки иқтисодий фаолияти, айникса бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида аҳамиятта эгадир. Маъмурӣ буйруқбозликка асосланган шароитда корхона ва ташкилотлар бевосита чет элга чиқа олмас эдилар. Бунинг натижасида янги шароитда чет эл иқтисодиётини мукаммал биладиган иқтисодчи — мутахассисларга зарурият пайдо бўлди.

Мамлакатимиздаги кўплаб корхона ва ташкилотларнинг ташки бозорга чиқиши, ҳамда уларда фаолият кўрсата оладиган ташки иқтисодий алоқалар бўйича мутахассисларининг за-

рурлиги иқтисодий йүнәлишдаги олий ўкув юртларида «Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси» фанини ўқитилишини зарур рият қилиб қўйди.

Бу фанни ўрганиш, талабалардан ўқиши жараёнида статистика назарияси, макроиктисодий статистика, ташқи иқтисодий фаолият, иқтисодий назария ва бошқа фанларни чукур ва мукаммал билишларини тақозо этади.

Ҳар бир маъруза матни бўйича қисқача хуносалар, таянч изборалар, талабалар билимини назорат қилиш саволлари ва адабиётлар рўйхати баён этилган бўлиб, улар маъруза ва амалий машғулотларини ташкил этишда ўқитувчи ҳамда талабаларга кўл келади, деб ўйлаймиз.

## 1 боб

### ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОЛИЯТ СТАТИСТИКАСИННИҢ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛИ

#### 1.1. ТИФ статистикасининг предмети

Ташкы иқтисодий фаолият статистикасининг асосчиси деб, ҳақли равищда белгиялик олим Адольф Кетлени (1796-1874) ҳисоблаш мүмкін. Чунки у биринчилардан бўлиб тўпланган статистик маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов беришни кўллади. У шунингдек, илк бор Бельгияда Марказий статистик комиссияни ташкил қилишда таниқли математик олимлар билан жонбозлик кўрсатди. А. Кетле математик бўлгани учун у ўз таҳлилларида математик тамойилларга сужнади. Ушбу ҳолат статистикани вужудга келишида бошқа мамлакатларда статистик ташкилотларнинг шаклланишида ҳам ўз ифодасини топди. Чет эл мамлакатларида ҳозирги кунда ТИФ статистикаси математиканинг алоҳида қисми сифатида ташкил топди.

ХХ аср бошига қадар чет эл мамлакатларида статистик ташкилотлари ягона ва шаклланган муассаса шаклида мавжуд эмас эди. Статистика аксарият ҳолларда сугурта ташкилотларида нисбатан ривож топган эди. Улар ўз иш фаолиятларида мижозларнинг сугурта ставкаларини аниклашада, асосан вафот этиш жадвалларидан кенг фойдаланишган. Турли давлат ва хусусий ташкилотлар иқтисодий, худудий, демографик, бошқарув, тижорат тўғрисида маълумотлар тўплаш учун статистик кузатишлар ўтказиб турганлар. Бундай ишларни амалга ошириш марказлаштирилмаган эди. Статистик таҳлиллар олиб борилувчи обьектлар, кўрсаткичлар, тўплаш усуллари ва маълумотларга ишлов бериш ҳам бир ягона режа асосида амалга оширилмас эди. Шу сабабли, муайян вазиятда қулаӣ ва осон бўлган статистик усуллардан фойдаланиши кенг кулич ёзган эди. Бунинг натижасида тўпланган маълумотларга ишлов бериш, улардан ўзаро таққослашида бир қанча муаммолар пайдо бўлар эди.

ТИФ статистикаси соҳасида айрим олимлар олиб борган ишлари таҳсин ва эътиборга лойикдир. Масалан, Буюк Британиялик Флоренс Найтингейл (1820-1910), ўзининг тиббиёт соҳасидаги ишларида статистика усулларидан кенг кўламда фойдаланди ва улардан фойдаланишини сиёсатчи, хукуқшунос ва ишбилармонлар ўртасида тарғиб қилишга эътибор берди.

Статистика ривожига инглиз олими Карл Пирсон (1857-1936) ҳам маълум даражада ўз ҳиссасини қўшди. Уни биз «Пирсон мезони» бўйича яхши биламиз. Статистикада корреляцион усулнинг равнақида инглиз олими Фрэнсис Гальтоннинг (1822-1911) хизматлари каттадир.

Кейинчалик статистика ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олимлардан бири Рональд Фишер (1890-1962) бўлади.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан унинг чет эл мамлакатлари билан иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги алоқалари кескин равишда ортди. Режали иқтисодиёт шароитида чет эл билан савдо-сотиқ ишлари фақатгина марказлашган ҳолда давлат томонидан амалга оширилган бўлса, янги шароитда эса кичик ва ўрта корхоналар, ташкилот ва муассасалар ҳам чет элга чиқиши имкониятига эга бўлдилар.

ТИФ статистикаси чет эл мамлакатлари билан ташкилоти иқтисодий алоқалар олиб борувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда давлат томонидан амалга оширилаётган ва чет эл фирмалари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги олиб бориладиган иқтисодий алоқаларининг миқдорий томонини уларнинг сифатидан ажралмаган ҳолда муайян макон ва замонда ўрганди.

## 1.2. ТИФ статистикаси услубияти

Ҳар қандай фан ўз ўрганиш обьектини маълум усуллар ёрдамида ўрганади.

ТИФ статистикаси ҳам ўз обьектини хусусий усуллари ёрдамида ўрганади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Оммавий статистик кузатиш усули.
2. Кузатиш маълумотларини жамлаш ва гуруҳлаш.
3. Турли умумлаштирувчи кўрсаткичларни (масалан, мутлақ ва нисбий миқдор, ўртacha миқдор; индекс ва x.к.) ҳисоблаш.
4. Танланма кузатиш усули, статистик маълумотларни жадвал ва графиклар кўрининишида ифодалаш.

Ушбу усуллардан фойдаланиш ушбу кўлланманинг тегишли мавзуларида кенг ёритилади.

## 1.3. ТИФ статистикасининг вазифалари

ТИФ статистикаси фақат фан бўлигини қолмасдан, шу билан бирга амалий фаoliyatiнинг муҳим соҳаси ҳамdir.

ТИФ статистикаси доим оммавий маълумотларга асоланади. Керакли пайтда у ўзининг бошланғич кузатишини ҳам ташкил этади. Оммавий бошланғич маълумотларни умумлаштира-

ётганды статистика маҳсус усууллардан фойдаланади ва пировард натижада умумлаштирувчи күрсаткичларни аниклаб, ходиса ва вокеалар түпламига умумий баҳо беради. Статистика хар хил ўлчов бирликларидан фойдаланади. Жұмладан, күрсаткичларни пулда, натурада, шартлы-натура ва меңнат бирликларида ифодалайди.

ТИФ статистикаси иқтисодий ҳодисаларнинг вақт ва фазода таққосламасынин таъминлаш учун уларни жорий баҳолардан ташқари ўзгармас (таққослама) баҳоларда ҳам ифодалайди. Шундай қилиб, ТИФ статистикаси вазифалари ва мазмунни жиҳатдан бухгалтерия ва оператив ҳисоб-китобдан ҳамда бошқа тармоқ статистикаларидан фарқ қиласы. Унинг құлланыш жойи кенг ва мураккабдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириши шароитида ТИФ статистикаси олдида күйидаги мұхим вазифалар туради:

1. Таşқи иқтисодий фаолиятни, бошқаришни ва кенг жамоатчиликни ҳаққоний статистик маълумотлар билан таъминлашы.
2. Иқтисодиётни эркинлаштириши шароитида халқаро иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама кенг қарорғали ифодаловчи янги статистик күрсаткичлар тизимини ишлаб чиқыши.
3. Мамалакатимиз түрли тармоқлари иқтисодий фаолиятини чет әл мамлакатлари иқтисодиёті билан мувофиқлаштыриш ёрдамида юзага келдиган иқтисодий самарадорлик күрсаткичларини аниклаш ва таҳдил қилиши.
4. Чет әл мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар самарадорлигини ошириши манбалари ва омилларини аниклаш.

## Қисқача хуросалар

ТИФ статистикаси чет эл мамлақатлари билан Ташқи иқтисодий алоқалар олиб борувчи корхоналар ва ташкилотлар ҳамда давлат томонидан амалга ошириладиган чет эл корхоналари, фирмалари ҳамда давлатлари Ўзбекистон Республикаси билан олиб бориладиган иқтисодий алоқаларининг микдорий томонини уларнинг сифатларидан ажралмаган ҳолда муайян макон ва замонда ўрганади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. ТИФ статистикасининг ўрганиш обьекти ҳақида нима биласиз?
2. ТИФ статистикасининг предмети.
3. ТИФ статистикаси услугияти ҳақида нимани биласиз?
4. ТИФ статистикасининг асосий вазифалари нималардан иборат?

## Асосий адабиётлар

1. Сиденко А. В., Матвеева В. М. Международная статистика. Учебник. - М.: Дело и Сервис, 2000.
2. Рябушкин Т. В., Симчера В. М. Очерки международной статистики. -М.: Наука, 1981.
3. Сиденко А. В. Социально-экономическая статистика развивающихся стран. -М.: YDH. 1987.

## II боб

### ХАЛҚАРО СТАТИСТИК ТАШКИЛОТЛАР ВА ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИДА СТАТИСТИК ИШЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

#### 2.1. БМТнинг статистик ташкилотлари

Айрим мамлакатлар бўйича статистика соҳасида олиб борилган ва айрим мамлакатларнинг статистик маълумотлар тўплаш, уларга ишлов бериш, таҳлил қўлиши соҳасидаги ишлари халқаро миқёсда маҳсус маълумотлар тўплаш билан шуғулланувчи хизматларни вужудга келишини тақозо этди. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) Миллий статистик хизматлар ташкилоти.
- 2) Байналминал ва мамлакатлараро ҳамда нодавлат хизматлар олиб борувчи ташкилотлар.

Халқаро статистика 1842 йили Халқаро статистиклар анжумани кўринишида юзага келган бўлсада, Иккинчи Жаҳон урушидан кейин халқаро статистиканинг ривожланишида янги босқич бошланади. Унинг асосий сабаби, статистик маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш, сақлаш ишлари халқаро миқёсда кенг қуяч ёзди. 1946 йили БМТ қошида статистика комиссияси фаолият кўрсата бошлади. Ушбу комиссияга қўйидаги ишларни амалга ошириш юклатилди:

- халқаро статистиканинг ривожланишига ва уни таққослаш ишларини олиб боришиларига кўмаклашиш;
- ихтинослашган ташкилотларнинг статистик ишларини мувофиқлаштиришда кўмаклашиш;
- БМТнинг турли ташкилотлари статистик маълумотларини тўплаш ва тарқатиш бўйича кўмаклашиш;
- халқаро миқёсда статистика ишининг ҳамда статистик усуулларнинг яхшиланишига кўмаклашиш.

БМТнинг статистика комиссияси ўзининг асосий иш фаолияти шаклида ҳар 2 йилда бир маротаба йиғилиб турадиган сессияни ҳисоблайди. Унинг таркиби доимо янгилашиб туради.

АҚШ, Англия, Франция, Хитой, Хиндистон ва Россия ва киллари доимий аъзо ҳисобланади. Жами 24та мамлакат вакили комиссия таркибига киритилади. Бу комиссия таркибида, шунингдек, статистика бюроси ҳам фаолият кўрсатади. Унинг зиммасига халқаро савдо статистикаси, демографик ва ижтимоий статистика, миллий ҳисоблар тизими, халқаро алоқа ва бозига статистика тармоқлари бўйича маълумотлар тўплаш ва уларга ишлов бериш вазифалари юкланган.

Ўтган асрнинг ўрталарида жаҳон бозорининг вужудга келиши сайёрамиздаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни мунтазам равиша кузатишни талаб қилди. Жаҳон хўжалигига миллий иқтисод ўрнини аниqlаш учун, унинг ривожланишини таққослаш учун халқаро статистикага бўлган эҳтиёжни оширди. Кўрсаткичларни ҳисоблашни бир хил усуларини ишлаб чикиш ва уларнинг ягона тоифаларини ташкил этиш янада зарур бўлди.

Айнан қадимги даврлардан мамлакатлар ҳақидаги маълумотларга эҳтиёж мавжуд эди. Бу эҳтиёжларни ҳар қандай рақамли маълумотлар кондирап эди. Бундай маълумот буюк кашфиётлар даврида ва халқаро савдонинг кенгайишида, асосан бозор муносабатларининг вужудга келиши даврида жаҳон бозорининг шаклланишида муҳим ривожланиши тусини олди.

XVII-XVIII асрларда бир қатор мамлакатларда миллий даромад ва бойликни баҳолашга уринишлар бўлди. Турли мамлакатларнинг иқтисодий қудратини ўзаро ўлчашга, бошқа мамлакатлар ҳақидаги маълумотларга бўлган қизиқиши кучайди, моҳиятан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа маълумотларга эҳтиёжлар ўсиб борди. Миллий давлат статистик тизимлари тузила бошланди. Европа университетларида нафақат ёзма статистик ва сиёсий арифметика курсларини, балки халқаро таққослаш курслари ҳам ўтила бошланди.

Халқаро статистиканинг ривожланишига бир қанча сабаблар турткি бўлди, биринчи навбатда, тизимлаштирилган кўрсаткичларнинг йўқлиги ва кўпинча уларни ҳар хил усусларда ҳисоблашнинг мунтазам бўлмаганлиги, миллий статистик хизматларнинг ривожланмаганлиги ва мамлакатлар статистик хизматлари фаолиятини умумлаштирувчи халқаро органларнинг йўқлиги шулар жумласидандир.

Европалик кўзга кўринган иқтисодчилар А. Кетле ва Э. Энгелларнинг ташаббуси асосида 1853 йилдан бошлиб, жаҳондаги стакчи мамлакатлар статистик илмий жамоалари ва статистик хизматлари вакилларининг қатнашуви билан халқаро статистик кенгашларни мунтазам ўtkазиши масаласи ечишган эди. 1875 йилгача ушбу кенгаш сессияларида муҳим хўжалик тармоқлари кўрсаткичларининг тартибланган таснифларни ишлаб чиқиши тақлифлари, муҳим статистик тадқиқотлар бўйича биргаликда ишлар олиб бориш дастурлари, миллий статистик хизматларни яратиш муаммолари муҳокама қилинган. Ушбу кенгашлар ишида нафақат статистиканинг ёндош соҳаларидан статистик олимлар, балки давлат статистика органларининг намоёндалари ҳам қатнашган.

Миллатлар лигаси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тавсиялари асосида 30-йиллардан қатор ҳодисаларининг якунларини билиб олиш билан, мамлакатлар бўйича маълумотларни ўз ичига олган халқаро статистик йилнома ва қисқача расмий маълумотларни босмадан чиқара бошлишиди. Ҳақиқий халқаро статистика асоси шу тарзда тартибга солинган эди. Уни жаҳон ҳўжалиги ва бошқа мамлакатлараро алоқаларни тартибга соилиш учун, нафақат чет элдаги ишбилармон шерисклар ҳақидаги маълумотларни олиш учун, балки иқтисодий, савдо, маданий ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши билан мамлакатларнинг ўзи ҳақида ҳам маълумотларни олиш зарур эди.

1946 йил февралда БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши 1-сессиясида (ЭКОСОС) - статистика соҳасида ҳамма халқаро тавсияларни тайёрлайдиган орган сифатида - статистика комиссияси ташкил этилди (СКБМТ).

СКБМТнинг ташкил этилиши мамлакатлар ва халқаро ташкилотларда халқаро статистикани амалий қўлланилиши ва сифатини моҳияттан ошириди. БМТ СКнинг яратилиши алоҳида мамлакатларда бўлгани каби халқаро ташкилотларда ҳам умумжаҳон статистик ишларини айнан аншқлаб берувчи марказга айланди. БМТнинг статистик стандартлари халқаро ташкилотлар учун мажбурий бўлади ва уларнинг ички фаолиятларидағи миллый статистик хизматлар учун тавсия қилинади. Шу билан бирга улар БМТра, халқаро стандартларга мос келадиган маълумотларни тақдим қилиш тартибини шарҳлайди. Ҳозирда БМТ СК муваффақиятли равишда ўзининг асосий масалаларини ечади ва қуидагиларни бажаради:

- ўз мажлисида бўлгани каби ЭКОСОС ва БМТ Генерал ассамблеяси учун ҳам ҳужжатларни тайёрлаш;
- БМТнинг статистика соҳаларида бошқарувларнинг услубий ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- БМТнинг статистика соҳасидаги тавсияларни лойиҳа бўйича миллый статистика хизматлари мулоҳазаларини тўплаш ва тавсия қилиш;
- БМТнинг статистик маълумотларни босмадан чиқариши учун мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан олинган маълумотларни қайта ишлаш ва тўплаш;
- таққослаш асосида ҳудудий ва умумжаҳон натижаларини билиб олиш ва уларнинг БМТни маҳсус муассасалари маълумотлари билан чалкашмиларини билиш;
- миллый статистик хизматни ривожлантириш учун БМТнинг техник ёрдамига муҳтож бўлган мамлакатлар ва йўналишларни аниқлаш;

- умумжаҳон статистикасини мукаммаллаштиришига ва унинг усулларини ривожланишига кўмаклашиш;
- муҳим статистик тадқиқотлар режасини ишлаб чиқиш;
- халқаро статистика маълумотларини тўплаш ва қайта ишланинг интеграциялантирилган тизимини яратиш ва ривожлантириш;
- имкониятларни ўрганиб чиқиш ва БМТ статистикаси учун халқаро марказ ва банкларнинг аниқланган маълумотларни яратиша ЭҲМларни кўллаш, замонавий маълумот ташувчилар ва статистик маълумотларнинг электрон турларини жорий қилиш.

1993 йилда БМТ ўз котибиятида иқтисодий ва ижтимоий ахборотлар ва ўтказилган сиёsat таҳлили бўлимни ташкил қилди. Бу янги орган, тояларни таҳлил қилишга ва БМТнинг халқаро ташкилотлар тизимида ўтказган сиёsatни натижаларини таҳлил қилишга ёрдамлашиш учун ижтимоий-иктисодий маълумотларни ишлаб чиқувчи маҳсус марказга айланди. Шу билан бирга, иқтисодий-ижтимоий, демографик, атроф-муҳит ҳолати ҳақидаги маълумотларни тўплаш асосида, шунингдек мамлакат аҳолиси ва статистика соҳасида тёхник ёрдам кўрсатиш бўйича жаҳон ривожини таҳлил қилувчи хамма вазифаларни бирлаштирувчи муҳим механизм яратди. Ҳар йили бу халқаро ахборотлар асосида БМТнинг умумжаҳон иқтисодий-ижтимоий тафсилотлари тайёрланади.

Ягона халқаро статистика тизими миқёсида БМТ СКнинг роли ошиб бормокда.

1993 йилда БМТ СК миллий ҳисоб-китоб кўрсаткичларининг халқаро стандарт тизимининг янги вариантини ишлаб чиқди (СНС-93). Бу стандарт бутун миллий статистика маълумотлари тизими учун асос ҳисобланади ва ягона услубий ахборотли асосда БМТда муҳокама қилинадиган ҳудудий ва кўплаб замонавий глобал муаммоларни ҳал қилиш натижаларини миқдорий ўлчаш имкониятларини яратади. БМТ СК яратилиши билан бир қаторда БМТнинг ҳудудий ташкилотлари вужудга келтирилди. Улар қаторида қўйидаги ҳудудий статистиклар кенгаши ташкил этилган. Европа учун—Европа иқтисодий комиссияси—ЕИТ; Осиё ва Узоқ Шарқ учун—ОУШИТ (ҳозир бу тафтиш Осий ва Океания мамлакатлари учун—ОСКАТО); Лотин Америкаси учун—ЛАИК; Африка учун—АИТ; Фарбий Африка мамлакатларицинг гуруҳини ажратган ҳолда—ГАИК. Ушбу ҳудудий комиссиялар котиблигида статистик бўлимлар ташкил қилинган. Бу бўлимлар мамлакатлар ва ҳудудлар ҳақида маълумотлар тўплаш ва ҳудудлар шароитида кўлланиладиган халқаро статистика стандартларини жорий қилишга ёрдамлашиш

учун худудий статистика кенгашларининг ижро этувчи органи сифатида ташкил топган.

БМТ тизимида қуйидаги маҳсус муассасалар фаолият юритади. Халқаро меҳнат ташкилоти—ХМТ; БМТнинг савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти—ФАО; Халқаро таълим, фан ва маданият ташкилоти—ЮНЕСКО; Халқаро фуқаролар авиацияси ташкилоти—ИКАО; Халқаро соглиқни сақлаш ташкилоти—ХССТ; Халқаро валюта фонди—ХВФ; Халқаро банк—ХБ; Халқаро почта иттифоқи—ХПИ; Умумжаҳон шахсий ақлий меҳнат ташкилоти—УШАМТ; Атом энергияси бўйича халқаро агентлик—МАГАТЭ; Халқаро савдо ташкилоти ва бошқалар. Бу маҳсус муассасаларда ўзларининг мутахассислик соҳаларидағи халқаро стандарт лойиҳаларини тайёрлайдиган статистик хизматлари мавжуд. Бу хужжатлар БМТ СК ва ЭКО-СОС да муҳокама қилиниб, маъкуллангач, халқаро статистик стандартларга айланади ва ўз соҳаси бўйича мамлакатлардан олинган маълумотлар тўплаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Улар БМТ СК ва бошқа халқаро ташкилотлар билан мамлакат маълумотларига бўлган бир хил талаб кўпайшининг олдини олиш учун маълумот алмашадилар.

БМТ тизимига кирмайдиган ва халқаро маълумотларни умумлаштириш билан шугулланувчи халқаро ташкилотлар орасидан қуйидагиларни айтиш мумкин: Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти(ИҲРТ), Европа иттифоқи(ЕИ), Африка ягоналиги ташкилоти(АЯТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги(МДҲ) ва бошқа қатор ташкилотлар. Уларнинг барчаси маълум дастур асосида ўз аззо мамлакатларининг статистик маълумотларини ва ўз тавсияларига мос келган ҳолда кўрсаткичларни бир хил ҳисоблашни умумлаштиради, ийғади ва нашр қилади. Уларнинг тавсиялари БМТнинг халқаро статистик стандартларига асосланган, мамлакатлардаги кўрсаткичлар тизими таркибининг таққосланишини таъминлади.

Бир қатор халқаро ташкилотлар аззо мамлакатларнинг тор соҳа фаолиятлари ҳақидағи маълумотларни умумлаштирадилар. Бундай ташкилотлар сафига кит овловчи корхоналар кенгашни киради(КОҚ). Бу кенгаш ҳозирда мамлакатларни денгизчиликка риоя қилишини назорат қилади. Шунингдек, йўқолиш хавфи бўлмаган алоҳида сут эмизувчилар турини овлашга квоталар беради. Ҳамма халқаро ташкилотларда, уларнинг статистик хизматларида битта мақсад ва вазифа бор, бу улар томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизими таркибини таққосланишини кўрсатишидир.

Халқаро ташкилотлар ва мамлакатларнинг алоҳида ста-

тистик хизматлари амалиётида бундай статистик кўрсаткичларнинг стандартлаштирилган тизимини ва уларнинг ягона ҳисоблаш усулларини жорий қилиш, халқаро статистикани мустақил статистика бўлимида амалга оширилади.

Шуниси равишанки, БМТ тизимининг юқорида келтирилган (ва келтирилмаган) халқаро ташкилотларида, шу билан бирга БМТга кирмайдиган ташкилотларда доимо халқаро статистиканинг катта ҳажмли маълумотлари айирбопланади. Халқаро ташкилотлар ва алоҳида мамлакатларнинг маълумотлари оқимини тартибга солиш учун БМТда бундай маълумотларни жаҳонда муносабатнинг аниқ чизмаси ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, БМТ жаҳоннинг асосий халқаро статистик маълумотлар оқимлари йўналишларининг максимум даражада бир хиллатишини бартараф қилиб, уни тўплаш, қайта ишлаш, тарқатиш харажатларини камайтириб, тартибга солиб турди.

Бундан ташкари, БМТ ўтган ярим аср ичида ҳар хил мамлакатларнинг кўрсаткичлари таққослитини, уларнинг натижаларини таъминлаб, халқаро статистик маълумотлар таркибининг мухим унификациясини кўлга киритди. Бунга БМТнинг халқаро статистик тавсияларини ишлаб чиқиши босқичларининг ишлаб чиқилган тартиблари ёрдам берди. Бу тавсиялари БМТ СК талабномалари асосида тайёрланади, кейин БМТ СКда ва мамлакатларда муҳокама қилинади ва ЭКОСОСга яқуний муҳокама ва тасдиқлашга берилади. Бундан кейин ушбу тавсиялар БМТнинг расмий хужжатларига айланади. Бундай тартиб ҳамма халқаро статистик стандартлар учун мажбурийdir. Бу БМТнинг нашр қилинадиган статистик маълумотларини максимал даражада таққосланишини таъминлайди. 1-чизмада халқаро статистик стандартларнинг ишлаб чиқариш босқичлари кўрсатилган. 1-чизмада кўрсатилган БМТнинг халқаро статистик стандартларининг ишлаб чиқариш куйидаги тамойилларга асосланади.

Биринчи босқичда, янги ёки ҳаракатда бўлган халқаро тавсияларнинг мукаммаллигини ишлаб чиқиши, масалан, номоддий фаолиятлар кўрсаткичларини ҳисоблашда янги стандартларни ишлаб чиқиши учун талаблар аниқланади. Бундай вақтда БМТ СК мајклисида янги стандартни тайёрлаш масаласи ечилади ва БМТ СКга, БМТнинг ўша хужжати бўйича таклифини тайёрлаш учун эксперталардан ташкил топган ишчи гурухини яратиш вазифаси юклатилади. Статистиканинг умумий муаммолари бўйича ишчи эксперталар гурухи мамлакатлар мутахассисларидан вужудга келтирилади. Статистиканинг алоҳида маҳсус муаммолари лойиҳаси БМТ тизимидағи маҳсус муассасалар эксперталари томонидан тайёрланади.

Иккинчи босқичда, БМТ СК эксперталар тақлифини түп-лайди ва умумлаштириб лойиҳани миллий статистика органла-рига баҳо ва мулоҳаза қилишга юборади.

Учинчи босқичда, БМТ СК ушбу тавсия лойиҳаси бўйича аниқ мулоҳазаларни олгандан кейин, ушбу фикр—мулоҳаза ва тузатишларни умумлаштириб, БМТ хужжатининг ягона лойи-ҳаси шаклига келтиради.

Тўртингчи босқичда, БМТ СК бу фикр — мулоҳаза ва тузатишларни БМТ хужжатининг лойиҳасига киритади, шу билан бирга уни БМТ СКга тақдим этади.

Бешинчи босқичда, БМТ СКга тақдим этилган БМТ хуж-жати лойиҳасини ҳар томонлама мухокама қилади ва зарурият пайтида тузатиш ёки аниқларни киритади. Бундан кейин хуж-жат лойиҳаси ЭКОСОСга топширилади.

Олтинччи босқичда, БМТнинг статистик стандарт тавсияси ЭКОСОСнинг мажлисларидан бирида кўриб чиқиб тасдиқла-нади, кейин халқаро ташкилот ва мамлакатларнинг статистик органлари қўллайдиган БМТнинг расмий хужжати бўлади.

БМТнинг услубий хужжати бта расмий тилда нашр қили-нади, шу жумладан рус тилида, биринчидан — бу БМТнинг М серияли хужжати (услубий), яъни БМТнинг стандартлари ва тавсиялари; Иккинчидан — БМТнинг F серияли—алоҳида ста-тистика бўлимларий бўйича услубий тадқиқот хужжатидир.


БМТнинг катта нашрларидан ташқари, БМТ тизимиға кирмайдиган бошқа халқаро ташкилотларни хилма-хил статис-тик нашрлари ҳам мавжуд, лекин булар маълум даражада БМТнинг статистик стандартларига асосланади.

Бутун халқаро статистик маълумотлар нашри, таққослаш асосида бутунлай ҳар хил мамлакатларнинг ривожланишга ин-тилиш ҳақидаги ҳаддан ташқари мухим маълумотлари манбаидан ташкил топган.

Ҳисобот ва статистиканинг халқаро стандартлари. Хал-қаро стандартлар, ҳар хил давлатларда ҳисобланган кўрсаткич-ларнинг таққосланиши учун ўрнатилади, уларнинг ёрдами билан дунёдаги мухим ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар бир хил таъриф-тавсиф қилинади ва бутун дунё, худуд, мамлакатлар бўйича натижалар чиқарилади.

БМТнинг бундай хужжатларига аввало, миллий ҳисоб-ки-тобчилик тизими киради. У 1951 йилда БМТ СК эксперталари томонидан ишлаб чиқилган ва 1953 йил ЭКОСОСда тасдиқланган. Ҳозирда амалиётда бўлган халқаро МХТ варианти бир неча йил давомида тайёрланди, 1993 йилда у ЭКОСОСда тас-диқланди ва халқаро ташкилот ва давлатларда амалий қўллаш

учун тавсия қилинди. Ушбу халқаро стандартт, түлов баланси билан ўзаро бөрликтік бўлган тармоқлараро алоқалар жадвалига ва ишлаб чиқариш омилларининг назариясига асосланган бир хил кўрсаткичларини қўллашни тартибга солади.



1-чиизма. Халқаро статистика бўйича БМТнинг тавсияларини ишлаб чиқиши чизмаси

Чизмадаги сонлар маъноси: 1 – бошлангич сўров; 2 – тақлиф лойиҳаси; 3 – давлатлар мулоҳазаси; 4 – илк лойиҳа; 5 – комиссия лойиҳаси; 6 – БМТ тавсияси.

Бундай кўрсаткичлар тизими ёрдамида мамлакатдаги қайта ишлаб чиқариш жараёнлари ва хўжалик секторларидаги қайта ишлаб чиқища тақлиф-тавсия қилинади.

БМТнинг умумустубий хужжатлари қаторига МВФ мутаҳассислари томонидан тайёрланган түлов балансини тузишни кўрсатиш мумкин. Ўнинг 1993 йилдаги бешинчи нашри услубий жиҳатдан МХТ – 93 билан ўзаро бөрланган. У мамлакатдаги ҳар бир хўжалик секторида эгалик қиласётган субъектларнинг Тащқи иқтисодий фаолиятлари натижаларининг кўрсаткичларини бир хил ҳисоблашга ёрдам бериш учун тақлиф қилинган.

Бундай муҳим хужжат бўлиб, 1979 йилда миллӣ статистика фонdlарининг тамойилларини бошқариш хужжатлари ҳисобланади. Уларга 1993 йилда аниқлик киритилган ва МХТ – 93нинг таркиби қисми бўлган иқтисодий харажат кўрсаткичларини ҳисоблаш усусларининг асослари басн қилинган.

1) Ҳар қандай фаолиятнинг халқаро стандарт таснифи – МСОК.

У хўжалик тармоқларининг статистик кўрсаткичларини гурухлашни тартибга солади. Ўзбекистонда унга ўшаш – ОҚОНХ,

хар бир ҳолатда кирим қалитлари билан МСОКга индекслар мос келади. У 1949йилда биринчи бўлиб БМТда ишлаб чиқилди ва 1958, 1968 ва 1990 йилларда аниқликлар киритилди.

2) Халқаро стандарт савдо таснифи – ХССТ. У биринчи марта 1951 йилда ишлаб чиқилган ва 1961, 1968, 1975 ва 1990 йилларда аниқликлар киритилган. 1953, 1961, 1987 йилларда индекслар билан тўлдирилган.

• 3) 1987 йилда БМТда йирик иқтисодий гуруҳларда товарлар таснифи ишлаб чиқилди (ЙИГТГ). Унда ишлаб чиқариш воситаларини экспорт-импорт учун товарлар, оралиқ ва истеъмол товарлари аниқланади.

4) ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган, халқаро стандарт таълим таснифи 1974 йилдан бошлаб, уч асосий таълимнинг босқичида ўқиётган ягона гуруҳлар учун фойдаланилмоқда.

5) 1958 йилдан бошлаб, МОТда ишлаб чиқилган халқаро стандарт маслаклар таснифи фаолият юритмоқда, унга бир неча марта аниқлик киритилган.

6) Халқаро стандарт бандлилилк таснифи. У ҳам МОТда ишлаб чиқилган аҳоли бандлилилк турларини таъриф-тасниф қилиш учун фойдаланилади.

7) Халқаро стандарт касалликлар, ўлимлар ва ногиронлилк таснифи. У 1948 йилда ВОЗ томонидан ишлаб чиқилған ва соғлиқни сақлаш органларининг жорий амалиётини акс эттириш учун бир неча марта аниқлик киритилган.

Одамларнинг турли хил фаолият юритиш соҳалари бўйича яна ўнлаб бошқа халқаро таснифлар мавжуд. Охирги вақтда маҳсус халқаро туризм кўрсаткичлари таснифи ишлаб чиқилган.

Кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишини бошиқариш халқаро стандартлари ниҳоятда кўп кўрсатиб ўтилган. Бу гурухда кўпроқ амалий эътибор БМТнинг статистик йилномасига услубий изоҳлар ва уни тўлдирувчи БМТнинг йиллик статистик маълумотлари молик. Халқаро меҳнат статистикаси ва бошқа қатор наширларга бир хил услубий изоҳлар берилади. Умумжаҳон тадқиқотлари аҳолини ва турар жойларни рўйхатга олиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва ҳоказоларни тартибга солиш ҳақида услубий кўрсатмалар асосий роль ўйнайди. Статистика учун БМТ СТ тавсиялари ва бошиқаришларига мос келадиган кўрсаткичлар ҳисобининг усули ва тартиби келажакдаги кашифиёт ва аниқлашларни кўлга киритди. Қисман аҳолининг табиий ҳаракати; аҳолини рўйхатга олиш тартибининг тамойил ва тавсиялари; уй-хўжаликларда истеъмолни баҳолаш усули; транспорт ишларини баҳолаш усуслари ва аниқланиши, кўрсаткичларни ҳисоблаш тамойиллари муфассал равишда иш-

лаб чиқилган. Ўхшам тавсиялар БМТ тизимининг маҳсус муассасаларида ҳам тайёрланди. Шундай қилиб, МОТ бандлик ва ишсизлик, иш ҳақи, иш вақти, истеъмол баҳоларининг индекси, ишлаб чиқариш фалажлиги, меҳнат унумдорлиги ва бошқа тармоқлар статистикаси бўйича тавсияларни нашр қиласди. ФАО—қишилоқ хўжалик ҳисоб-китоб балансини олиб бориш, алоҳида маҳсулот кўрсаткичларини, қишилоқ хўжалик майдонларининг балансини олиб бориш бўйича тавсияларни ишлаб чиқади ва мукаммалластириади. ЮНЕСКО — мактаб муассасаларидаги истеъмол кўрсаткичлари; таълим харажатлари, ўқувчиларнинг ўқишини ташлаш сабабларини; таълимни тўхтатишидан қилинган йўқотишиларни; китоб чиқариши ва даврий нашриёт, фантехника ривожининг таъриф-тавсияларини ҳисоблаб чиқиши бўйича услугий тавсияларни ишлаб чиқади. Оила бюджетларини танланма тадқиқот қилиш, уй хўжалигини танланма тадқиқот қилиш, турли хил статистик кузатиши объектларини рўйхатга олиб бориш, «ишлаб чиқариш харажатлари» жадвалларини тузиш ва уларни таҳлил қилиши муаммолари ва ҳоказолар бўйича бошқариша мухим роль ўйнайди.

Маълумот гуруҳларида БМТнинг ўнлаб халқаро стандартлари бор. Уларга қуидаги муентазам аниқлайдиган ва янгилайдиганларни белгилаймиз:

- халқаро ўлчамлар ва вазнлар;
- статистика учун географик худудларнинг номенклатураси;
- жаҳон мамлакатлари ва миллатларнинг номлари;
- халқаро стандарт кўрсаткичлари;
- жаҳоннинг божхона зоналари;
- халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган статистик кўрсаткичлар рўйхати;
- коэффициентларнинг миллий ўлчов бирлигидан метр ўлчов бирлигига қайта ҳисоблаш;
- аҳолининг табиий ҳаракатини рўйхатга олиш усулларининг маълумотномаси;
- жаҳон статистик ташкилотлари маълумотномаси;
- жаҳон маориф ташкилотлари маълумотномалари.

Ҳозирда статистика соҳаси бўйича 150дан ортиқ халқаро стандартлар кўлданилмоқда. Улардан 60таси БМТ СҚда, қолганлари эса БМТ тизимининг маҳсус муассасаларида ишлаб чиқилган. Бундай стандартлар асосида мамлакатлар учун БМТда маҳсус сўровномалар тузилади. Бу сўровномаларда халқаро ташкилотларни қизиқтирадиган тегишили кўрсатикчлар бор ва булар бўйича мамлакатлар томонидан маълумотлар суралади.

Ушбу сўровномаларда халқаро стандартларга мос равишда бундай кўрсаткичларни қандай ҳисоблашнинг қисқа услубий тушунтирилиши мавжуд. Бундай сўровномалар ёрдамида БМТнинг статистик хизматлари халқаро статистик кўрсаткичлар тизимида ишлаб чиқилган муҳим маълумотлар йиғилади. Унинг халқаро ташкилотлар тармоқлари орқали ўтиш йўллари I–чизмада кўрсатилган.

Статистика ўз кўрсаткичларини маълум даражада бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асослантиради. Шунинг учун 1968 йилда БМТ СК МХТ тамойиллари билан бухгалтерия ҳисоботи тамойилларини ўзаро боғлашга ҳаракат қиласди. Халқаро бухгалтерлар уюшмаси: Стандарт бухгалтерия қўмитаси билан (1973 йилдан), бухгалтерларнинг халқаро Федерацияси (1977 йилдан), Европа бухгалтер-экспертлари Федерацияси ва бошқалар билан алоқалар йўлга қўйилган. Мана шу мақсадлар учун 1982 йилда мамлакатларнинг даврий аниқланадиган халқаро стандартлар бухгалтерия ҳисоботини амалиётда жорий қилишда ёрдамлашадиган халқаро стандарт ҳисоб-китоб бўйича БМТнинг хукуматлараро эксперт гурухи тузилди. Ҳозирда МХТ – 93 тамойилларига асосланган 30 тадан ортиқ бундай стандартлар камчилик билан фаолият юритмоқда. Бундай стандартлар янада тўлиқ ва мунтазам равишда Францияда, умумиyllий ҳисоб режаси орқали жорий қилинган.

Бухгалтерия ҳисоботининг халқаро стандартларида унинг муҳим ҳисоб бўйимлари ва уларнинг таққослиги бўйича мос кўрсаткичларнинг таркибини бир хил тушунишни таъминлайдиган муҳим ҳолати тартибга солинади. Бу ҳисоботларда ҳисобни шакллантиришнинг қаттиқ мажбуриятларисиз ишлаб чиқиш имкони берилади. Ҳамма бухгалтерия ҳисоботи стандартларини қўйидаги бўйимлар бўйича гурухлаш мумкин:

- умумуслубий;
- ташкилот фаолиятининг умумий йўналишини таърифтавсиф қиласидиган;
- уларнинг алоҳида фаолият турини таъриф-тавсиф қиласидиган;
- мол-мулк ва активларнинг алоҳида турларини ҳисобга оладиган;
- давлат субсидиялари ва ижтимоий чегараларини ҳисобга оладиган.

## **2.2. Чет эл мамлакатларида статистик хизмат ташкил этилишининг асосий тамойиллари**

Чет эл мамлакатларида статистик маълумотларни жамлаш, уларга ишлов бериш ҳамда таҳдид қилини ишлари статистик хизматлар зиммасига юкландган. Тузилиши шуқтани назаридан, ушбу статистик хизматлар бутунлай давлат томонидан назорат қилиниади ёки айрим вазирлик, қўмиталар зиммасига юкландган.

Статистик хизматлар марказлашган ёки марказлашмаган бўлиши мумкин. Статистик ишларни марказлашган ҳолда олиб бориш Фарбий Еврона давлатлари ва Канадада кенг тарқалган. Марказлашмаган статистик хизматлар тизими АҚШ, Япония, Францияда ташкил этилган. Буюк Британияда эса аралаш тизим мавжуд. Ҳар бир статистик тизимнинг изжобий ва салбий томонлари мавжуд.

Марказлашган ҳолда олиб бориладиган статистик ишларни ягона дастур асосида олиб бориш имконияти пайдо бўлади.

Марказлашмаган ҳолда олиб борилаётганда эса, ҳар бир вазирлик, қўмита зарур бўлган маълумотларни ўзининг ички имкониятларидан, талабларидан кеслиб чиқсан ҳолда тўплайдилар.

## **2.3. Бошقا халқаро ташкилотларда статистик хизматнинг ташкил этилиши**

Статистика бўйича зарур бўлган маълумотларни жамлаш иши БМТдан ташқари бошقا бир қанча халқаро ташкилотлар томонидан ҳам олиб борилади. Шуларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз:

### **1. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти.**

Бу ташкилотнинг статистик фаолияти иқтисодий тавсифга эга бўлиб, иқтисодий сиёсатни пул айланмаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари, солиққа тортиши, молиявий масалалар, ишчи кучидан фойдаланиши, шунишлгеск, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошقا тармоқлар бўйича маълумот тўплашни қамраб олади. Ҳозирги вақтда ушбу ташкилот Зта асосий иқтисодий муаммо билан шуғулланади:

- миллий ҳисоблар тизимиин ўзаро таққослаши;
- иш ҳақи масалалари;
- меҳнат ресурслари.

2. Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕЭС) иқтисодий статистика фаолияти ушбу ташкилотнинг фаолияти ўзгариб боргани сайин такомиллашиб, ривожланишиб борди. Ҳозирги вақтда ушбу ташкилот фаолияти барча иқтисодий тармоқларни қамраб олган.

3. Халқаро статистика институти – бу нодавлат ташкилот бўлиб, статистик усулларнинг ривожланиши ва такомиллашиши бўйича олиб бориладиган ишларни мувофиқлантиради. Унбу институт 1885 йили статистик олимларнинг халқаро асосицияси кўрининида юзага келган.

Халқаро статистика ва статистика фанларининг ривожланишида мухим ролни халқаро статистика институти (ХСИ) эгаллаган ва ҳозир ҳам эгаллаб келмоқда. У 1885 йилда 50та мамлакат статистик органларининг амалийтидаги ходимлари ва фан намобёидаларини жисслаштирувчи соф илмий ташкилот сифатида яратилган эди. ХСИ низомига биноан, бу ташкилотнинг асосий вазифаси бўлиб, турли мамлакатларнинг статистик кўрсаткичларини таққослаш учун тавсияларни тайёрлаш йўли билан жаҳон мамлакатларида статистик усулларини ривожлантириш ва мукаммаллаштириш ҳисобланади. Шунингдек, ХСИ мамлакатлар бўйича умумлантирилган материалларни тўплаш ва нашр қилиш билан ҳам шуғулланган. ХСИнг кейинги фаолиятида математик усулларни тўплаш ва нашр қилиш билан ҳам шуғулланган.

Кейинги йилларда халқаро статистиканинг ривожланиши Миллатлар Лигаси статистика органлари чегараларида иқтисодиёт ва молия бўлими вужудга келди. Бу бўлим ХСИ ёрдами билан халқаро статистика кўрсаткичлари тизимишининг амалий асосларини ишлаб чиқди, бундай кўрсаткичларнинг миллий статистика органлари томонидан бир хил ҳисобланиши учун таомойил ва тавсияларни таърифлаб берди. Миллий иттифоқ билан бир қаторда бошқа халқаро ташкилотлар: Рим аграр институти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро почта ва телеграф иттифоқ кабиллар ва ўзининг статистик хизматлари бўлгани қатор бошқа ташкилотлар ҳам иштироқ этган эди.

Статистика бўлими билан бирга БМТ СК, ўзининг статистик хизматларига эга бўлган 230тадан ортиқ мамлакат ва ҳудудларни бирлаштириб, бутун дунёнинг статистик ишларини ташкил қилмоқда. Шунингдек, иккى мингга яқин турли хил халқаро ташкилотларининг статистик маълумотларини ҳам ташкил қилмоқда. Бу вақтда ХСИ фаолияти статистик кўрсаткичларни бир хил ҳисобланаш усулларини ва умум яроқли таснифлар, турли хил мамлакатлар статистика хизматларининг ўзаро амалий ва илмий малакалар алмашинини ишлаб чиқишида кўмаклашнишига қартилган бўлади. ХСИ фаолиятининг марказида мунтазам сессиялар туради. Бу сессияларда бутунлай бошқа ижтимоий ва иқтисодий статистика мувофиқларни, математик статистикани кўллаш ва бошқалар бўйича маърузалар тин-

гланади ва мұхомама қилинади. Охирги йилларда ХСИда халқаро статистика муаммолари бүйіча статистика хизматлари бошқармалари учун амалиётлар олиб борилди. 1996 йилда европалык статистиклар учун семинар олиб борилди. Бу семинарда Нидерландия статистика бюроси фаолияти, тажрибаси, шунингдек мәдениеттегі мұнайдастырылуында халқаро статистик хизматларининг ролі ҳақида фикр алмашылары жой олған эди. ХСИ президенти ва евростат директорлари маңыздалары тингланди. Калькутта, Бомбей, Бейрут, Қохирада ХСИ бюджеттіннинг учдан иккі қисми сарфланадиган ХСИнинг ўқыу мартазлары мавжуд. Бу мартазларда статистиканың түрли хил соҳа мутахассислари, Африка ва Осиё мамлакатларининг статистиклари қайта тайёрланади.

Үтган асрнинг 90-йилларида ХСИ, халқаро статистикани унинг аниқлигі, үз вақтида тақдым эттан ва қулайлық, махфийликни таъминлаш каби түрли хил муаммолар бүйічча маҳсус көнгашлар үтказа бошлади. Унинг фаолияти деярли міллій ва халқаро ташкилоттар билан бөглиқ. ХСИнинг БМТГа кирмайдын ихтисослашынан мұассасалары ЗКОСОС ва ЮНЕСКОда маслаҳатчилик мавқеига ега. ХСИ мунтазам равишда БМТнинг СК фаолиятида қатнашади. ХСИ мунтазам равишда халқаро статистика мәдениеттегі нашр қылади, ўзининг мажlisлари материалларини босмадан чықаради, мәдениеттегі күрсаткышлар дастури бүйічча жаһоннинг үйрек шаҳар үйленімдерини мунтазам равишда босмадан чықаради, ХСИнинг уставига күра ривожлашаёттегі давлатларға статистика услугубияттінің тәжірибеліліктерінен қорытынды береди. Булардан ташқары статистика ишини олиб бориш қуйидаги халқаро ташкилотларда ҳам йўлга кўйилган:

- халқаро эконометрика жамиятида;
- халқаро сиёсий фанлар асоциациясида;
- ахоли нұғузини үрганиш халқаро иттифоқи;
- халқаро Африка институтида;
- америкааро статистик институтларда ва бошқа жойларда олиб борилади.

## Қисқача хуласалар

Халқаро миқёсда статистик маълумотлар тўплаш иши:

- 1) Халқаро ташкилотлар қошидаги статистик бўлимлар.
- 2) Миллий статистик хизматлар ташкилотлари зиммасига юкландандир.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари.
2. БМТ қошидаги Статистика Комиссияси фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
3. Халқаро статистика институти фаолияти.
4. Евростат фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?
5. Чет эл мамлакатларида статистик хизматнинг ташкил этилиши.

## Асосий адабиётлар

1. Григорук Н.Е. Методические проблемы статистики внешнеэкономических связей. Вестник статистики. 1998г. №10.
2. Сиденко А.В. Социально-экономическая статистика развивающихся стран. М. УДН. 1987.
3. Сиденко А.В. и др. Международная статистика. Учебник. -М.: Изд. Дело и сервис, 1999.

### III боб

## ХАЛҚАРО СТАТИСТИКАДА ҚҰЛАННИЛДИГАН МУХИМ ТАСИИФЛАР ВА ГУРУХЛАШЛАР

### 3.1. Иктиносодий фаолият тармоқларининг халқаро таснифи

Илк бор statistик мәденимдегін ягона таснифнин тузын бүйінча ҳаракатлар XVII аср ўрталарыда амалға оширилған эди. Австрия олимлари 1857 йили ишлаб чықарни тармоқларини назарий жиһатдан 8 гурұхға ва 34 сипбетке бүлишини тақлиф қылдылар. Ағасуски уларнинг бу назарий фикрлари амалиёттә ўз татбикини тоимади. 1895 йили ижтимоий-иктиносодий фаолият шаклларини тайёр маҳсулот олиш учун хомашёга технологик ишлюв беріши усуулларини боғлаша имкониятлары тошилди. Үшбу боғланнан күйіндеги схемага асосланған эди:

- А гурұхи. Хомашёг ишлаб чықариш.
- I. Ер устидан фойдаланиш.
    1. Қынислоқ хұжаяны.
    2. Балықчылық ва овчилік.
    3. Күчманчылық.
  - II. Минераллар қазиб олиш.
- Б гурұхи. Хомашёга ишлюв беріши ва үндан фойдаланиш.
- I. Саноат.
  - II. Транспорт.
- III. Савдо, банкдар, сұғартта ташкылтлар.
- В гурұхи. Ижтимоий ташкылтлар ва әркии мутахассис-никлар.
- I. Харбий күчлар.
  - II. Бөшқариш.
  - III. Әркии мутахассисниклар.
- IV. Даромаддар ҳисобига япсовчы шаҳслар.
- V. Ҳизматкорлар.

Халқаро statistик таснифларни тузынға Миллатлар Лигасы томонидан тузылған, 1925 ва 1938 йилларда тақдым этилған тасниф ғылымлары ҳам кратта ҳисса күшди. 1948 йили БМТ Статистика комиссиясыннан яңы таснифнин ишлаб чықы. Үшбу тасниф Халқаро стандарт тасниф ассоции ташкыл этиб, ҳозирғи күнгә қадар фойдаланыб келинаёттан жаһон кодировкаларига ассо солған.

Иктиносодий фаолият тармоқлари таснифи масаласи чөт әл иктиносодчилариниң яқын 10-15 йил ичида, айниқса қаттың қызықтыра бошлады. Ҳозирғи вақтда БМТ шынг статистика бюроси

томонидан тақдим этилган тасниф күлләнниб көзинимеңдә. Үшбу тасниф унгача күлләннилгән таснифлардан жуда катта фарқ қынмай, асосан чөт әл мамлакатларида күлләнниб көзиниәттән таснифларни ўзаро мувофиқлантириши, бир асосга келтирини натижасыда юзага келгән.

Халиқ хұжалиғи тармоқтардың тармоқчаларининг таснифи бир түрдәгі корхоналар ўртасидаги алоқаларни аналитик ўрганишни ҳамда ишлаб чықарынине бевосита икәтисодий, технологик ва бошқа жараба-шараларни чуккүрроқ ўрганинша қараташыған. Халиқ хұжалиғи тармоқтарини ўрганишта тасниф асосында нима күйишлиши асосий масала ҳисоблашади. Масалан: саноатнинг тармоққа ажыралишында ассо қызыл үнимин озини керак? Қандай белги тасниф асосини ташкил қылышын керак? Үндиң күйидеги З ҳолатни келтириш мүмкін:

1. Ҳомаштенинг бошланғыч шақыры. Масалан: барча металлга ишлов берувчи корхоналар металлургия тармоғига ва шу каби күнчилік саноати, тамаки саноати, озиң-овықат саноати ва бопиқаларни ташкил этади;

2. Махсулоттенинг истеъмол қыймати бүйічка таснифлаши. Масалан: қызылоқ хұжалиғи, транспорт машинасозлиги, қуораласлаша ишлаб чықариш.

3. Технологик ишлов бериш жараба-шаралары.

Бу белгига күра саноат тармоғи қазиб чықариш ва ишлов бериш тармоғига бўлиниши мүмкін. Шунингдек, тұқимачилик, кимә, металлургия саноати ҳам шу белги асосида юзага келади. БМТ нинг 1993 йили қабул қилинган охирги таҳриридаги таснифига кўра халиқаро тармоқтар таснифи 9 та йирик бўлимдан иборатdir.

- 1) Қызылоқ хұжалиғи, ўрмон хұжалиғи, овчилик ва балықчilik.
- 2) Тор-коң саноати.
- 3) Ишлов бериш саноати.
- 4) Электроенергия ишлаб чықариш, газ ишлаб чықариш, сув таъминоти ва санитария хизмати.
- 5) Қурилиш.
- 6) Транспорт, алоқа ва омборхона хұжалиғи.
- 7) Молия, сұғурта.
- 8) Давлат коммунал ва шахсий хизматлар кўрсатиши.

### 3.2. Иш фаолиятларининг халиқаро таснифи

Иш фаолиятларининг халиқаро таснифи БМТ нинг халиқаро меҳнат ташкилоти томонидан олиб борилған қўп йиллик изланишлар натижаси бўлиб, 1993 йили тўлдирилгани янги таҳ-

риириятда эълон қилинди. Халқаро фаолиятлар стандарт таснифлари асосига «Фаолият тури белгиси» асос қилиб олинди. Фаолиятлар халқаро стандарт таснифининг асосий амал қилувчи гурухлари куйидагилардир:

1. Башқарув ва маъмурий ходимлар.
2. Интеллектуал ва илмий ходимлар.
3. Оралиқ қасблар (техниклар, операторлар, кичик тиббиёт ходимлари, диний муассасалар ходимлари).
4. Маъмурий персонал (котибалар, разничилар, девонхона ходимлари, хизмат кўрсатувчи ходимлар).
5. Савдо ходимлари.
6. Қишлоқ хўжалиги ходимлари, балиқчилар, ўрмончилар.
7. Ҳунардмандлар ва ёрдамчи ходимлар (курувчи, шахтёр ва ҳ.к.).
8. Машина ва ускуналар операторлари.
9. Малакасиз ходимлар (қоровуллар, юк ташувчилар, кўчада савдо қилувчилар ва ҳ.к.).
10. Ҳарбийлар.

Юқоридаги йириклиштирилган гурухлардан 2-даражали 84 та гурух, 3-даражали 384та кичик гурухчалар ва 1506 та майда гурухчалар 5500 та фаолият турларини ўз ичига қамраб олади. Ўшбу гурухларни тузишда айrim ноаниқликлар мавжуд. Масалан: бухгалтерлар 1-гурухга, ҳисобчилар 4-гурухга киритилган ва шунга ўхшайт ноаниқликлар учраб туради. Шу сабабли ўшбу тасниф ҳам бир қанча ўзгаришилар киритишга муҳтож. Ўшбу таснифни амалга оширишда ақлий ва жисмоний қасб вакилларини ажратиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қишлоқ хўжалиги билан шугуланувчи ходимлар гурухида фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқарувчилар бир гурухга бирлаштирилганлар. Бу ҳам бизнинг фикримизга тўғри эмас. Шунга ўхшаш айrim ноаниқликлар бошқа гурухларда ҳам мавжуд.

### 3.3. Халқаро савдо таснифи

Халқаро савдо таснифи бошқа таснифларга қараганда бир мунча кенг ва батафсил тузилган. Унинг асосий сабаби, савдо таснифининг ҳар бир мамлакат божхона сиёсати билан борлиқлигидир. Ташиби савдода товарлар ассортименти кенг бўлиб, у ерда озиқ-овқат моллари билан ишлаб чиқариши воситалари ҳам мавжуд. Савдо таснифини амалга оширишда товарлар таснифи билан халқ хўжалиги тармоқлари таснифини мувофиқлаштириш зарурдир. Агар товарлар таснифи асосига тармоқ белгиси билан мос тушмайдиган белги асос қилиб олинса, у

ҳолда маълумотларни таққослашда бир қанча қийинчиликлар юзага келади. Маҳсулотларни илмий нуқтаи назардан таснифлашда уларнинг истеъмол қийматларидан келиб чиқилади. Айрим ҳолларда уларнинг таркиби ҳам ҳисобга олинади. Уларни иқтисадий таснифлашда маҳсулотларнинг кимёвий таркиби, моддий таркиби ҳам ҳисобга олинади. Айрим ҳолларда истеъмол қиймати белгиси тасниф асосини ташкил этувчи белги сифатида уларнинг тармоққа бўлинишини ифодалаб бера олмайди. Масалан: озиқ-овқат маҳсулотлари саноат тармоғида ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқарилиши мумкин. Тармоқ ва маҳсулотлар таснифининг бир-бираига мос тушмаслигини ташки савдо номенклатурасида мавжуд бўлган пахта ва пахта чиқиндилари мисолида ҳам кўриш мумкин. Паҳтани қишлоқ хўжалиги ёки саноат маҳсулотига киритиш мумкин. Ташки савдо айланмасига пахта чигитдан тозаланган ҳолда киритилади. Бундай тозалаши авваллари қишлоқ хўжалигида амалга оширилган бўлсада, кейинчалик пахта тозалаш корхоналарида амалга оширила бошланди. Бирингч ҳолда пахта қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, иккинч ҳолда эса саноат маҳсулоти деб ҳисобланади. Бунга ўхшашиб музоммалар ҳалигача учраб туради. 1993 йили БМТ нинг статистика кўмитаси томонидан халқаро стандарт савдо таснифининг учинчи матнини тасдиқлайди. Ушбу таснифга кўра қўйидаги йирик бўлимлар мавжуд:

1. Озиқ-овқатлар (10 та гуруҳга бўлинади).
  2. Ичимлик ва тамаки маҳсулотлари (2 гуруҳга бўлинади).
  3. Бирламчи хомашё (ёқилғидан ташқари 9 гурух).
  4. Ёқилғи ва мойлаш материаллари.
  5. Ўсимлик ва ҳайвон ёслари (7 гуруҳга).
  6. Кимё маҳсулотлари (9 гуруҳга бўлинади).
  7. Саноат ярим фабрикатлари (9 гуруҳга бўлинади).
  8. Машинасозлик ва транспорт воситалари маҳсулотлари (8 гуруҳга бўлинади).
  9. Ишлов бериш саноатининг бошқа маҳсулотлари (8 гуруҳга бўлинади).
  10. Юқорида номлари қайд этилмаган товарлар.
- Юқоридаги таснифлардан ташқари халқ хўжалиги тармоқларини, иқтисодиётни ўрганишда бошқа бир қанча бўлимлар бўйича таснифлаш ва гуруҳлаш амалга оширилади.
- мулик шакллари бўйича;
  - бошқарув даражаси бўйича;
  - вазирлик ва муассасалар бўйича;
  - ижтимоий-жуғрофик иқтисодий худудлар бўйича гуруҳлаш.

## Қисқача хуносалар

ТИФ статистикасида қўлланиладиган энг муҳим таснифлар ва гурухлашлар қўйидагилар:

- 1) Иқтисодий фаолият тармоқларининг халқаро таснифи.
- 2) Иш фаолиятларининг халқаро таснифи.
- 3) Халқаро савдо таснифи.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий фаолият тармоқларининг халқаро таснифи.
2. Иш фаолиятларининг халқаро таснифи.
3. Халқаро савдо таснифи.
4. Халқаро статистикада қўлланиладиган муҳим таснифлар ҳамда гурухлашлар.

## Асосий адабиётлар

1. Сиденко А.В. и др. Международная статистика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 1999.
2. Иванов Ю.М. и др. Экономическая статистика. – М., 1998.
3. Петер фондер Липпе. Экономическая статистика. Штутгарт, 1995.

## IV боб

### ХАЛҚАРО АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ

#### 4.1. Чет элларда аҳоли сони статистикаси

Ҳар бир жамиятда аҳоли тўғрисида тўла ва аниқ маълумотлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётни режалаштиришда асос қилиб олиниди. Давлат режалаштириш идоралари халқ хўжалигининг турли тармоқлари ишини тўғри ташкил қилиш учун жамият барча аъзоларининг ўсиб бораётган талабларини инобатта олишлари зарур.

Аҳолининг сони, таркиби ва жойлашиши тўғрисидаги аниқ ҳамда муфассал маълумотларга эга бўлмасдан туриб бутун мамлакатнинг ҳамда айрим вилоят, туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ҳамда маданий ҳаётини илмий жиҳатдан асосланган жорий ва келгуси режасини тузиц мумкин эмас.

Статистика аҳолини ўрганишини унинг сонини аниқлашдан бошлайди. Вақти-вақти билан ўтказилиб туриладиган аҳоли рўйхати ва аҳолининг табиий ўзгариши ва унинг кўчиб юриши (миграцияси) аҳоли тўғрисидаги маълумотлар маъбдий ҳисобланади. Аҳолининг табиий ўзгаришини, туғилган ва ўлганларни, никоҳдан ўтган ва ажralишиларни фуқаролик ҳолатини қайт қилиш (ФҲҚК) органлари ҳисобга олади.

Жорий ҳисоб асосида аҳоли таркиби тўғрисида тўла ва муфассал маълумот олиб бўлмайди. Аҳолининг таркиби тўғрисидаги бошقا муҳим маълумотлар аҳолининг оиласвий ҳолати, миллити, она тили, ҳаёт кечириш омиллари, халқ хўжалик тармоқлари ва машгулотлари бўйича тақсимланиши тўғрисида муҳим маълумотлар аҳоли рўйхати ўтказилганда гина олиниши мумкин.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида 7 марта аҳоли рўйхати ўтказилди (1920, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда). 1989 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 19905 минг киши яшаган бўлса, 2000 йили (1.01 да) эса 24488 минг киши истиқомат қилган.

Аҳоли сонини ифодалаш мақсадида рўйхат ўтказиш жараёнида доимий ва мавжуд, вақтинча йўқлар ва вақтинча яшовчилар сони аниқланади:

$$\begin{aligned} \text{ДА} &= \text{МА} + \text{ВЙ}-\text{ВЯ} \\ \text{МА} &= \text{ДА} + \text{ВЯ}-\text{ВЙ} \end{aligned}$$

Бу ерда: ДА – доимий аҳоли сони;  
МА – мавжуд аҳоли сони; : .

ВЙ – вақтингчалик йўқлар;

ВЯ – вақтингчалик яшовчилар.

Доимий аҳоли деганда, рўйхат ўtkазилаётган санада мазкур аҳоли пунктида доимий яшовчи аҳолини тушунамиз.

Мавжуд аҳоли деганда, рўйхатта олиш вақтида (яшаши жойи доимий ёки вақтингчалик бўлишидан қатъи назар) мазкур аҳоли пунктида бор (мавжуд) бўлган аҳоли тушунилади.

Аҳолининг ўртача йиллик сонини аниқлашда турли формулалар кўлланилиши мумкин:

1. Агар аҳоли сони фақатгина йилнинг боши ва охири учун келтирилган бўлса, у ҳолда аҳолининг ўртача сони қўйидагича ҳисобланади:

$$\bar{A} = \frac{A_0 + A_1}{2}$$

Бу ерда:  $\bar{A}$  – аҳолининг ўртача сони;

$A_0$  – йил бошидаги аҳоли сони;

$A_1$  – йил бошидаги аҳоли сони.

2. Агар аҳоли сони бир йил ичидаги ойлар бўйича тенг интервалларда келтирилган бўлса, у ҳолда аҳолининг ўртача сони хронологик формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\bar{A} = \frac{0,5A_1 + A_1 + A_2 + \dots + A_{n-1} + 0,5A_n}{n-1}$$

3. Агар аҳоли сони бир йил ичидаги ойлар бўйича тенг бўлмаган интервалларда келтирилган бўлса, у ҳолда аҳолининг ўртача сони ўртача тортилган арифметик формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\bar{A} = \frac{\sum At}{\sum t}$$

Аҳолининг ҳақиқий сони МДХ давлатларида, айниқса Кавказ давлатларида расмий маълумотларга қараганда паст, сабаби аҳолининг кўп қисми чест элларга нутканда эмиграция қилганлар.

Демак, 1- жадвал бўйича тахлил қилганимиздан сўнг куйидаги натижаларга эга бўламиз:

Россия аҳолиси 5,1% камайган.

Қозогистон аҳолиси 11,91% камайган.

Белоруссия аҳолиси 2,92% камайган.

Қирғизистон аҳолиси 11,3% камайган.

Молдова аҳолиси 2,3% камайган.

Туркманистон аҳолиси 42,1% камайган.

Грузия аҳолиси 3,63% камайган.

Озарбайжон аҳолиси 14,8% камайган.

Арманистон аҳолиси 11,7% камайган.

ва Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 20,2% га ошган.

### I-жадвал

МДҲ давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси аҳоли сони  
(йил бошига, млн. киши)

Мамлакатлар	1991 йил	2001 йил
Россия	148,5	145,2
Украина	51,9	49,3
Ўзбекистон	20,7	24,9
Қозогистон	16,8	14,8
Белоруссия	10,3	10,0
Озарбайжон	7,1	8,1
Грузия	5,5	5,3
Тоҷикистон	5,4	6,2
Кирғизистон	4,4	4,9
Молдова	4,3	4,4
Туркманистон	3,8	5,4
Арманистон	3,4	3,8
МДҲ жами	282,1	282,3
Шундан Ўзбекистон улуси	7,3%	8,8%

МДҲ бўйича жами 100% қилиб олсан, шундан Ўзбекистон улуси 8,8%. Ўзбекистонда аҳоли сони даражаси юқорилиги, яшаш учун шарт-шароитлар қулиялиги, аҳоли саломатлигига ётибор кучлилиги сабаблиди.

Инсон хайвонот дунёсидан тахминан бир миллион йил илгари ажралиб чиқсан. Ҳозирги вактда планетамиз аҳолисининг милоддан оддинги даврдаги ўсишини фақат тахминан белгилаш мумкин. Эрамиз бошларига келиб, ер курраси аҳолиси тахминан 150-200 миллион кишига, эрамизнинг 1000 йилига келиб қарийб 300 миллионга етди.

Кейинги 100 йиллар ичида, яъни XIX асрга қадар дастлаб Европанинг иқтисодий тараққий этган давлатларида, сўнгра дунёнинг бошига кўпгина мамлакатларида аҳолини рўйхатта олиш (статистик ҳисобга олиш) тартибга солинган бўлсада, жаҳон аҳолиси сонининг ўзгариши ҳақида оз маълумотлар бор. Демог-

рафларнинг тахминий ҳисобларига кўра, эрамизнинг иккинчи минг йиллари бошида жаҳон ахолисининг ҳар йилги ўсиш суръати жуда оз миқдорда бўлган ва фойизнинг юздан бир улушини ташкил этган. Дунёнинг турли мамлакатларида тез-тез бўлиб турган урушлар, кенг тарқалган юқумли касалликлар ва очарчилик натижасида бу ўсиш бир меъёрда бўлмаган ва айрим ҳолларда ҳатто пасайиб турган.

Туғилишининг юқори дараражасини сақлаб қолиш факат Европа мамлакатлари ахолисининг тез ўсиши учун имкон бўлиб кормай, балки Америка ва Австралия ахолисининг тез кўпайиши учун ҳам имконият яратди. Чунки Европадан Америка ва Австралияга кўплаб кўчманчилар борар эди. Шунинг учун ҳам Америкада ахолининг ўсиш суръати Европага нисбатан юқори эди. 1750 йилдан 1900 йилгача Америка ахолиси 12 марта ошган бўлса, Европа ахолиси тахминан 3 марта кўпайди.

#### 4.2. Ахолининг ҳаракат кўрсаткичлари

Ахолининг ҳаракат кўрсаткичлари мазмунан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи иккита гуруҳдаги кўрсаткичларни ўз ичига олади. Биринчи гурухга ахолининг табиий ҳаракатини, туғилиши ва ўлишни, никоҳдан ўтганлар ва ажралганлар сонини, иккинчи гурухга эса ахолининг кўчиб юришини ифодаловчи кўрсаткичлари киради.

Ахолининг табиий ҳаракати мутлақ ва нисбий миқдорда аниқланади. Абсолют табиий кўпайиши қўйидагича ҳисобланади:

$$T_{\text{куп}} = T_{\text{уф}} \cdot \bar{Y}$$

Бу ерда:  $T_{\text{уф}}$  - туғилганлар сони;  
 $\bar{Y}$  - ўтганлар сони.

Бўй кўрсаткич аҳоли ҳаракати жадаллигини (ингенсивлиги) бевосита ўзида акс эттира олмайди. Шунинг учун ҳам ахолининг табиий ҳаракатидаги жадалликни ифодалаш мақсадида туғилиши, ўлиш, табиий ўсиш, хастийлик, маҳсус туғилиши, болалар ўлимини тавсифловчи коэффициентлар ҳисобланади. (2 – жадвал):

Туғилиш коэффициенти – туғилганлар сонини аҳоли ўртача сонининг ҳар 1000 тасига нисбатан ҳисоблаш йўли билан аниқланади:

$$K_{\text{уф}} = \frac{T \cdot 1000}{A}$$

Ўлиш коэффициенти – ўтганлар сонини аҳоли ўртача сонининг ҳар 1000 тасига нисбатан ҳисоблаш йўли билан аниқланади:

$$K_{ya} = \frac{\dot{Y} \cdot 1000}{A}$$

Табиий ўсип коэффициенти:

$$K_{t,yic} = \frac{(T - \dot{Y}) \cdot 1000}{A} \text{ ёки } K_{tab,usip} = K_{tuf} \cdot K_{y,a}$$

Хаёттийлик коэффициенті туғилғанлар сонини ўлғанлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$K_x = \frac{T}{\dot{Y}}$$

Максус туғилиш коэффициенти туғилишлар сонини биологоик жиҳатдан зурриёт кўриш қобилиятига эга бўлган аёллар (бундай аёллар жумласига 15-49 ёшдаги аёллар киради) ўртача сонининг ҳар 1000 тасига нисбатан хисоблаш йўли билан аниқланади:

$$K_{max,tut} = \frac{T^* 100}{15 - 49 \text{ ёшдаги аёлларнинг ўртача сони}}$$

1 ёшгача бўлган болалар ўлими коэффициенти қуидаги аниқланади:

$$K_{6,y} = \frac{\dot{Y}_{1 \text{ ёш}} \cdot 1000}{1/3(T_0) + 2/3(T_1)}$$

Бу ерда:  $\dot{Y}_1$  — ўтган ва шу йил ичида туғилғанлар сонида 1 ёшгача ўлған болалар сони.

$T_0, T_1$  — ўтган ва шу йил ичида жами туғилған болалар сони.

Жоҳон аҳолисининг сони динамикаси, аҳолининг табиий ҳаракати билан, яъни асосан туғилиш ва ўсиш кўрсаткичлари билан белгиланади. Ўлимга нисбатан туғилишнинг кўпилиги аҳолининг табиий ўсишини кўрсатади. Баъзи бир қитъалар ва айрим мамлакатлар аҳолиси сонининг ўсишига аҳоли миграцияси ҳам жиддий таъсир этади.

1960-1967 йиллар ичида ер юзида ўрта ҳисобда ҳар йили 106 миллион киши туғилиб, 47 миллион киши ўлған. Натижада аҳоли йилига 59 миллион кишига кўпайган.

Аҳоли табиий ҳаракатининг тавсифи мураккаб бўлиб, у жуда хилма-хил сабаблар билан белгиланади. Ўсиш кўрсаткичлари дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳолининг фаровонлиги даражаси, соғлиқни сақлаш тизимининг

аҳволи билан чамбарчас боғлиқдир. Туғилиш кўрсаткичи аҳолининг жинси ва ёш тузилмаси хусусиятларига, никоҳланувчиларнинг ўргача ёшига, шунингдек, эр-хотиннинг маълумот даражаси сингари омилларга ҳам маълум даражада боғлиқдир. Шаҳарларда қишлоқ жойларга қараганда туғилиши камроқ бўлади.

### 2-жадвал

Айрим жаҳон мамлакатлари бўйича умумий туғилиши, ўлиш ва табиий ўсиш коэффициентлари (минг кишига нисбатан %)

Мамлакатлар	Йиллар	Туғилиш	Ўлганлар		Табиий ўсиш
			Жами	1 ёшнчча	
Хитой	1990	21,1	6,1	-	15,0
	1995	17,1	6,6	-	10,5
Ҳиндистон	1990	30,2	9,7	80	20,5
	1994	28,4	9,6	74	18,8
Япония	1990	9,9	6,6	4,5	3,3
	1995	9,5	7,4	4,2	2,1
АҚШ	1990	16,6	8,6	9,2	8
	1994	15,3	8,8	7,9	6,5
Англия	1990	13,9	11,2	7,9	2,7
	1995	12,6	11	6,2	1,6
Германия	1990	11,4	11,5	7,1	-0,1
	1995	9,3	10,7	5,6	-1,4
Қозоғистон	1990	21,7	7,7	26,4	14
	1995	16,7	10,2	27,3	6,5
Россия	1990	13,4	11,2	17,4	2,2
	1995	9,3	15	18,1	-5,7
Ўзбекистон	1995	29,8	6,3	-	23,5
	1999	22,3	5,3	-	17,0

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, дунё мамлакатларида туғилиши, ўлиши ва табиий ўсиш коэффициентлари турли қитъаларда ўзига хос хусусиятга эга, масалан: Африка ва Осиё қитъаларида анча катта. Европа мамлакатларида эса бу кўрсаткичлар анча паст. Янги пайдо бўлган Белоруссия, Украина ва бошқа Ҳамдўстлик Мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан аҳолининг табиий кўпайиши йўқолиб, уни ўрнини камайиши эгаллаган.

Жаҳонда 200 га яқин мамлакат бор. Щулардан ўнтасида, яъни аҳолиси энг кўп ҳисобланган Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Покистон, Индонезия, Япония, Бразилия, Германия Федератив Республикаси ва Буюк Британияда ер юзида истиқомат қилувчи аҳолининг тахминан 2/3 қисми жойлашган.

Үртача умр. Халқаро демографик статистикасида үртача умр деб, муайян авлодга мансуб түғилғанлардан ҳар бири ўрта ҳисобда неча йил яшаш мүмкінлігін айтилади. Айни шу вақтда ана шу авлоднинг яшаш мүддати мобайніда ёшдан ёшга ўтиши, барча аҳолининг тегишли ёш гурӯхларида ўлим ҳозирги даражада бўлади, деб тахмин қилинади. Ўлим кам бўлган мамлакатларда үртача умр узун бўлади. Үртача умр ҳаёт тарзининг ижитимоий-иқтисодий шароитига ва соғлиқни сақлаш ишлари аҳволига боғлиқдир.

Аҳолиси энг узоқ умр кўрувчи давлатлар Швеция, Норвегия ва Нидерландиядир. (85 йил). Инсон энг кам умр кўрадиган жой Марказий ва Жанубий Африка мамлакатларидир (30-40йил). Аҳолисининг үртача умри, тахминан қўйидагича: Шимолий Америкада—70 йил, Европада—68, Лотин Америкасида—50-55, Осиёда—40-50, Африкада—40 йилдан камроқ, Австралия, Буюк Британия, Испания, Канада, Нидерландия, Янги Зеландия, Норвегия, Франция, Швеция, Швеция қаби мамлакатларда үртача умр 70-73 йилни, Бельгия, Италия, Кипр, АҚШ ва Японияда 65-69 йилни, Аргентина, Испания, Португалия, Сингапурда 60-64 йилни, Таиландда 45-50, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Гондурас, Доминикан Республикаси, Колумбия, Никарагуа, Панама, Перуда 40-50 йилни ташкил этади.

#### Аҳоли миграцияси.

Аҳоли миграцияси қитъалар ва дунё мамлакатларини истикоматтоҳга айлантириш ва уларда яшовчиларни шакллантиришда катта роль ўйнайди. Асосан Европадан Америкага, яъни океанинг нариги ёғига кўчиб ўтиш XIX ва XX асрларнинг бошларида тавсифли воқеа эди. Европадан бўлган эмиграция XIX асрнинг 20-йилларидан бошлаб сезиларли даражада ўса борди ва шу асрнинг үрталарида ийлига ўрта ҳисобда 300 минг кишини ташкил этди. XX асрнинг үрталарида 60 миллиондан кўпроқ киши Европадан Америкага кўчиб кетади. XX асрда Осиё, Африка, Америка аҳолисининг миграцияси ўз ҳажми жиҳатидан европаликларнинг кўчишига нисбатан камроқ эди. Юз минглаб киши қатнашган энг йирик миграциялар қаторида хитойликларнинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига, Япониянинг Гавайа, АҚШга ва айниқса, Шимоли-Шарқий Хитойга, Кореяга, хинҷа аҳолисининг Цейлонга, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига, Шарқий ва Жанубий Африка ва Океаниядаги Феджи оролларига кўчирилишларини кўрсатиб ўтиш керак.

Иккинчи жаҳон уруши бораётган районлардан аҳолининг кочиши ва миллионлаб аҳолининг эвакуация қилиниши туфайли янги миграция рўй берган. Бу миграция, асосан вақтингча

тавсифга эга бўлган. Осиёда рўй берган энг йирик миграция (1956 йил) Хиндистон ва Покистон бўлиб, мустақил давлат сиғатида ташкил топиши билан борлиқ бўлган ва асосан диний эътиқод белгиси остида шаклланган миграция эди.

#### 4.3. Чет элда аҳоли таркибини ўрганиши

Аҳоли таркибини ўрганиши уларни қўйидаги гурухларга ажратиш йўли билан амалга оширилади:

1. Умумдемографик белгилар (жинси, ёши, оиласвий ҳолати).
2. Аҳолининг миллый таркибини тавсифловчи белгилар (-миллати, она тили, фуқаролиги).
3. Аҳолининг маданий даражасини тавсифловчи белгилар (маълумоти, таълим олиши).
4. Аҳолининг ижтимоий таркибини тавсифловчи белгилар (ижтимоий гуруҳи, яшаш омиллари).
5. Мехнат ресурсларини ифодаловчи белгилар (иш жойи, машғулоти, мутахассислиги).

Аҳолининг жинсий таркиби ва ёш тузилмаси энг муҳим демографик ва иқтисодий кўрсаткичлардан биридир, чунки табиий кўпайиши жараёнида мавжуд ишлаб чиқариш усули ва ишлаб чиқариши муносабатлари ҳал қитувчи омиллардан ҳисоблансада, аҳолининг жинси ва ёшига оид кўрсаткичлар инсон зурриётини юзага келишида, меҳнат ресурсларининг шаклланни суръати ва тавсифини белгилашда, жамиятнинг эҳтиёж ва имкониятларини ҳисобга олишда катта аҳамият ўйнайди.

Аҳолининг ёши бўйича ҳисобга олиш, уни ўрганиш кўп тадбирларни, жумладан истеъмол буюмлари ва уларни ассортиментлари бўйича ишлаб чиқариш, болалар боғчалари ва мактаблар курилишини режалаштириш, меҳнат ресурслари ва шунга ўхшаш қатор кўрсаткичларни аниqlашда жуда муҳимдир.

Аҳоли статистикасида аҳолининг миллый таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Кўп миллатли мамлакатимизда миллый сиёсатнинг оқилона амалга оширилаётганлигини, ҳамма миллатларнинг равнақ толпаётганлигини, милл以习近平 мактаблар, ўз она тилида дарс олиб бориш, дарслик, ўкув кўлланмалари, газета ва ойномаларни тегишли миллый тилида нашр қилиш, миллый-маданий муассасаларни (театр, кутубхона ва ҳ.к.) очиш ва ривожлантириш каби қатор вазифаларни ҳал қилиш, айрим миллат сонини, уларни худудлар бўйлаб жойлашишини аниqlашдан бошланади.

Республикамиз худудида 1939 йили 97 миллат ва элатга мансуб аҳоли яшаган бўлса, 1959 йили 113, 1970 йили 120 та ва

1989 йили эса 122 та миллат ва элатта мансуб аҳоли яшади.

Аҳолининг жойлашиши. Ер курраси бўйича аҳолининг жойлашиши бир хилда эмас. Ҳали одамлар томонидан мутлақо истиқоматтохга айлантирилмаган катта майдонлар билан бирга аҳоли жуда зич жойлашган дехқончилик районлари ва йирик шаҳар агломиграциялари, яъни ўта зич жойлашган шаҳарлар ва шаҳар атрофи районлари бор. Аҳолининг 50%дан қўпроғи иссик қинотақа мамлакатларида яшайди, 85%дан қўпроғи Фарбий ярим шардан олдинроқ истиқоматтохга айлантирилган Шарқий ярим шарда жойлашган. Европа ва Шимолий Америка саноати тараққий этган районларида, Осиёнинг Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шимолий Американинг йирик дарё водийларида аҳолининг зичлиги айниқса каттадир. Ер куррасининг аҳоли, айниқса зич жойлашган районларнида планетамиз аҳолисининг 70 %га яқин қисми яшайди.

Аҳолини шаҳар ва қишлоқ аҳолисига ажратиш мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилсада, тахминий тавсифга эга эканлигини эътироф этиш зарур, чунки шаҳар ва қишлоқ аҳолиси тушунчаси турли мамлакатларда ҳар хил маънени билдиради.

Аҳоли яшайдиган материкларда аҳолининг умумий ўртача зичлиги ( $1 \text{ km}^2$  га тўғри келадиган аҳоли сони) 24 қишини ташкил этган, шу жумладан Хорижий Европада—189, Хорижий Осиёда—101, Африкада—99, Австралия ва Оксанияда 66 қиши.

Ўзбекистон Республикаси вилоятларини аҳоли зичлиги. Андижон вилояти майдонини ҳар бир квадрат километрига 522 қиши тўғри келади. Бухоро вилояти  $1 \text{ km}^2$  майдонга—35,3 қиши. Жizzах вилояти—46,2, Навоий вилояти—7,1 қиши, Наманганд вилояти—260,8, Самарқанд вилояти —160, Сирдарё вилояти—150,2, Сурхондарё вилояти—86,6, Тошкент вилояти—290,1 қиши, Фарғона вилояти—399,4, Хоразм вилояти—217,4, Қашқадарё вилояти 75,9 қиши тўғри келади.

Шаҳар аҳолиси. Жаҳон аҳолисининг жойлашиши кўп жиҳатдан шаҳарлар географияси- аҳолиси, асосан саноат, савдо ва қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда шуғулланадиган катта истиқоматтоҳлар билан белгиланади. XIX – XX асрларда шаҳар аҳолисининг сони айниқса тез ўди. Кўпгина мамлакатларда қишлоқ аҳолисининг фақат нисбий камайиши ҳисобига эмас, балки абсолют рақамларда ҳам камайиши ҳисобига шаҳар аҳолиси кўпайиб бормоқда. Шаҳар аҳолиси аҳолининг табиий кўпайиши ҳамда қишлоқ аҳолисининг иш излаб шаҳарга келиб қолиши, янги шаҳарлар барпо этилиши ва қишлоқларда аҳоли яшайдиган бир неча пунктларнинг шаҳарга айланиши натижасида кўпайди.

Ҳозир шаҳар аҳолисининг сони ер куррасидаги аҳолининг

умумий сонига нисбатан қарийб икки баравар тез ўсмоқда.

Чет эллик олимларнинг фикрига қараганда, 80-90 йилларда шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисидан ошиб кетган эди. 2000 йилда 100 минг ва ундан ортиқ аҳолили шаҳарлар бутун инсониятнинг 25%ни, 20 минг ва ундан ортиқ кишилик шаҳарлар 50%ни ўз бағрига олади. Шаҳар аҳолисининг ер куррасидаги турли районлар бўйича таҳсиланиши келгусида ҳар бир район аҳолисининг жаҳон аҳолиси салмоғидаги улушига мос равишида рўй бериши мумкин.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг салмоғи (йил бошига нисбатан)

Йиллар	Аҳоли сони (минг киши)	Шу жумладан		Умумий аҳолига нисбатан (%) хисобида)	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	شاҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
1	2	3	4	5	6
1990	20322	8282	12040	40,8	59,2
1991	20708	8344	12364	40,3	59,7
1992	21207	8483	12724	40,0	60,0
1993	21703	8559	13144	39,4	60,6
1994	22192	8653	13539	39,0	61,0
1995	22562	8732	13830	38,7	61,3
1996	23007	8831	14176	38,4	61,6
1997	23444	8944	14500	38,2	61,8
1998	23867	9059	14809	38,0	62,0
1999	24231	9157	15074	37,6	62,4
2000	24488	9166	15322	38,7	62,3

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 1990 йилдан бошлаб шаҳар аҳолисининг салмоғи умумий аҳолида йилдан йилга камайиб, қишлоқ аҳолисининг салмоғи ошиб бормоқдаки шу йили қишлоқ аҳолисининг умумий аҳолидаги салмоғи 59,2%ни ташкил қилган бўлса, 1999 йили 62,4% гача етган.

Умумий аҳолининг йиллик ўсишида йил бўйича камайишини кузатиш мумкин. Масалан, 1990 йили у 1,9%ни, 1995 йили 1,67%ни, 2000 йили эса 1,06%ни ташкил этган.

#### Аҳолининг жинсий тузилиши.

Аҳолининг статистик ҳисобини олиш яхши йўлга қўйилган мамлакатларда демографик материаллардан маълум бўлишича, ўғил болалар қизларга қараганда кўпроқ туғилади (ўртacha ҳисобда 100 қиз болага 105-106 ўғил бола тўғри келади). Бу ҳам жаҳоннинг барча мамлакатларига хос хусусиятдир. Бироқ эркаклар ва аёлларнинг умумий сони нисбати жаҳоннинг турли қисмлари ва мамлакатларида турлича. Бунга эркаклар ва аёлларнинг ўртacha ум-

ридаги фарқ, миграция, уруш ва бошқа омиллар сабаб бўлади.

Иктиносидий тараққий этган мамлакатларда, аёлларнинг умумий сони эркаклар сонидан кўпроқдир. Сабаби, бундай мамлакатларда болалар ичида ўғил болалар ўлими кўпроқ учрашидир (Масалан, АҚШда бир ёшгача ўғил болалар қизларга нисбатан 1,33 марта кўпроқ бўлади), шу сабабли тахминан 15-20 ёшга етгач, иккала жинс ўртасидаги нисбат сон жиҳатдан тенглashingadi. Каттароқ ёшда эса аёллар салмоғи мунтазам ўсиб боради. Аёлларнинг меҳнатга, айниқса оғир ва заарли ишлаб чиқаришда кам банд бўлганлиги сабабли аёллар орасида ўлим камроқ, демак ўртача умр эркакларга қараганда кўпроқ бўлади.

#### 4—жадвал

#### Ўзбекистон ва Латвия аҳолисининг жинсий тузилиши (фоиз ҳисобида)

Ўзбекистон	1980 йили			1995 йили		
	Жами	Эркаклар	Аёллар	Жами	Эркаклар	Аёллар
0-14 ёш	40,71	41,74	39,7	49,80	50,76	38,70
15-49 ёш	46,62	47,3	45,95	55,20	60,20	57,30
50 дан юқори	12,62	10,9	24,29	16,60	12,50	17,90
Латвия						
0-14 ёш	21,29	23,57	19,31	22,13	29,40	22,18
15-49 ёш	50,56	52,78	46,53	51,05	60,3	55,61
50 дан юқори	29,19	23,53	34,08	32,93	20,20	40,01

Ривожланётган кўп мамлакатларда (Осиёда), одатда эркаклар сони аёллар сонидан кўпроқ бўлади. Бу мамлакатларнинг кўпиди диний ақидалар мавжуд (масалан, истом дини даъватига кўра, аёллар мавқеи пастроқдир). Шу сабабли, гўё қиз бола оиласа кўшимча ташвиш келтирад эмиш. Шу боисдан қиз тугилиши оиласа ҳақорат деб билинади. Шу туфайли чақалоқлар орасида ўғил болалар ўлими қиз болалар ўлимита нисбатан кўп бўлмаса керак.

Барвақт никоҳланиш (Осиё ва Африкадаги бир қанча мамлакатларда ёшлар 15-20 ёшларида турмушга чиқадилар), натижада оналик ва кўп болалик даври ҳам эрта бошланади. Масалан, 45 ёшдан юқори бир ҳинд аёлига ўртача 6-7 бола тўғри келса, Буюк Британияда факат 2-3 бола тўғри келади. Бундай мамлакатларда тугиши вақтида малакали тиббий ёрдами кўрсатилимаслиги туфайли, кўплаб оналар нобуд бўлади. Айрим мамлакатларда аёллар ҳисобга олинмаган бўлиши мумкин. Умуман олганда, жаҳон миқёсида эркаклар сони аёллар сонидан бир мунча юқоридир.

#### Аҳолининг ёш тузилмаси.

Аҳолининг ёш тузилмаси энг муҳим демографик ва иқти-

содий күрсаткичлардан биридир. Аҳолининг ёшига қараб, шакланадиган турли гурухлар ўртасидаги нисбат кўп жиҳатдан, масалан, иқтисодий актив аҳоли салмоғини аниқлашда ёки муайян давлатнинг меҳнат ресурсларини белгилашда жуда ҳам зарур кўрсаткичдир. Аҳоли сонининг умумий ўсиши кўп жиҳатдан 16-50 ёшлилардаги аёллар сонига боғлиқдир.

Иқтисодист ва маданиятнинг муҳим кўрсаткичларини (болалар, ўкув муассасалари, меҳнат ресурслари, касаллик ва ўлим сабабларини ўрганиш аҳолининг келгусидаги сонини ҳисоблаш) тўғри режалаштириши ҳам аҳолининг ёни тузилмаси хақидаги маълумотлар айниқса зарурдир.

Кўпгина демографик кўрсатмалар факат муайян ёшдаги аҳолига нисбатан ҳаракат қилиши сабабли айrim демографик қонуниятларни фақат ана шу ёни гурухига кирувчи аҳолига кўллаш мумкин. Жаҳон аҳолисининг турли ёш гурухи юзасидан шакланган нисбат орасида табиий кўпайишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб берувчи иккита асосий ҳолатни алоҳида кўрсатиш мумкин: биринчى – туғилши юксак, ўлим ҳам шунга мувофиқ бир қадар кўп ва шу сабабли ўртача умр учча кўп бўлмаган давлатлар (бунга Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги деярли барча ривожланаётган мамлакатлар киради). Иккичи гурухдаги давлатларда бунинг акси, туғилиши ва ўлим ҳам камроқ бўтиб, узокроқ умр кўрувчилар кўпроқ бўлади (бунга Европа ва Шимолий Америка давлатлари киради); бундай давлатлар барча аҳоли таркибида болаларнинг камлиги ва ёши улгайгандарининг кўплиги билан тавсифланади.

Аҳолининг оиласи аҳволи.

Муайян мамлакат аҳолисининг оиласи аҳволи, энг аввало қайд этилган ёки этилмаган (бунга бўйдоклар, эр ёки хотиндан ажралишганилар, бевалар киради) никоҳда турувчилар сонига қараб бўлгиланади. Никоҳ ҳам маълум бир вақтда – одатда киши жинсий балогатга етган вақтдагина қайд қилинап экан, оиласи аҳвол кўрсаткичи ҳам одатда муайян ёшдан бошлаб кўрсатилади. Шу сабабли “оиласи аҳвол” тушунчаси 15 ва ундан юқори ёшдаги (Россияда – 16 ва ундан юқори) аҳолига таалтуқлидир.

Демографик статистикага асосан, расмий равища қайд этилган фуқаролик ва диний йикоҳларгина киритилган. Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида аёллар эрқакларга қарангда эрта турмушга чиқадилар. Шунинг учун ёшлар ўртасида эрга чиқсан аёллар фоизи нисбатан кўпдир. Катта ёшдаги аҳоли ўртасида эса хотини бор эрқаклар фоизи юксакдир.

Иқтисодий тараққий этган кўпгина давлатларда Осиё, Африка ва Лотин Америкадаги ривожланаётган мамлакатларга нисбатан эрқаклар ва айниқса, аёллар анча кеч турмуш қурадилар.

Мамалакатлар ўргасида барвақт турмуш курувчи эркак ва аёллар сони бўйича фарқ яна ҳам кучлайдир. Масалан, Японияда 20 ёнга қадар барча аёлларнинг 1,7 %игина турмуш курса, Гвинеяда эса 80%дан юқориси турмуш куради. Турмушдан ажralиш ёки никоҳни бузиш даражаси никоҳланиш даражасидан анча камдир. Бу ҳолат кўпинча никоҳ қай даражада ҳақиқий эканитиги ёки мустаҳкам эмаслиги билан эмас, балки қўйди-чиқди расмийлаштириши жараённида мавжуд бўлган оғирлик ёки кулайликка боғлиқдир. Масалан, мусулмонларнинг кўпчилигида бошقا ҳалқларга нисбатан қўйди-чиқди осонроқдир. Ислом дини қонун-қоидаларига кўра, хотиндан ажралмоқчи бўлган эр “уч талоқ” дейиши билан ўз хотинин расман кўйган христобланади. аксинча, католик дини кучли таъсир қиласидаган кўпгина мамлакатларда (Италия, Испания, Португалия ва бошқаларда) қўйди-чиқди масаласи анча оғирдир, беъзан ҳатто расман мумкин эмас. Натижада, бу мамлакатларнинг кўплаб эркак ва аёллари аслида бузилган оиласи расман қонуний ҳал этмай, бошқа оила қурадилар. Жаҳонда кўпроқ никоҳни бузиш Виргиния оролларида ва ундан сўнг АҚШда рўй берди.

#### 4.4. Аҳолининг келжакчадаги еонини аниқлаш

Халиқ хўжалигининг бўлажак истиқболини режалаштириш, аввало аҳолининг келгусида кўпайиши истиқболини аниқлашдан бошланади, чунки режа кўрсаткичларининг болиқа қисмлари жамият эҳтиёжини, яъни аҳоли эҳтиёжини қондиришига бўйсундирилиши керак. Шунинг учун ҳам аҳолининг кўпайиши истиқболини белгилаш-келгусида шаклланадиган демографик тузилмани аниқлаш, худуд миқёсида табиий кўпайиши ва кўчиб юриш сонини илмий таҳлил қилиш, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатини олдиндан билиш, меҳнат ресурслари, унинг худудий миқёсда жойлашиши ҳамда демографик тузилишини олдиндан таҳлил қилиш ва ана шу масалаларда ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларини келгуси 20-30 йил мобайнигача (прогноз) кўра билишдан иборат.

Аҳолининг истиқболда кўпайишини белгилашнинг асосий вазифалари кўйидагилар:

- келгусида шаклланадиган демографик таркибий ўзгаришиларни аниқлаш;
- худудий миқёсда аҳолининг кўпайиши ва миграция кўламини таҳмин қилиш;
- шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатини олдиндан билаш;
- меҳнат ресурсларини, унинг худудий миқёсдаги жойлашиши ва демографик таркибий ўзгаришини олдиндан таҳлил қилиш;
- ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларини келгуси 20-30 йил мобайнигача олдиндан таҳлил қила билишдан иборатдир.

Аҳолининг истиқболдаги сонини ҳисоблаш икки усулда, яъни:

- глобал
- ёшини силжитиш усуллари ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

Аҳолининг истиқболдаги сонини глобал усулда ҳисоблаш. Глобал усулда ҳисоблашда аҳолининг йил бошидаги сони ( $A_0$ ), табиий ўсиши ( $K_{t,y}$ ) ёки умумий ўсиш коэффициентлари бошланғич маълумот вазифасини бажаради. Ҳисоблаш қўйидагича бажарилади:

$$A_t = A_0 \cdot \left[ 1 + \frac{K_{t,y}}{1 - \frac{1}{2} K_{t,y}} \right]; \quad A_2 = A_1 \cdot \left[ 1 + \frac{K_{t,y}}{1 - \frac{1}{2} K_{t,y}} \right] \text{ ва } x.k.$$

Бу ерда:  $A_t$  ва  $A_0$  – аҳолининг жорий йил охиридаги ва кейинги йил бошидаги сони,  $K_{t,y}$  – табиий ўсиш коэффициентлари.

Бу усул аҳолининг истиқболдаги сонини ҳисоблашда кўл келасада, лекин уларни ёш жиҳатдан алоҳида-алоҳида ҳисоблаш имконинин бермайди. Бундан ташқари ҳар кейинги йилнинг кўшимча ўсиши фақат бошланғич база сифатида қабул қилиб олинмаганлиги сабабли, табиий ёки умумий ўсиш харатлари турличи бўлиши мумкин.

Ёшини силжитиш усулида аҳолининг истиқболдаги сонини ҳисоблаш қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$i_x \cdot p_x = i_{x+1}$$

Бу ерда:  $i_x$  – x ёшгача яшаш мумкин бўлган аҳоли сони.  $p_x$  – x+1 ёшгача яшаш мумкин бўлган эҳтимоллик.

$i_{x+1}$  – ёшгача яшаш мумкин бўлган аҳоли сони.

Шундай қилиб, ҳар бир ёшдаги аҳоли сони ( $i_x$ ) ҳар ёш яшашни мумкин бўлган эҳтимоллик коэффициенти ёрдамида бир ёшдан ( $i_x$ ) иккинчи ёшга ( $i_{x+1}$ ) «силжитилади». Буни қўйидаги жадвалда бажарилган амалдан кўриш мумкин:

### 5-жадвал

Аҳолининг келгуси йилдаги сонини ҳисоблаш

Аҳолининг жорий йил охиридаги сони	Келгуси - йилнинг бошида бўлиши мумкин бўлган аҳоли сони	Келгуси-2 йилнинг бошида мумкин бўлган аҳоли сони	Келгуси-3 йилда бўлиши мумкин бўлган аҳоли сони
$i_{17}$	$i_{18}=i_{17} \cdot p_{17}$	$i_{19}=i_{18} \cdot p_{18}$	$i_{20}=i_{19} \cdot p_{19}$
$i_{18}$	$i_{19}=i_{18} \cdot p_{18}$	$i_{20}=i_{19} \cdot p_{19}$	$i_{21}=i_{20} \cdot p_{20}$
$i_{19}$	$i_{20}=i_{19} \cdot p_{19}$	$i_{21}=i_{20} \cdot p_{20}$	$i_{22}=i_{21} \cdot p_{21}$
$i_{17}+i_{18}+i_{19}$	$i_{18}+i_{19}+i_{20}$	$i_{19}+i_{20}+i_{21}$	$i_{20}+i_{21}+i_{22}$

Бу усулни кўллаш тартибини қўйидаги шартли рақамларда кўриб чақамиз. Шу маълумотларга кўра, уч авлоднинг истиқболдаги сонини бўлажак 1, 2 ва 3 йиллар, яъни 2003, 2004 ва 2005 йиллар учун аниқлаймиз. Ечиши учун жадвалнинг сўнгти устунларини тўлдирамиз.

### 6-жадвал

Ёшни силжитиши усулида аҳолининг истиқболдаги сонини хисоблаш тартиби

Ёш	Мазкур ёшдаги аҳолининг 2002 йил бошидаги сони	Ҳар бир ёш япани мумкин бўлган эҳтимоллик коэффициенти	Йил бошидаги ёшлар		
			2003	2004	2005
		$i_{x+1} = i_x \cdot p_x$			
16	4021	0,99641	-	-	-
17	4011	0,99600	$4021 \cdot 0,99641 = 4006$	-	-
18	4008	0,99562	$4011 \cdot 0,996 = 3994$	$4006 \cdot 0,996 = 3989$	-
19	-	0,99526	$4008 \cdot 0,99562 = 3990$	$3994 \cdot 0,99562 = 3976$	$3989 \cdot 0,99562 = 3971$
20	-	0,99503	-	$3990 \cdot 0,99526 = 3800$	$3976 \cdot 0,99526 = 3957$
21	-	0,99498	-		$3800 \cdot 0,99498 = 3780$

Масалан, 2002 йилдаги 17 ёшли 4011 киши, 2003 йилга келиб:

$$i_{18} = i_{17} \cdot p_{17}$$

$$i_{18} = 4021 \cdot 0,99641 = 4006 \text{ киши}$$

2004 йилга келиб:

$$i_{19} = i_{18} \cdot p_{18}$$

$$i_{19} = 4006 \cdot 0,99600 = 3989 \text{ киши.}$$

2005 йига келиб:

$$i_{20} = i_{19} \cdot p_{19}$$

$$i_{20} = 3989 \cdot 0,99562 = 3971 \text{ киши қолар экан.}$$

Шу тариқа бошқа ёшдаги аҳоли сони ҳам тегишли йиллар учун хисобланган. Хисоблашда механик ўзгариш коэффициенти эътиборсиз қолдирилган.

## Қисқача хуросалар

Чет элларда аҳоли сони түғрисидаги маълумотлар манбай бўлиб: аҳоли рўйхатлари, жорий ҳисоб ва истиқболни белтилаш ҳисобланади. Аҳолини ўртача йиллик сонини ҳисоблаш, уни ифодаловчи категорияларни аниқлаш, ҳамда унинг табиий ва механик ҳаракатларини таҳдил қилиш ТИФ статистикасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Чет элларда аҳоли рўйхатларини ўтказиши қандай усулда амалга оширилади?
2. Аҳоли сони түғрисидаги маълумот манбалари дейилганда нимани тушундингиз?
3. Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари қандай?
4. Чет элларда аҳоли таркибини ўрганиш усулларини айтинг?
5. Аҳоли категориялари нималардан иборат?

### Асосий адабиётлар

1. Тарлецкая Л.В. Международная статистика труда. Вестник статистики. 1985, № 9.
2. Сельцовский В.А. Совершенствование анализа эффективности внешней торговли. Вестник статистики. 1983, № 3.
3. Курникова Е.Л. Основы экономической статистики капиталистических стран. - М., МГИМО, 1986.
4. Гозулов А.И. Переписи населения земного шара. - М., 1970.

## ХАЛҚАРО МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

### 5.1. Халқаро меҳнат ресурслари ҳақидағи түшунчада, уларнинг таркиби ва тақсимланиши

Ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил этади. Бунда иш кучи ишлаб чиқарувчи кучларнинг субъектив элементи бўлиб, унинг ижтиёмий ишлаб чиқаришдаги роли бензиҳоя каттадир. Иш кучисиз ҳар қандай даражада тараққий этган ҳозирги замон техникиаси ҳам жонсиз металлар тўпламига айланниши мумкин. Меҳнат ишлаб чиқариш воситаларига тегиши биланоқ, бу ўзик воситаларни тирилтиради, уларга жон киритади, уларни меҳнат жараёни омилига айлантиради ва улар билан қўшилиб маҳсулот шаклига киради.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг моддий буюм қисми ўтган замондаги жонли меҳнат натижаси бўлиб, ҳозир бу буюмлашган меҳнат шаклида гавдаланади ва ҳар қандай ишлаб чиқариш жарабёнида ҳал қилувчи омил сифатида иштирок этади.

Ишчи кучи ёки меҳнат қилиш қобилияти деганда, инсон эга бўлган ва бирон бир истеъмол қийматларини ишлаб чиқарган вақтда у ҳар сафар ишга соладиган жисмоний ва маънавий қобилиятлар тушунилади.

Ишчи кучи таклиф ва талабга эга. Ишчи кучининг ўз бозори мавжуд, у меҳнат бозори деб аталади. У ерда меҳнат кучини сотиш ва сотиб олиши мумкин. Меҳнат кучи ўзининг баҳосига эга ва у ҳар ерда ҳар хил баҳода бўлади. Ишчи кучи яъни, ишлани қобилиятига эга бўлган шахсларнинг барчаси меҳнат ресурсларини ташкил этади. Улар ҳалик хўжалиги тармоқларида ҳақиқий банд бўлган ва шу тармоқларга жалб қилинishi мумкин бўлган шахслардан иборат.

Меҳнат ресурсларининг асосий қисмини аҳолининг меҳнатга яроқли ёщдаги қисми ташкил этади. Меҳнат ёшининг қуий ва юқори чегараси директив равиша белгиланади. Бизнинг республикамизда меҳнат ресурсларининг меҳнатта яроқли ёши аёллар учун 16 ёшдан 60 ёшгача деб қабул қилинган. Ушбу чегараларни белгилашада аҳолининг турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш, спорт ва маориф тизимлари, нафақа таъминотининг шароитлари, яъни ижтимоий, иқтисодий ва демографик омиллар ҳисобга олинган.

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида юқорида қайд этилган чегаралар кўйидагича: АҚШда 16 ёш ва юқори чегараси 64 ёш иккала жинс учун, Францияда 15 ёшдан 59 ёшгacha ҳар иккала жинс вакиллари учун, Японияда 15-64 ёш ҳар иккала жинс учун ва ҳ.к.

Узбекистон меҳнат ресурслари:

- юқори даражали малакага ва интелектуал ривожгага эга;
- республика катта ёшдаги аҳолисининг саводхонлик даражаси дунёдаги иқтисодий ривожланган давлатларга қараганда жуда юқори (99,1%);
- моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган аҳолининг 1/4 қисми олий ва ўрта маълумотга эга;
- илм-фан билан банд аҳоли ҳар 10000 кишига Греция ва Португалияга қараганда 1,5 баравар юқори;
- республикада математика, биология, физика ва шу каби фанлар бўйича олимларнинг изланишлари чет эл мамлакатларида ҳам машҳур, шу билан биргаликда гелиоматериалшунослик каби соҳалардаги изланишлар бутун дунё бўйича энг ривожланган деб тан олинган.

Бизнинг республикамизда меҳнат ресурсларининг сони қўйидагича ҳисобланади:

1. Меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли.
2. Меҳнат қилиш ёшида бўлган, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли (1;2 гурух ногиронлари ва имтиёзли қарилек нафақасига чиққан 50-59 ёшдаги эркаклар ва 45-54 ёшдаги аёллар).
3. Меҳнат қилиш ёшида бўлиб, халқ хўжалигида банд бўлмаган аҳоли (ўй-рўзгор ва ёш болаларни тарбиялаш билан шуғулланадиган аёллар ва бошқалар).
4. Халқ хўжалик тармоқларида банд бўлган нафақахўрлар ва ўсмирлар (16 ёшдан кичик бўлмаганлар). Бунда меҳнат потенциал сони 1-2+4, ҳақиқий сони эса 1-2-3+4 нинг алгебраик йигиндисидан иборатdir. Меҳнат ресурсларининг халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган қисми иқтисодий фаол (актив) аҳолини ташкил этади.

Иқтисодий фаол аҳоли таркибига қўйидагилар киради:

- давлат, ширкат, жамоат ва шахсий ташкилотларнинг корхона ва муассасаларида банд бўлган ишчи ва хизматчилар, фермерлар;
- қишлоқ хўжалигидаги ёрдамчи тармоқларда банд бўлган дехқон, ишчи-хизматчиларнинг оила (хунурмандлар, яккаҳол дехқонлар ва бошқалар) аъзолари.

Иқтисодий фаол аҳоли сонининг умумий аҳоли сонига нисбати аҳолининг иқтисодий фаоллик даражасини ифодалайди, яъни

$$\text{Аҳолининг фаоллик даражаси} = \frac{\text{иктисодий фаол аҳоли сони}}{\text{аҳолининг умумий сони}} \cdot 100$$

Фаол аҳоли сони меҳнат ресурслари сони билан таққосланса меҳнатга қобилиятили потенциал кучлардан фойдаланиш коэффициенти келиб чиқади.

Потенциал кучлардан

$$\text{фойдаланиш коэффициенти} = \frac{\text{иктисодий фаол аҳоли сони}}{\text{меҳнат ресурсларининг потенциал сони}} \cdot 100$$

Статистикада иктиносидий фаол аҳолини жинси ва ёши таркиби бўйича ўрганиши мухим аҳамиятга эгадир. Чунки меҳнат унумдорлиги ва меҳнат фаоллиги даражасига ходимларнинг жинси ва ёш таркиби ҳам бирмунча таъсир этади.

Халқ хўжалигига банд бўлган аҳолининг жисмоний ва ақлий меҳнат билан шуғулланиши ва унинг маълумоти бўйича таркибини ўрганиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги мавжуд бўлган айrim зиддиятларни бартараф қилиш жараёнлари ни ўрганиши имконини беради.

#### 7-жадвал

Умумий банд аҳолида иктиносидиёт соҳасида банд бўлган аҳоли салмоғи (2000 йил, фойзда)

Саноат ва курилиш	Киплоқ хўжалиги	Хизмат кўрсатилиш
Белоруссия.....	35,2	Тоҷикистон.....67,5
Россия.....	30,0	Қирғизистон.....52,9
Украина.....	24,4	Молдова.....48,8
Арманистон.....	20,2	Туркманистон.....48,0
Ўзбекистон.....	19,9	Озарбайжон.....43,5
Қозогистон.....	18,4	Арманистон.....42,5
Туркманистон.....	18,0	Ўзбекистон.....30,4
Молдова.....	13,0	Украина.....22,5
Қирғизистон.....	11,4	Қозогистон.....21,7
Озарбайжон.....	11,2	Белоруссия.....14,1
Тоҷикистон.....	9,6	Россия.....13,0
		Тоҷикистон.....22,9

Миллий хўжаликнинг нодавлат секторида банд бўлган иктиносидий фаол аҳолининг салмоғи 2000 йилда 76%ни ташкил қилган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич бошقا кўшни давлатларда, яъни МДҲ давлатларига қараганда юқоридир (таққослаш учун: МДҲ бўйича шу йили хусусий секторларда 55% аҳоли банд бўлган, шу жумладан Қозогистон 77,1%; Қирғизистон 72,8%; Арманистон 72,4%; Молдова 69,6%; Украина 65,5%; Озарбай-

жон 63%; Тожикистон 61%; Россия 45%; Белоруссия 42,5%)

МДХ статистика күмитаси томонидан берилган маълумотларга кўра кичик тадбиркорликда банд бўлганлар Озарбайжонда 13 %, Арманистонда, Белоруссия, Қозоғистон ва Украинада 5 %, Қирғизистонда 4 %, Ўзбекистон ва Туркманистонда таҳминла 3 %, Тожикистонда таҳминан 1 %ни ташкил этган.

## 5.2. Халқаро меҳнат бозори ва меҳнат бозорининг халқаро миграцияси статистикаси

Ишчи кучининг халқаро миграцияси, яъни меҳнаттага лаёқатли аҳолини иш қидириб бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга кўчиб юриши Тащқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади. Инсоният тарихи одамларнинг катта-катта гурӯхларини ўёки бу мамлакатга кўчирицилари билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга бой: Гарбий Европа мамлакатлари томонидан Шимолий Американинг ўзлаштирилиши, Британия оролларидан чиққанларнинг Австралия қитъасини эгалашлари, Хитойдан Жанубий Осиё мамлакатларига оммавий кўчиришлар, Шимолий ва Жанубий Америкага Африкадан юра танли қулларни ташиб келтирилиши бир қатор ҳозирги ривожланган давлатларнинг вужудга келиши ва юксалишига сабаб бўлган (АҚШ, Канада, Австралия, янги саноатлашган мамлакатлар ва бошқалар). Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг барча босқичларида ишчи кучи миграцияси жараёни юз бериб келди, айниқса у Иккинчи жаҳон урушидан сўнг янада кучайди. Ҳозирги иайтда статистик маълумотларга қараганда, дунёда ҳар ўн оиласдан бири кўчиб юради, уларнинг тўртдан уч қисми ишчи кучи миграциясига тўғри келади. Дунё бўйича бундай ишчи кучларининг умумий сони 25 млн. кишига яқин.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг ҳозирги дарражаси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларида ишчи кучининг ўрни ва аҳамиятини тубдан ўзгартириб юборди, давлатлараро алоқалар маданиятини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди.

Халқаро меҳнат бозори. Халқаро меҳнат бозори – бу нима? Халқаро меҳнат бозори, бу – ишчи кучи истеъмолчилари ва уларни етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибига солувчи механизм ҳисобланади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритган халқаро иқтисодий муносабатлар тизимиға кўшилиши унинг жаҳон бозорида ҳам фаол қатнашишини тақозо этади. Ўзбекистон мустақил давлатлар сифатида иқтисодиётни мустақил равишда ис-

лоҳ қилишининг дастлабки йилларидағи ўзгаришлар, демографик вазиятнинг мураккаблиги, Ўзбекистонни ишчи кучини экспорт қилувчи давлатта айлантириши мумкин. Шу билан бирга бошича хорижий мамлакатлардан юқори малакали ишчи кучини жалб этиш имкониятлари ҳам мавжуд бўлди.

Собиқ Иттифоқнинг бошича республикалари каби, Ўзбекистонда ҳам аҳодининг ташқи миграцияси ишчи оқимда рўй бермоқда:

- меҳнат миграцияси, яъни қайтиб келиши ва фуқароликни саклаш шарти билан;

- этник миграция, яъни қайтиб келмаслик ва фуқароликни сакламаслиги шарти билан.

Ҳозирда Ўзбекистонда жаҳон меҳнат бозорида фаол қатнашишини таъминловчи ташкилий-хукуқий асослар шаклланмоқда ва бу соҳадаги давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

### 5.3. Жаҳон меҳнат бозорининг ривожланишига таъсир этувчи иқтисодий омиллар таҳдили

Маълумки, жаҳон меҳнат бозоридаги вазият бошича барча бозорлар каби талаб ва таклиф асосида аниқланади ҳамда бир катор омиллар билан белгиланади. Бу омиллар шартли равишда иқтисодий, демографик, сиёсий омилларга бўлинниб, улар ўзаро боғланган. Булар орасида иқтисодий омиллар энг муҳими саналади, чунки қолган барча омиллар пировардида иқтисодий муаммоларга айланади ёки иқтисодий оқибатларга олиб келади. Чунончӣ, мамлакатлардаги ишчи ўринларига нисбатан аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши.

Иқтисодий омиллар деганда, ҳар бир давлат иқтисодий тизимининг мустаҳкамлигини, унинг ўсиши даражаси ва ривожланиш кўлами тушунилади. Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий имкониятлар, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи ўртасидаги юзага келган сезиларли фарқ ишчи кучини мамлакатлараро кўчиб юришига сабаб бўлувчи муҳим омил ҳисобланади. Масалан, АҚШ ва Мексикадаги даромадларнинг тахминан 10 бараварга фарқ қилиши мексикалик ишчиларни АҚШга или қидириб кўчиб ўтишларининг асосий сабаби ҳисобланади. 80-йилларнинг бошида Европа Ҳамжамияти мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми Ҳамжамиятга аъзо бўлмаган мамлакатларнидан 4,7 марта ортиқ бўлган. Шундай қилиб, Ер юзида бой ва ривожланмаган мамлакатларнинг мавжудлиги халқаро меҳнат бозори амал қилишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Жаҳон меҳнат бозорининг аҳволи у ёки бу давлатларнинг иқтисодий ривожланиш суръатларининг ўзгаришига боғлиқ бўлади.

Жумладан, бундай боғлиқлик даврий пасайиш ва кўтаришлар пайтида, жаҳон бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифда бевосита акс этади ҳамда мамлакат қанчалик йирик бўлса, унинг тасири ҳам шунчалик кучли бўлади. Масалан, 1991-1992 йилларда дунёning ривожланган мамлакатларида даврий пасайиш рўй берди. Бунинг натижасида, 1992 йилнинг ўрталарига келиб расмий рўйхатлардан ўтган ишсизлар сони 30 млн. дан ошиб кетди, ишсизлик даражаси 1974 йилдаги 5,2%дан 6,0%га кўтарилди. Шу билан бирга бундай ҳолат, ўз наебатида, ривожланган мамлакатларда хорижий ишчи кучига бўлган талабнинг пасайишига олиб келади.

#### 5.4. Мехнат ресурсларини миintaқа ва мамлакатлар бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш

Аҳолининг ўсиш суръати, аҳоли сонининг кўпайиши ёки қисқариши билан боғлиқ омиллар демографик омиллар бўлиб саналади.

Жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳолининг юқори даражаларда ўсиши, бу мамлакатларнинг шундай ҳам оғир иқтисодий ахволини янада мураккаблашибириб, тақиқи миграцияя шарт-шароит яратади ҳамда уларни жаҳон бозорига асосан ишчи кучи етказиб берувчи давлатларга айлантиради. Бошқача айтганда, бу давлатлар ишчи кучининг асосий истеъмолчиши бўлиб, иқтисодий ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан юқори бўлган мамлакатлар ҳисобланади. Масалан, 90-йилларнинг бошларида Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИҲТТ) мамлакатларида иқтисодий фаол аҳоли ийлига ўртacha 0,8% кўпайди, иччи миллий маҳсулот ҳажми 3%га ошиди.

Ишчи кучи сонининг миintaқалар, алоҳида мамлакатлар доирасида ўзгаришини қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

#### 8- жадвал

Ишчи кучининг миintaқалар, алоҳида мамлакатлар бўйича тақсимланиши

Миintaқалар, мамлакатлар	1980 йил	1999 йил	Ўсиш суръати (%)
Бутун дунё	1957374	2363547	120,7
Ривожланган давлатлар:			
Шимолий Америка	121721	135367	111,2
Фарбий Европа	150080	159579	106,3
Австралия-Янги Зеландия	8077	9533	118,0
Япония	57097	62202	108,9
Туркия	19090	23697	121,1
Исроил	1446	1906	124,2
Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)	9449	12434	131,6
Ривожланавётган давлатлар:			
Шарқий Европа	7566	71785	107,1

Аҳолишунос мутахассисларнинг тахминларига кўра, ўтган аср сўнгги йилларида вужудга келган ер юзи аҳолисининг ўсиш ўйналиши XXI асрнинг бошларида ҳам сақланиб қолади. Жаҳон аҳолиси 2025 йилгача 3,26 млрд. кишига кўпайиши кутилмоқда. Бу, асосан «учинчи дунё» мамлакатлари ҳисобига бўлади. Яъни «учинчи дунё» мамлакатларининг Европа мамлакатларига ва АҚШ га «демографик тазиийи» 2000 йилларнинг ўрталаригача сақланиб қолиши мумкин.

#### *9- жадвал*

Айрим жаҳон мамлакатлари меҳнат ресурсларининг жинсий тузилиши ва ўсиш суръатлари

Мамлакатлар	Меҳнат ресурслари, 1995 йил			
	15-64 ёшдаги ишчилар, минг киши		Ўргача йиллик ўсиш, %	
	Эркак	Аён	1965-1991	1995-2025
<b>Жанубий-Шарқий Осиё</b>				
Вьетнам	19299	16996	2,53	2,05
Индонезия	52766	24161	2,48	1,50
Хитой	406660	316623	2,60	0,41
Малайзия	5365	3004	3,49	2,01
Мьянма	12529	6983	2,33	1,90
Тайланд	16542	13084	2,66	0,63
Филиппин	17426	7644	2,85	1,91
<b>Европа ва Марказий Осиё</b>				
Озарбайжон	1670	1278	2,23	
Арманистон	387	754	2,71	
Беларусь	2671	2551	1,42	
Болгария	2225	2007	0,00	-0,07
Венгрия	2878	2398	0,34	-0,15
Грузия	1381	1179	1,13	
Қозогистон	4192	3608	2,30	
Латвия	962	827	2,41	
Киргизистон	660	631	0,62	0,02
Литва	953	888	0,87	0,2
Молдова	1081	1025	1,13	
Польша	10583	36613	0,88	0,34
Россия	39212	9081	1,04	
Руминия	6112	5373	0,43	0,42
Тоҷикистон	1082	792	2,7	
Туркманистон	816	663	2,95	
Туркия	17067	8856	2,36	1,65
Ўзбекистон	4240	3644	2,83	
Украина	13060	12496	0,66	
Эстония	394	372	0,76	

## 9-жадвалнинг давоми

Мамлакатлар	Мехнат ресурслари, 1995 йил				
	15-64 ёйдаги ишчилар, минг киши		Ургача йиллик ўсиш, %		
	Эркак	Аёл	1965-1991	1995-2025	
<b>Лотин Америкаси</b>					
Аргентина	8472	3442	1,25	1,28	
Бразилия	41470	16551	2,90	1,31	
Колумбия	8788	1553	2,72	1,52	
Мексика	23132	8937	3,58	1,83	
Венесуэла	5351	2154	3,73	1,75	
<b>Яқин Шарқ ва Шимолий Африка</b>					
Жазонир	5926	676	3,06	3,32	
Миср	14430	1687	2,70	2,35	
Эрон	15765	3737	3,86	3,74	
Марокош	7100	1893	3,39	2,52	
Сурдия	2911	634	3,69	4,46	

ИХХТТ га азъо мамлакатлар

Айрим мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги, уларнинг иқтисодий ахволига салбий таъсир этиб, мамлакат ишчи кучининг четта оқимини кескин кучайтириди. Масалан, сиёсий омил собиқ социалистик мамлакатларда рўй берган кенг кўламли аҳоли миграциясини аниқловчи сабаблардан бири бўлди. Агарда бу мамлакатларда аҳоли миграцияси—90-йилларнинг бошлиригача кўрилган қаттиқ чора-тадбирлар натижасида тўхтатиб турилган бўлса, ислоҳотларнинг бошланиши ва барча матьмурий тўсиқлар олиб ташланиши билан мухожиirlар оқими кескин ортди, оқибатда бу жараён жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятга, айниқса унинг Европа қисмига сезиларли таъсир кўрсатди. Дастлаб Югославия, сўнгра Венгрия, Польша, Йирик миқдорда ишчи кучини экспорт қилувчи давлатларга айландилар. Кейинги пайдада бу мамлакатларга собиқ Иттифоқдан 250 мингга яқин киши, гарб мутахассисларининг ҳисоблари бўйича эса 500 мингга яқин киши Европа мамлакатларига ишлаш ва яшаш учун кетиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий, демографик ва сиёсий омилларнинг умумтаъсири жаҳон меҳнат бозоридаги ахволни, унинг миёсси, таркиби ва ривожланиши суръатларини белгилаб берди.

### 5.5. Замонавий жаҳон меҳнат бозорининг иқтисодий-статистик таҳлили

Ишчи кучининг халқаро миграцияси сўнгти ўн йилликларда кучая бориб, дунё бўйлаб кенг ёйилмоқда ҳамда жаҳон хўжалиги тараққиётига, меҳнат ресурслари билан айирбоишлапта

фаол тортилган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, демографик, сиёсий ва маданий-диний вазиятига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда. Расмий маълумотларга ғараганда, 1990 йилда Фарбий Европа мамлакатларида 15,2 млн. га яқин чет эллик истиқомат қўлган, шу жумладан Европа Ҳамжамияти мамлакатларида 13,4 млн. киши ёки туб аҳолининг 5 %и. Европанинг айрим мамлакатларида уларнинг саломори янада юқори. Ҳусусан, Швецияда – 16,5%, Бельгияда – 9,1%, Германияда – 8,4 %, мутахассислар улуши 10 %га стади.

Ўз навбатида Европа мамлакатларидан ҳам ҳар йили миллионлаб одамлар яхши ҳаёт қидириб турли давлатларга кўчиб боришади. Масалан, хорижий ишчилар сони АҚШда 5,65 млн., Лотин Америкасида 3,5-4 млн., Яқин Шарқ ва Шимолий Америка мамлакатларида 2,8 млн., Фарбий Африкада 1,3 млн. кишини ташкил этади.

Ишчи кучи жаҳон бозорининг асосий марказлари.

Хозирги пайтда миграция оқимининг географик йўналишлари бўйича ишчи кучи жаҳон бозорининг 4 та йирик маркази шаклланган. Биринчи марказ 60-70 йилларда Яқин Шарқ мамлакатларида нефть қазиб чиқариши саноатининг тараққий этиши, унга боғлиқ ишлаб чиқариши ва ижтимоий инфратузилмани ривожланиши билан таркиб топган.

Бу мамлакатлarda ишчи кучига бўлган талабнинг кескин ошиши, асосан чет эл фуқароларини жалб қилиш хисобига қондирилиши мумкин эди, холос. Шу даврдан бошлаб бу минтақада жадал миграция жараёнилари бошланди. Ишчи кучларининг сонида хорижий ишчи кучининг улуши (Покистон, Ҳиндустон, Корея, Филиппин ва бошقا мамлакатлардан) Бирлашган Араб Амирликларида 90%га яқин, Катарда 80%дан юқори, Саудия Арабистони ва Бахрейнда 40%га яқинни ташкил этди.

Иккинчи марказ – ривожланган Фарбий Европа мамлакатлари бўлиб, миграция омили бу мамлакатларнинг урущдан кейинги даврда ўз иқтисодиётларини тиклашда асосий роль ўйнайди. Хозирги пайтда ҳам хорижий ишчи кучи паст малакали ва нуфузли бўлмаган тармоқларда кенг кўлланади. Бу тармоқларда (автомобилларни ўйғиши, кон-руда ва металтургия саноати ва бошқалар) хорижликлар 70%ни ташкил этади. Европанинг 15 мамлакати доирасида ягона меҳнат бозорининг барпо этилиши, бу минтақанинг аҳамиятини кучайтирди ва уни хорижий ишчи кучи учун жозибали қилиб кўйди.

Жаҳон меҳнат бозорининг учинчи йирик маркази – АҚШ ва Канада. Бу ерга нафақат Лотин Америкасидан паст малакага эга бўлган ишчилар, балки юқори малакали мутахассислар

ҳам интиладилар. Шу сабабли, АҚШ ўзининг замонавий фантехникага асосланган тармоқларини, юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ходимлар тайёрлашга катта харажатлар қиласдан таъминлади.

Халқаро меҳнат бозорининг тўртинчи маркази Аргентина бўлиб, ҳозирда бу ерда юзага келган кулай иқтисодий вазият қўшини мамлакатлардан арzon ишчи кучини ўзига жало қўлмоқда.

**Жаҳон меҳнат бозоридаги сифат ўзгаришлари.**

Кейинги йилларда жаҳон меҳнат бозори географик шаклланиши билан бир каторда, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги тузилмавий силжишлар, собиқ социалистик мамлакатлардаги туб ислоҳотлар, бошқача айтганда, жаҳон бўйлаб ўрнатилаётган янги иқтисодий-сиёсий тартиблар билан боғлиқ бўлган чуқур сифат ўзгаришларга ҳам эга бўлмоқда.

Бундай ўзгаришлар, асосан қўйидагилардан иборат бўлиб, биринчидан, Шарқий Европа мамлакатларини жаҳон хўжалиги алоқаларга фаол жалб қилиш жараёни бошлианди, шу жумладан ишчи кучини айрибошлиш соҳасида ҳам; иккинчидан, бир қатор Жанубий Осиё ва араб мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшиланиши, миллий иқтисодиётни юқори суръатлар билан ўсиши натижасида шу мамлакатлар аҳолиси хисобига бўладиган миграция оқими қисқармоқда; учинчидан, янги миграция оқимида юқори малакали ишчи кучи ва тадбиркорларнинг улуши ошиб бормоқда.

Жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятни истиқболга таҳлили шундан далолат бермоқдаки, демографик, иқтисодий сабабларга кўра ишчи кучини импорт қилувчи асосий мамлакатларнинг талаби юқори даражада сақланиб қолади. Масалан, Европа Ҳамжамиятига аъзо мамлакатларда 25 ёшгача бўлган аҳоли сони 2000 йилда 1990 йилдаги 27,8 млн. кишидан 22,1 млн. кишига қисқарди. АҚШ ва Канадада ҳам юқоридагидек «аҳолининг қариши» жараёни кечмоқда. Шундай мураккаб демографик вазиятта қарамасдан, ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни юқори суръатларда ўсиши ва ишсизлик дараҷасининг пасайиши кузатилмоқда. Бундай холат хориждан ёш мутахассисларни жалб қилиш ушбу давлатлар илмий, иқтисодий ва демографик сиёсанинг муҳим қисми бўлиб қолишидан дарақ беради.

**Ташки мөнгиста миграциясини тартиблashi.**

Мөнгиста миграцияни маълум тартиб - қойдаларини ўрнатишга, унга амал қилишга ва назоратга эҳтиёж сезади ёки бошқарилиб туришини тақозо қиласди. Бу одатда давлат зиммасига юклатилади. Давлатнинг миграция жараёнларида иштроки тарихдан маълум:

чунончи XIII – XIX асрларда ёки ишчи кучини эркин кўчиб юришини чегаралайдиган тўсиқлар мавжуд бўлган. Ҳозирда ишчи кучининг эркин харакати қатор хукуқий, маъмурӣ, маданий, тил, ижтимоий ва бошقا йўл воситалар билан бошқарилиб турилади.

Шулардан фақат хукуқий ва маъмурӣ тўсиқларни давлатнинг ўзи ўрнатиши ёки уларни бартараф этиши мумкин. Агарда XX асрнинг ўрталаригача ишчи кучи харакатини мамлакатлароро тартибига солиши асосан манфаатдор давлатларнинг икки томонлама шартномалари асосида амалга оширилган бўлса, кейинчалик, меҳнат соҳасида мамлакатлароро алоқаларнинг мураккаблашуви, жаҳон меҳнат бозорида фаолият кўрсатишнинг ташкилий-хукуқий асосларини қайта кўриб чиқишини тақозо этди. Жумладан, 1953 йилда Иктиносид Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти мамлакатлари, 1957 йилда эса Європа Ҳамжамиятига кирувчи давлатлар ҳам ишчи кучининг эркин кўчиб юришини қувватлаб чиқдилар.

Ташкил меҳнат миграциясини ташкил этишида, тажриба ва ахборотлар билан айирбошлиша, бу жараённи тартибли ва режали амалга оширишни таъминлашда миграция бўйича халқаро ташкилотнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу ташкилотта аъзо мамлакатлардаги (35та мамлакат аъзо) ўз бўлимлари орқали бўлажак муҳожирлар учун тил ўрганиш курсларини ташкил этади. Ушбу йўналишида Ҳалқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) ҳам ўз ишини фаоллаштириб, Ҳалқаро Меҳнат меъёrlари бўйича 1910 – 1993 йиллар давомида 174та конвенция ва 181та тавсиялар қабул қилди. Уларда ишчи кучини мамлакатлараро кўчиб юришини хукуқий жиҳатдан тартибига солиши ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, 1949 йилда қабул қилинган муҳожир-меҳнаткашлар тўғрисидаги конвенцияда ХМТга аъзо бўлган давлатларга муҳожирларни камситициларига йўл қўймаслик мажбуриятларини юкловчи қатор қоидалар ўрин олган. Булар қўйидагилардир:

- ХМТнинг 1958 йилда қабул қилинган ижтимоий меҳнат ва бандилик соҳасида хукуқларини чеклашга қарши Конвенцияси;

- ХМТнинг 1962 йилда қабул қилинган ижтимоий сиёсатининг асосий мақсадлари ва меъёrlари тўғрисидаги битим. Бу битимда ХМТга аъзо бўлган давлатларда муҳожир-меҳнаткашлар манфаатлари талаб қилинадиган қоидалар қайд этилган, яъни муҳожирлар ҳам туб аҳоли қатори мавжуд ижтимоий муҳофаза имтиёзларидан фойдаланишлари, уларнинг оиласлари эса иш ҳақидан пул жўнатмаларини олиш хукуқига эга бўлишлари белгилаб қўйилган;

- ХМТнинг 1975 йилда қабул қилинган мұхожири-мекнантасалар түғрисидеги Конвенциясы. Бу хужжат миграция соҳасида сунестеъмолликларни, мұхожиirlарни яширин йўллар билан олиб келиш ва қонунсиз ишга ёллашни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб беради ҳамда мұхожиirlарни мекнант, бандилик, ижтимоий таъминот, касаба уюшмаларига бирлашиш ва маданий ҳуқуқлари соҳасида ҳимоя қилишининг баъзи чораларини кўзда тутади.

Халқаро Мекнант Ташкилотига аъзо бўлган ва унинг асосий хужжатларига имзо чеккан мамлакатлар, қайд этилган хужжатларда қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилишлари ва ўзларининг мекнант қонунчиликларини уларга мувофиқ ўзгартиришлари лозим.

## Қисқача холосалар

Халқаро меҳнат ресурсларининг тарқибини, динамикасини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Меҳнат ресурсларининг харакатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими баён этилади.

## Назорат ва муҳокама саволлар

1. Чет эл мамлакатларида меҳнат ресурсларининг тарқиби ва тақсимланиши.
2. Меҳнат ресурслари тўғрисида тушунча.
3. Иш кучи статистикаси ва унинг ташкил этилиши.
4. Чет элда меҳнат ресурслари ҳаракати кўрсаткичлари.
5. Меҳнат ресурсларининг истиқболидаги сонини аниқлаш усуллари.

## Асосий адабиётлар

1. Сиденко А.В., Башкатов Е.И., Матвеева В.М. Международная статистика. Учебник. – М.: Дело и сервис, 1999.
2. Тарлецкая Л.В. Международная статистика труда. Вестник статистики. 1985. №9
3. Сиденко А.В., Попов Р.Ю. Статистика населения и труда в освободившихся странах. - М., 1986.

## VI боб

### ХАЛҚАРО АХОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ СТАТИСТИКАСИ

#### 6.1. Ахолининг турмуш даражаси ҳақида тушунча ва статистиканинг вазифалари

Ахоли турмуш даражаси ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжи қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади. Моддий эҳтиёжларга кишининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, ёқилғи ва рӯзгор буюмларига бўлган талаблари киради. Маданий-маиший эҳтиёжларга кишиларнинг билим, малакаси, маданий даражасини ошириш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш кабиларга бўлган эҳтиёжлари киради.

Ахолининг ижтимоий турмуш шароити – жамиятнинг ҳамма аъзоларига меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар томонлама жисмоний ва маданий тараққиётини таъминлаш ҳамда меҳнат шароитини яхши ташкил қилиш, кишининг соғлиги ва меҳнат қилиши қобилиятини сақлашни кафолатлаш, вақтингчалик иш қобилиятини йўқотганларни ижтимоий таъминот, нафақалар билан таъминлаш, нисбатан кам даромадли оиласлар болаларига нафақалар берishi ўйли билан амалга оширилади.

Ахоли турмуш даражаси статистикаси олдида куйидаги вазифалар туради:

1. Ахоли даромадлари ва харажатлари, моддий-маданий, маиший эҳтиёжлари таркибини, тузилмасини ифодаловчи кўрсаткичларнинг динамикасини ва сұрратини ўрганиши.

2. Ахоли даромади истеъмолидаги дифференциацияни ўрганиш, шу тафовутни қисқартиришдаги ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирини ўрганиши.

3. Жаҳон мамлакатлари миқёсида ахоли турмуш даражасини ўрганиши.

#### 6.2. Ахоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлар

Ахоли турмуш даражасини миқдор ва сифат томонидан тахлил қилиш учун илмий жиҳатдан асосланган кўрсаткичлар бўлиши шарт. Турмуш даражаси мураккаб ва кўп қиррали мазмунга эга бўлганлити сабабли у битта кўрсаткич билан эмас,

балки аҳоли даромади ва турмушининг турли томонларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади.

Аҳоли турмуш даражасини қўйидаги кўрсаткичлар умумлаштириб ифодалаиди.

БМТ томонидан таклиф қилинган кўрсаткичлар 12 гурӯхни ташкил қиласди:

1. Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари.
2. Турмушнинг санитар – гигиеник шароитлари.
3. Озиқ - овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши.
4. Яшаш шароитлари.
5. Таълим ва маданият.
6. Мехнат шароитги ва бандлик.
7. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари.
8. Турмуш қиймати ва истеъмол баҳолари.
9. Транспорт восьиталари.
10. Дам олишнинг ташкил этилиши.
11. Ижтимоий таъминот.
12. Киши эркинлиги.

Аҳолининг турмуш даражасини қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин:

Жами ва аҳоли жон бошига тўғри келган:

1. Миллий даромад.
2. Истеъмол фонди.
3. Номинал даромад ва номинал иш ҳақи.
4. Аниқ иш ҳақи ва аниқ даромад.
5. Омонат кассаларидаги аҳоли пул қўйилмалари.
6. Аҳолига кўрсатилган майший хизмат ҳажми, таркиби, ўсиш суръати ва ҳоказолар.

### 6.3. Аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар

Ҳар бир давлат аҳолиси фаровонлигининг ошиб бориши, уларнинг моддий эҳтиёжларини тўла-тўқис қондирилиб бориши қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланади:

1. Озиқ - овқат маҳсулоти истеъмоли (жон бошига, муҳим турлари бўйича) таркиби ва динамикаси.
  2. Озиқ - овқатдан бошқа маҳсулотлар истеъмоли.
- Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш ва унинг сифатини яхшилаш аҳоли турмуш даражасининг ўсишини кўрсатади. Озиқ - овқат маҳсулотларини чакана товар айланмасидаги озиқ - овқат истеъмоли ўзун кўрсатадики, турмуш даражаси ошган сари нон ва картошка маҳсулотларини

истесьмол қилиш бир текисда камайиб, булар ўрнини аста-секин гүшт, сут, қанд, сабзавот ва мева каби оқсил, ёғ, витамин ва бошқа моддаларга бой бўлган юқори калорияли маҳсулотлар эгаллаб боради.

Озиқ-овқат истесьмоли тузилишидаги ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик озиқ - овқат маҳсулоти дараражасида намоён бўлади.

### 10-жадвал

Айрим жаҳон давлатлари бўйича аҳоли жон бошига бир йилда айрим озиқ - овқат маҳсулотларининг истесьмол қилиниши

Давлат	Аҳоли жон бошига									
	Гўнгур(кг)		Сут(литр)		Саріеў(кг)		Тухум(дона)		Шакар(кг)	
	1990й	1998й	1990й	1998й	1990й	1998й	1990й	1998й	1990й	1998й
Ўзбекистон	51	69	342	374	4,4	6,3	165	295	20	20
АҚШ	117	122	259	268	2,5	2,2	334	281	23	24
Дания	230	278	901	913	26,4	17,6	299	251	-	-
Япония	416	421	-	-	84,3	85,7	-	-	-	-
Зеландия	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Бразилия	39	44	78	92	-	-	-	-	52	52
Цвейцерия	60	67	365	405	5,2	8,1	-	-	-	-
Япония	-	-	46	62	0,4	0,6	296	329	6,1	6,9
Франция	86	112	558	519	9,5	9,2	221	277	51	67

Маҳсулот турининг жон бошига қанча тўғри келиши қўйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$\bar{Y}_i = \frac{Q_i}{A_i}$$

Бу сурда,  $\bar{Y}_i$  – жон бошига ҳисобланган маҳсулот;  $Q_i$  – бир йил давомида истесьмол қилинган маҳсулот жами;  $A_i$  – аҳолининг ўртача сони.

### 11-жадвал

Айрим жаҳон мамлакатлари аҳолисининг узоқ муддат фойдаланадиган моллар билан таъминланиши  
(ҳар 1000 кишига нисбатан, дона)

Давлатлар	Радио		Ойнап - жаҳон		Музллатичлар		Кир юнгич машиналар		Автомобиллар	
	1990	1998	1990	1998	1990	1998	1990	1998	1990	1998
Ўзбекистон	32	28	28	34	17	21	22	21	4,9	19
Хитой	4	14	-	23	-	7,0	-	10	0,02	23
АҚШ	66	20	40	49	26	29	21	25	-	-
Германия	111	78	49	61	26	42	27	37	-	-
Япония	366	118	113	115	25	42	43	42	207	240

#### **6.4. Аҳолининг маданий-майший эҳтиёжларини қондиришни ифодаловчи кўрсаткичлар**

Аҳолининг моддий-майший эҳтиёжларини қондиришни ифодаловчи кўрсаткичларни икки гурухга ажратиш мумкин:

I. Аҳолининг уй-жой, коммунал ва майший хизмат билан таъминланишини ифодаловчи кўрсаткичлар.

1. Уй-жой фонди - ( $m^2$  ҳисобида) умумий майдон.
2. Аҳолининг уй-жой билан таъминланиши (жон бошига  $m^2$ ).
3. Уй-жойларнинг марказий иситиш тизимлари, водопровод, газ, ванна, душ, канализация билан таъминланиш даражаси.
4. Бир йилда аҳоли томонидан истесъмол қилинган
  - а) электроэнергия(жон бошига КВт/соат ҳисобида);
  - б) газ (жон бошига  $m^3$ );
  - в) барча майший хизматлар.

II. Аҳолининг моддий-маънавий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар. Булар жумласига қўйидагилар киради:

1. Саводлилик даражаси.(9 ёшдан 49 ёшгacha бўлган).
2. Олий ва ўрга маълумотлилар сони.
3. Олий ва илмий-педагогик ходимлар сони.
4. Махсус ўқув юртлари, коллеж ва олий ўқув юртларида билим олаётганлар сони.
5. Бошланғич ва ўрта мақтабларда билим олаётганлар сони.
6. Оммалаштан кутубхоналардаги китоб фонди.
7. Китоб, журнал ва газеталарнинг йиллик тиражи.
8. Киносеанс ва театрларга кирувчилар сони.

#### **6.5. Аҳолининг ижтимоий шароитини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Аҳолининг ижтимоий шароитини ифодаловчи кўрсаткичлар жумласига қўйидагилар киради:

1. Аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси.
2. Иш ҳафтаси ва иш кунининг ўртача узунлиги.
3. Меҳнат таътиллари муддати.
4. Меҳнат шароити.
5. Врачлар сони.
6. Касалхонадаги ўринлар сони.
7. Дам олиш муассасаларида, болалар боғчаларида ўринлар сони.
8. Ижтимоий таъминот.
9. Аҳолининг ўртача яшаш муддати.

## Қисқача хулосалар

Халқаро аҳоли турмуш даражаси статистикаси күйидаги күрсаткичлар тизимини ўз ичига олади:

1. Аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаловчи күрсаткичлар.
2. Аҳолининг моддий—маиший эҳтиёжларини қондиришни ифодаловчи күрсаткичлар.
3. Аҳолининг ижтимоий шаротини ифодаловчи күрсаткичлар.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли турмуш даражасининг умумлаштирувчи күрсаткичлари.
2. Аҳолининг турмуш даражаси ҳақида тушунча ва статистиканинг вазифалари.
3. Аҳолининг мадданий—маиший эҳтиёжларининг қондирилишини ифодаловчи күрсаткичлар.
4. Аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаловчи күрсаткичлар.
5. Аҳолининг ижтимоий шаротини ифодаловчи күрсаткичлар.

## Асосий адабиётлар

1. Гурьев Л.С. Социальная статистика. - М., 1999г.
2. Рябушкин Б. Социальные показатели в буржуазной статистике. Вестник статистики. 1984. №8.

## VII боб

### ТАШҚИ САВДО БАҲОЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

#### 7.1. Ташқи савдо статистикасининг моҳияти ва вазифалари

Мустақилликнинг ўтган ўн икки йили – жуда қисқа тарихий даврда Ўзбекистон нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, сиёсий ўзгаришларга эришиди. Маъмурӣ бўйруқбозлиқ тизимиға асосланган жамиятдан, бозор иқтисодиётига йўналтирилган хукуқий – демократик давлат шакллантириши йўлидан борилмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар, ислоҳотлар олиб борилмоқда. Иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг йўналишларидан бири Ташқи иқтисодий фаолиятдир. Ташқи иқтисодий фаолият Ўзбекистон тарихида янги йўналишлардан биридир, чунки узоқ йил собиқ совет тизимида ТИА (Ташқи иқтисодий алоқалар) фақатгина марказ орқали олиб борилар эди.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай давлат бирданига ТИАни ривожлантириш учун ўзини эркин бозор гирдобига ташлаб қўймайди. Бундай пайтда давлат бош ислоҳотчи сифатида майдонга чиқиши лозим. Худди ана шундай йўлни Ўзбекистон ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Хозирги кунга келиб мамлакатимиз Ташқи иқтисодий фаолиятни самарали олиб бормоқда. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўналишларидан бири, ТИФни муқобиллаштириш ҳисобланади. ТИФни оқилона тартибга солиш иқтисодий ривожланишда давлатнинг муҳим стратегияларидан биридир. Бу эса ўз навбатида, мамлакатни ўзига хос ички ва ташқи иқтисодий ҳолатини ўрганиш, у ҳақда етарлича маълумот олиш, шу асосда мамлакатни жаҳон бозоридаги салбий ўзгаришлардан сақлашни тақозо этади. Ташқи савдони тартибга солиш, унинг истиқболини белгилашда статистиканинг аҳамияти каттадир. Зоро, ишончли маълумот ва таҳлил мамлакат ТИФнинг асосий стратегиясидир.

Ташқи савдо статистикаси статистиканинг ажralmas қисми бўлиб, тармоқ статистикаси ҳисобланади. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикасида гал товарлар импорти, экспорти, халқаро молия муносабатлари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган шартномавий операциялар ҳақида боради.

Ташқи савдо эса ўз ичига экспорт ва импортни олади. Ташқи савдо мамлакатнинг моддий ресурслари камайишини ёки ортишига тегишли бўлган товар массалари, хизматлар оқимини бож-

хона орқали олиб ўтилишини ифодалайди. Статистика ташки савдони ўрганишда факаттина божхона орқали қонуний равишда олиб ўтилаётган товарлар ва хизматлар оқимини ҳисобга олади.

Ташки савдо статистикаси ўзида икки тавсифни мужас-самлаштиради:

1. Статистика факаттина божхона чегараларини кесиб ўтаётган товар ва хизматларни ҳисобга олади.

2. Статистика чегарани кесиб ўтувчи ҳар қандай товар ва хизматни, у соҳи тижорат асосида, соҳи нотижорат мақсадда ўтишидан қатъи назар қийматини ҳисобга олади, яъни мамлакат томонидан олинган ҳар қандай иктиносидий ёрдам импорт сифатида, иктиносидий ёрдам сифатида берилган товарлар эса экспорт сифатида қайд қилинади.

Собиқ Иттифоқ даврида марказлашган ҳолда Ташки савдони ҳисобга олиш 1930 йилда бошланади. Шу йилдан бошлаб, божхона ҳисоби марказлашган ҳолда олиб борилиб, унга барча иттифоқ мамлакатларидан («Ташки дунё»дан) олиб кирилаётган ва чиқарилаётган товарлар ҳисобга олинади. Ўзбекистонда эса ташки савдони ҳисобга олиш маҳсус давлат ходимлари томонидан ҳисобга олинган бўлиб, ташки савдо ҳисобини мамлакатимизда бир неча аср олдин бошланганинидан далолат берувчи маъбалар мавжуд. Айниқса, йирик худуднига эгаллаган Амир Темур давлатида савдони ҳисобга олиш муҳим ўрин туттан.

1942 йилдан Иттифоқ худудида ташки савдони Ташки садо вазирлиги ҳисобга ола бошлиди. Бу даврда ТСВлиги факаттина тижорат мақсадида олиб кирилаётган ва олиб чиқарлаётган тоарларни ҳисобга олар эди. 1959 йилда бошлаб эса Ташки савдо вазирлиги билан бирга Божхона қўмитаси паралел ҳисоб олиб боришни йўлга кўйилди.

1991 йилдан бошлаб эса мустақилликка эришган Ўзбекистон жаҳон тажрибаси тан олгани каби, товар ва хизматлар экспорт – импорти ҳисобини Божхона қўмитаси орқали олиб бора бошлиди.

## 7.2. Ташки савдода товарлар импорти ва экспорти, уни статистик ўрганиши

Авваламбор, экспорт ва импорт ҳақида ва уни ҳисобга олиш тўғрисида гап кетганда, ташки савдо ҳисобини олиб бориш ҳақида гапириш лозим. Божхона ходимлари томонидан ташки савдони расмийлаштиришда божхона декларациялари, товар ва хизматларга берилган йўл қоғозлари, товар ва хизматларни ҳисоби ва уларнинг шартнома, даспорtlари расмийлаш-

тирилади. Божхона чегаралари кесиб ўтсада, аммо ташқи савдода ҳисобга олинмайдиган товар ва хизматлар қуидагилардан иборатидир:

1. Тўғридан-тўғри транзит (омборларда сақланганларидан ташқари).

2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг, хорижлик фуқароларнинг ҳамда дипломатик миссияларнинг шахсий юки.

3. Бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатта жорий ижараларни мақсадга олган шартномадаги товарлар.

4. Қайтаётган таралар (контейнерлар, шиша идишлар) ва намуналар.

5. Муомаладаги олтин танга ва бошқа тангалар, муомала да бўлган қимматли қоғоз ва банкнотлар.

6. Вакътнчалик олиб кирилаётган ёки олиб чиқиб кетиляётган товарлар:

а) театр безаклари;

б) спорт инвентарлари;

в) машиналар;

г) аукцион, ярмарка ва кўргазмаларга олиб келинган товарлар;

д) кинофильмлар изжараси.

7. Транспорт воситалари ва бошқа ускуналарнинг ремонти.

8. Товарларни олиб келмасдан реэкспортни қисми.

9. Номоддий хизматлар қиймати.

10. Товар ва хизматларни кафолатли етказиб бериш.

Статистикада товарлар импорти деганда қуидагилар тушинилади:

1. Ички истеъмол ва қайта ишланиш мақсадидаги товарлар.

3. Узоқ муддатдаги реэкспортни кўзлаб олиб келинган товарлар.

4. Тегишли божхона омборларида қайта ишланиш учун олиб келинган товарлар.

Биринчи тоифадаги товарлар божхона қўмитаси томонидан олиб бориладиган ички истеъмол учун олиб кирилаётган маҳсулотларни мамлакат ҳудудига қўйиш билан боғлиқ бўлган оммавий тадбирлардир. Ўзбекистон импортида ушбу товарлар улуши ўта юқоридир.

Экспорт ҳақида гап боргандга эса:

- Мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган, қазиб олинган ёки етиширилган маҳсулотлар;

- Божхона назорати остида қайта ишланган маҳсулотлар;

- Белгиланган божхона омборларига олиб келинган товарлар;

- Ички истеъмол учун импорт қилингандар, аммо истеъмол қилинмай қолган маҳсулотлар.

Статистика товар ва хизматлар импорт ва экспортини ўрганишда бир неча усуллардан фойдаланади. Бундай усуллар жумласига статистиканинг умумий усулларидан: динамика кўрсаткичлари, индекслар усули, график ва жадваллар усуллари, таркиб ва салмокни ифодаловчи кўрсаткичлар, шу билан бирга баланс усули кенг фойдаланилади. Ташки савдо баланси мамлакат учун маълум муддатда ташки савдо ҳолатини яққол кўрсатиб беради. Шу билан бирга ташки савдо баланси мамлакат ташки савдоси истиқболини ва ташки савдога тегишли чоратадбирлар манбаи эканлитини хисобга олиш лозим.

Ташки савдога таҳлилий кўз билан ёндашишда индекслар усулининг аҳамияти катта. Чунки замон ва маконда ташки савдони ўрганиш муҳим аҳамият қасб этади. Баҳо индекси қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$I_p = \frac{\sum P_1 q_1}{\sum P_0 q_1}$$

Баъзи ҳолларда айрим товарлар учун баҳо индексини ҳисоблашга тўғри келади.

$$i_p = \frac{p_1}{p_0}$$

Ташки савдони физик ҳажмида бўлаётган ўзгаришларни умумий тарзда қуйидаги индекс орқали ифодаланади:

$$I_q = \frac{\sum q \cdot p_0}{\sum q \cdot p_1}$$

айрим товарлар учун эса:

$$i = \frac{q_1}{q_0}$$

Бундан ташки, ташки савдо шартини ифодаловчи индекс:

$$I_{CT} = \frac{I_{P\mathcal{E}}}{I_{P\mathcal{U}}}$$

Бу ерда:  $I_{P\mathcal{E}}$  - экспортнинг ўртача баҳо индекси;  
 $I_{P\mathcal{U}}$  - импортнинг ўртача баҳо индекси.

Шу билан бирга ташқи савдо стратегиясини ифодалаб берувчи импорт квота ва экспорт квотаси даражаси ва индекси ҳисобланади.

1. Экспорт квотаси даражаси:

$$K_{эк} = \frac{ЭК}{ЯИМ}; \text{ индекси } i_{эк} = \frac{K_{эк1}}{K_{эк0}}.$$

2. Импорт квотаси:

$$K_{им} = \frac{ИК}{ЯИМ}; \text{ индекси } i_{им} = \frac{K_{им1}}{K_{им0}}.$$

Ташқи савдони ривожланиши йўналишларини таҳлил килишда экспорт ва импорт эластиклиги коэффициенти ҳисобланади;

1. Экспорт эластиклиги

$$\mathcal{E}_e = \frac{\Delta Э}{\mathcal{E}} : \frac{\Delta ЯИМ}{ЯИМ};$$

2. Импорт эластиклиги

$$\mathcal{E}_i = \frac{\Delta И}{И} : \frac{\Delta ЯИМ}{ЯИМ}.$$

Бу ерда,  $\Delta$  - ўсишининг абсолют қийматини ифода этади.

Биринчи кўрсаткич ЯИМнинг ўсиш йўналишига нисбатан экспорт ўсиши йўналишини нисбатини аниқлайди. Яъни, маҳсулот экспортини ЯИМ ўсиши таъсири ва экспорт ҳажмини аниқ ўсишини ифодалайди.

Иккинчи кўрсаткич эса, ЯИМ ўсиши билан импорт ҳажмини ўсиши ўргасидаги боғлиқликни ифодалаб, уларнинг ўсиш йўналишларини ўзаро таққослашга имкон беради.

Статистика юкорида айтиб ўтилган кўрсаткичлардан ташкари, ташқи савдо салмоғи, унинг тузилишини ҳам кенг ўрганади.

### 7.3. Ташқи савдода баҳоларнинг шаклланиш хусусиятлари

Халқаро савдо амалиётида ўндан ортиқ шартнома шароитига боғлиқ равишда битта ва ўша товарга ўрнатилиши мумкин бўлган нархларнинг турлари мавжуд. Нархлар рўйхати халқаро савдо терминлари қоидалари «ИНКОТЕРМС»да баён этилган. Шартнома шартларини шакллантиришда базис ёки ўтган давр учун прейскурант нархларидан фойдаланилади. У нарх-

лар махсус прейскурант – сўровномаларида келтирилади. Стандартта мувофиқ экспорт қилинүчі товарлар «FOB», «FOB – жұнатыш порти», «FOB – франко-қуруқұлғыч чегараси» баҳола-рида, импорт қилинүчі товарлар «CIF», «CIF – импорт белги-ланган порт», «CIF – импорт белгиланган мамлакат франко-қуруқұлғыч чегараси» баҳоларида келтирилади.

«FOB» баҳоси сотувчи – мамлакат чегарасыда вұжуда келади. Аммо, халқаро шартномаларни түзища шу нараси назарда тутиш лозимки, ИНКОТЕРМС сотиш - харид қилиш шартлары базис ҳисобланиб, савдо – сотиқ құлувчи томонлар учун мажбурий әмас. Томонлар ўзларини қониқтири-ған қоидаларни ишилаб чиқиши мүмкін. Бунда, FOB абрревиатураси, ма-салан АҚШ савдо қонунига күра, умуман ИНКОТЕРМСдан бошқа шартларни англатади. Шу сабабли ҳар бир муайян шароитда турли мамлакаттарда амал құлувчи савдо қоидалари билан яқындан танишиб чиқиши зарур, яғни миллий ИНКОТЕРМС билан FOB қиймати қуидагиша шаклланади:

Товарнинг шартнома қиймати + товарни кема сатхига олиб келиши билан бөглиқ барча харажатлар + «Эркин сатхига» ортиш (экспорт божини ҳисобнан олган ҳолда).

FOB қиймати ташқы савдо пировардіда қайд этилади ва экспортёр ўз шеригидан олиши керак бўлган қийматни билдиради.

CIF импорт қиймати импорт құлувчи мамлакат чегарасыда юзага келади. CIF шароити бўйича товарларни етказиб беришда сотиш баҳосига қуидагилар киради:

Товарнинг ўз баҳоси + товарни белгиланган порттacha етказиб бериш транспорт харажатлари(фрахт) + товарни сұтурталаш харажатлари.

Агар фрахт ва FOB баҳосини назарда тутсак, CIF баҳосини қуидагиша ифодалаш мүмкін:

FOB қиймати + фрахт + экспорт құлувчи чегарасидан импорт құлувчи мамлакат чегарасигача сұурталаши.

CIF шарти бўйича махсулот етказиб беришда сотувчи транспорт воситаларини фрахт қилиши, фрахтни тұлаши, товарни жұнатып портига етказиши, ўз ҳисобига транспортрга ортиш, харидорға тўлов хужжатларини топшириш(коносамент) керак. Сотувчи товарни сұурталаши шарт бўлиб, харидорға сұуртта полисини тошириши зарур. Харидор товарни тушриб олиш, уни омборхонага жойлаш ва сақлаш билан бөглиқ харажатларни ўз зиммасига олади. Демак, товарни тушришгача бўлган харажатларни сотувчи, туширгандан кейинги харажатларни эса харидор ўз зиммасига олиши зарур.

Халқаро амалиётда FOB ва CIF баҳоларини аниклашда

асос қилиб CAF(cost and freight) баҳоси олинниб, унга фақат товарнинг баҳоси ва ташиш(транспорт) харажатлари киради. Назария бўйича халқаро савдони таҳлил қилишда, жаҳон бўйича импорт ва экспорт қиймати тенг бўлиши керак. Афсуски, амалда бундай бўлмайди. Сабаби экспорт FOB баҳоларида, импорт эса CIF баҳоларида ҳисобга олинади. Ушбу ҳолатни халқаро савдони таҳлил қилишда ёдда тутиш зарур.

АҚШ статистикасида тўлов балансида экспорт ва импорт FOB баҳоларида ҳисобланади.

## Қисқача хуносалар

Ташқи савдода энг асосий масала, бу – баҳоларнинг шаклланиши ҳисобига ўтади. Уларнинг категориялари ҳам муҳим ўрин тутади.

Тўлов балансининг аҳамияти ҳам каттадир. Ташқи савдо экспорти ва импорти кунлари ҳам иқтисодий таҳлилда алоҳида ўрин эгаллайди.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи савдода қўлланиладиган баҳолар.
2. Ташқи савдо баҳоларнинг шаклланиш хусусиятлари.
3. Тўлов баланси ҳақида нима биласиз?
4. Ташқи савдода экспорт ва импорт кунлари.
5. Ташқи савдонинг жуғрофик тузилмаси.

## Асосий адабиётлар

1. Золоев В.Т. Статистика внешней торговли. - М.: Финансы и статистика, 1991.
2. Сельцовский В.Л. Совершенствование анализа эффективности внешней торговли. Вестник статистики. 1983г. №3.
3. Григорук Н.Е. Статистика внешней торговли. ФРГ. Учебное пособие. - М.: МГИМО, 1983.

## VIII боб

### МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДА «ТАШҚИ ДУНЁ» СЕКТОРЛАРИ

#### 8.1. «Ташқи дунё» сектори тушунчаси, вазифаси ва асосий ҳисоблари

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг, биринчи навбатдаги асосий вазифаларидан бири ўз иқтисодиётини маъмурий бошқаришдан бозор муносабатларига асосланган бошқаришга ўтказишдан иборат бўлди. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш объектив зарурият сифатида давр тақозоси бўлиб қолди. Фақат бозор муносабатларигина мамлакат ишлаб чиқарувчи кучлари заминидаги улкан имкониятлардан бири халқ баҳт-саодати йўлида, унинг турмуш даражасини ошириш мақсадида самарали фойдаланишни таъминлаши мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда давлат статистикаси органларининг роли каттадир. Бозор муносабатлари шароитида статистика соҳасидаги янги муаммоларини ҳал этиш, унинг назарий асосини қайтадан кўриб чиқишини, мавжуд статистика амалиётида кескин ўзгартиришлар бўлишини тақозо этади.

Шу мақсадда макроиктисодий статистик ривожланишнинг асосий йўналишларида туб ўзгаришлар хосил қилиш учун халқ хўжалиги балансини (ХХБ) сақлаб қолган ҳолда маҳаллий шароитларига мослашган миллий ҳисоблар тизимининг (МХТ) халқарс стандартини ишлаб чиқиши ва амалиётта жорий этиш зарур бўлади.

Миллий ҳисоблаш тизимида ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари икки ёқлама операциялар тўплами сифатида талқин этилади ва бу операциялар томонларининг ҳисобларида қўймат кўринишида даромад ёки харажат сифатида кўрсатилади. МХТ – авваломбор макроиктисодий кўрсатичлар тизимининг ҳар томонлама ривожланиши натижасида юзага келди.

1934 йили етакчи иқтисодчи олим С. Кузнец мамлакат бўйича 1929-1934 йиллар учун миллий даромад ҳажмини ҳисобланган. 1929-1933 йилларда гарб давлатлари ўз бошидан жуда хам мураккаб бўлган иқтисодий инқизор даврини кечирдилар ва уларнинг иқтисодчилари капиталистик жамият ривожланишининг «айрим назариялари»ни қайта кўриб чиқишига мажбур бўлдилар. Капиталистик мамлакатларда баланс тузилмаларининг зарурли-

ги объектив омиллар ва энг аввало, давлат-монополистик капитализмни ривожланиши ҳамда капиталистик давлатлар иқтисодиётини тартибга солишнинг амалий эҳтиёжи билан вужудга келди. Иккинчи жаҳон уриши тутагандан сўнг капиталистик мамлакатлар давлатни бошқариш тизимида МХТининг кўлланилишининг зарурлигини янада чукурроқ тушуниб етдилар.

1951 йилда Парижда Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг миллар хисоблар бўйича конфренсияси бўлиб, унда Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар учун МХТнинг стандарти лойиҳаси қабул килинди. Бу лойиҳа Р. Стоун раҳбарлигидаги бир гурух иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилди.

1952 йилда бир гурух иқтисодчи-статистиклар БМТнинг Статистика бюроси топшириғига биноан, «Миллар хисоблар ва ўтиш жадваллари» деб номланган услугубият тайёрладилар. Бунда Англия ва АҚШ нинг миллар хисоблар бўйича асосий ишлари асос қилиб олинди.

1968 йили БМТнинг Статистика комиссияси томонидан кўллаб-кувватланган ҳолда унинг аъзолари томонидан «Яшил Китоб» номини олган яна бир янги стандарт ишлаб чиқилди. 1968 йилда татбиқ этилган МХТ 25 йил мобайнида 1993 йилнинг февралига қадар хизмат килиди. 1993 йил февраль ойида БМТнинг Нью-Йоркдаги статистика комиссиясининг навбатдаги сессиясида МХТнинг янги стандарти қабул қилинди. Ушбу янги стандартда ҳамда МХТнинг эски 1968 йилдаги стандартининг асосий ютуқларидан фойдаланиш кўрсатиб ўтилган. Бунда энг асосий хусусиятларидан бири мақроиқтисодий статистика кўрсаткичларидан кенг кўламда фойдаланишдан иборатдир.

Янги МХТ халқаро иқтисодий ҳамкорликда муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларни халқаро таққослашни янада юксалтириш мақсадида ташкил этилди.

МХТда иқтисодиёт секторлари орасидаги муносабатларни ўрганиш мақсадида асосий хисоблардан кенг фойдаланилади.

Бу хисоблар икки гурухга ажратилиди:

1. Мамлакат ички иқтисодиётини таърифловчи ички иқтисодий хисоблар. Ички иқтисодий хисобларга қўйидаги хисобларни киритамиз:

- товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳисоби;
- ишлаб чиқариш ҳисоби;
- даромадларни ташкил қилиш ҳисоби;
- даромадларни айирбошлиш ҳисоби;
- даромадлардан фойдаланиш ҳисоби;
- капитал харажатлар ҳисоби.

2. Мамлакатни бошқа давлатлар билан иқтисодий муно-

сабатларини ўрганишда ташки иқтисодий алоқалар (ташки дунё) хисобидан фойдаланилади. Бу ҳисоб қуйидаги З хисобда ифодаланади:

- жорий операциялар ҳисоби;
- капитал ҳаражатлар ҳисоби;
- молия ҳисоби.

«Ташки дунё» сектори – шу чегарада чест эл иқтисодий бирликлери (уй хўжалиги, бирлашмалар, корхоналар)ни қамраб олади ва шу чегарада мамлакат резидентлари билан амалга ошириладиган операциялар (транспорт ва сугурталаш соҳаси хизматлари, яъни импорт товарлар билан бўладиган операциялар, турил ҳил секторларга тегишли бўлган чест эл активлари билан резидентлар ўртасида бажариладиган операциялар, турил ҳил минтакаларга тегишли бўлган давлат мажбуриятлари билан резидентлар ўртасида бажариладиган операциялар, капитал қўйилмалар, жорий операциялар, молиявий операцияларни тасвирлайди).

Бу секторнинг асосан учта ҳисоби: жорий операциялар; капитал ҳаражатлар; молиявий ҳисоблар бўлиб, булар ёрдамида миллӣ иқтисодиёт билан «Ташки дунё» ўртасидаги муносабатларни умумлашган ҳолда кўриши мумкин.

Жорий операциялар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатларни товар ва хизматлар олди-согдида бўладиган ўзаро даромадлар ҳаракати алоқаларини тасвирлайди, бунда халиқаро амалиётда қабул қилинган шартномаларнинг бажарилиши, тўловлар ва тақдим қилинган ёки товарсиз таъминлаш воситасида жалб этилган кўчириш фоизларини, дивидентларни ва бошқа инвестициядаги даромадларни, нафақалар, меҳнат ҳақи,.. алимент ва бошқа шунга ўхшаш операцияларни қўшган ҳолда кечкитирмасдан шартнома асосида хисоблашлар ўтказишини ифодалайди. Бу берилган ҳисобларда ҳам ТМАларнинг барча қолган ҳисоблари каби «Ташки дунё» ёки бошқа давлатларнинг ресурсларни фойдаланишлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

## 8.2. Жорий операциялар ҳисоби

«Жорий операциялар ҳисоби» ресурслар ҳамда фойдаланиши қисмидан иборат бўлади.

Ресурслар қисмидаги операциялар кўрсатилади: бошқа давлатлар билан қилинган товар ва хизматлар импортидан олинган жорий даромадлар натижалари; резидент уй-хўжаликларнинг «Ташки дунё»даги пировард

истесьмоли, резидент ёлловчилар томонидан норезидент ишчи-ларнинг меҳнатига ҳақ тўлашлар; ишлаб-чиқариш ва импорт билан боғлиқ солиқлар; мулкчиликдан келган даромадлар; тадбиркорлик фаолияти даромади ва жорий трансферлар; бундан ташқари «Ташқи дунё» билан қилинган жорий операциялар ҳисобининг кирим-чиқим моддаси қолдиги тасвириланади.

Фойдаланиш қисмida эса, бошқа давлатларнинг товар ва хизматларнинг экспорти натижасида олинган жорий даромадларни Ўзбекистон Республикасига топширилган қисми; норезидент уй-хўжаликларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудидаги пировард истесьмоли; норезидент ёлловчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси резидент ишчилиарнинг меҳнатига ҳақ тўлашлар; бошқа давлат резидент хўжалик бирликлари томонидан тушган, мулкчиликдан келган даромадлар; тадбиркорликдан келган даромадлар ҳамда жорий трансферлар тасвириланади.

Жорий операциялар ҳисоби (ЖОХ) статистик кўрсаткичлар ёрдамида умумлаштирилиб қуйидаги:

- товарлар;
- хизматлар;
- даромадлар;
- трансферт операциялари ўтказилади.

«Кўзга кўринарли» товарлар товарларни четдан олиб кириш ёки чиқариш натижасида мамлакатнинг моддий ресурсларнинг ошиши ёки камайишини билдирадиган товарлардир.

Бу термин ташқи иқтисодий операциялар натижасида республика резидентларидан норезидентларга ва аксинча бўладиган маҳсулотлар таржибига киради. У божхона статистикасида экспорт-импорт операциялар ҳисоби сифатида қабул қилинади. Хизматларни ишлаб чиқариш бозор хизматларидек, нобозор хизматларини ҳам ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш хизматлари билан ҳалқаро савдо хизматлари бир-биридан товарлар билан қилинадиган операциялар орқали фарқ қиласди. Товарларнинг ҳалқаро савдоси уларни ишлаб чиқаришда алоҳида амалга оширилади. Хизматларни ишлаб чиқариш эса мамлакат иқтисодиётида аниқ ишлаб чиқувчи билан аниқ истесьмолчи ўртасидаги шартнома воситасига боғлиқдир. Шундай қилиб, хизматларнинг ҳалқаро савдоси, ҳалқаро хизматлар ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқдир, чунки ишлаб чиқариш жараёни ўз жихатидан резидент ва норезидентта таъсир этади.

**«Жорий операциялар» ҳисобини тажрибавий ҳисоб-китоби  
(млн. АҚШ доллари)**

Ресурслар	1996 йил	1997 йил	1998 йил
Маҳсулот ва хизматлар импорти	2394,1	1358,8	929,3
Резидент уй-хўжаликларининг «Ташки дунё»даги пировард истеъмоли	-	-	-
Резидент ёлловчилар томонидан норезидент ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш	-	-	-
«Ташки дунё»га тўланган ишлаб чиқариш ва импорт билан боғлиқ солиқлар	-	-	-
«Ташки дунё»га берилган мулкчиликдан олинган даромад	-	-	-
«Ташки дунё»га тўланган бошқа трансферлар	-	-	-
«Ташки дунё» билан жорий операциялар қолдиги	-	708,4	60
<b>ЖАМИ:</b>	<b>1360,3</b>	<b>1033,8</b>	<b>869,3</b>

**Фойдаланиш**

Маҳсулот ва хизматлар экспорти	1033,8	677,4	869,3
Норезидент уй-хўжаликларининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудидаги пировард истеъмоли	-	-	-
Норезидент ёлловчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси резидент ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш	-	-	-
«Ташки дунё»дан олинган ишлаб чиқариш ва импорт билан боғлиқ субсидиялар	-	-	-
«Ташки дунё»дан олинган жорий трансферлар	-	-	-
<b>ЖАМИ:</b>	<b>1033,8</b>	<b>677,4</b>	<b>869,3</b>

### 8.3. Капитал харажатлар ҳисоби

«Ташки дунё» секторининг капитал харажатлар ҳисоби.

«Ташки дунё» капитал харажатлар ҳисоби – асосий ва айланма фондларни сотиб олиш ва номоддий активларнинг харидини кўрсатувчи ташки иқтисодий операцияларни акс эттиради.

Бу ҳисобни ресурслар қисмига:

- «Ташки дунё»га берилган капитал трансферлар;
- соф кредитлар (+) ёки соф қарзалар (-) – капитал харажатлар ҳисобини мувозанатлаш моддаси киради.

Фойдаланиши қисмida:

- «Ташки дунё» билан жорий операциялар қолдиги;
- ер ва номоддий активларни соф харидлари;
- «Ташки дунё»дан олинган капитал трансферлар кўрса-тилади.

Капитал харажатлар ҳисобининг тузилиши қўйидаги 13 – жадвалда келтирилган.

### 13-жадвал

#### Капитал харажатлар ҳисоби тузилиши

Фойдаланиш	Ресурслар
«Ташкин дунё» билан жорий операциялар қўйидаги	«Ташкин дунё»га капитал трансферлар
Ер ва номоддий активларниң соғи харидлари	Соғ кредитлар (+)
«Ташкин дунё»дан капитал трансферлар	Соғ қарзлар (-)
ЖАМИ	ЖАМИ

Ресурс қисмида бошқа давлатлар томонидан олинадиган даромад натижалари бўлган барча операциялар кўрсатилади.

БМТ ва ЕСИЭС МХТ меъёрлари бўйича капитал трансферларга табиий офат ёки ҳарбий ҳаракатлардан кўриладиган чиқимларни давлат томонидан тўланиши, бошқа давлатларга иктиносий ёрдам кўрсатишда, капитал қурилишларга бериладиган қайтариб берилмайдиган молиявий ёрдамлар киритилади:

- сармоялар учун субсидиялар;
- капитал учун солиқлар;
- бошқа капитал трансферлар.

«Ташкин дунё» сармоялари учун субсидиялар бирлик нореизидентларни капитал жамғаришини молиялаштириши трансферлари билан чекланган бўлиши керак. Бунга кўприк, йўл, фабрика, касалхона ёки мактабларни қуриш, ривожланаётган мамлакатлардаги қурилишлар учун қайтариб берилмайдиган трансферлар киради. Капитал учун солиқлар – бу мунтазам бўлмаган мажбурий тўловлар, давлат бошқарув органлари томонидан капитал ёки хўжалик бирликлари мулкидан олинадиган солиқлар. Капитал учун солиқларга қўйидагилар киритилади:

- капитал ва мулкдан келган солиқ ва тўловлар;
- мерос учун солиқлар, ўзбек фуқаролари томонидан чет эл солиқ ҳокимиятларига тўланадиган пошлиналар.

Бошқа капитал трансферлар ўз ичига:

- бошқа давлатларга асосий фондларни қайтариб берилмайдиган қилиб бериш;

- «Ташкин дунё»га бир неча молиявий йилда йигилган чиқимларни қоплаш учун трансферлар ҳамда ҳар йиллик бир томонлама нафака фондига тўловлар;

- мерос ва воз кечишилар;
- бошқа давлатларининг асосий фондлари зиёнлари учун компенсация тўловлари киради.

#### 8.4. Молиявий ҳисоб ва унинг асосий кўрсаткичлари

«Ташқи дунё» секторининг молиявий ҳисоби асосан турли хил секторларга тегишли бўлган, чет эл активлари, қабул қилинган молиявий мажбуриятлар билан резидентлар ўртасида бајариладиган иқтисодий операцияларни амалга оширади.

#### 14-жадвал Молиявий ҳисоб

Ресурслар	Фойдаланиш
Қабул қилинган молиявий (вазифа)лар	Молиявий активларни хосил қилиниш
Соф кредитлар	
Соф қарзлар	
<b>ЖАМИ</b>	<b>ЖАМИ</b>

Молиявий ҳисобнинг пировард қолдиги бўлиб, соф кредитлар ёки қарзлар ҳисобланади. Бу қолдик молиявий актив ва пассивларнинг қолдигига тенг бўлиши керак. Молиявий ҳисобнинг мувозанатлашган кўрсаткичи бўлиб, молиявий актив ва пассивларнинг ўзгариши ҳисобланади. Бу операция турларини аниқлаш, давлатлар ёки миллый иқтисодиёт секторларий ўргасидаги, молиявий тузилма ўзгаришларини ва ҳолатини аниқлашга ёрдам беради. «Ташқи дунё» сектори молиявий ҳисобининг бир қанча кўрсаткичлари бўлиб, бу кўрсаткичлар орқали секторлар билан бўладиган операцияларни аниқлаш мумкин. Бунинг учун асосан, давлат статистики ҳисобларининг халқаро жаҳон стандарти кўрсаткичларига мослаштириб боришмиз керак. Бундан ташқари, барча статистик ҳисобот формалари ва бухгалтерия ҳисобот хужжатларини тўлдиришда фақаттинга ётпасига статистик кузатишлар олиб борласдан, балки танлама ҳамда асосий массивни кузатиш ва бошқа кузатиш усулларидан фойдаланишимиз керак бўлади.

Янги миллый ҳисоблар тизимиға ўтишимиздан асосий мақсад, бу – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожини тартибга солиши самарадорлигини ошириш. Бунинг учун етарли шартшароит яратиш, унинг фаолияти роли ва аҳамитини бозор иқтисодиёти талабига мос келадиган ахборотлар тизими орқали жаҳон ҳамжамияти доирасида холисона таҳлил этиш, бошқарувга оид очимлар натижасини тўғри баҳолаш, ривожланиши истиқболини иммий башорат қилишдан иборатdir. Бунинг учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш керак бўлади:

- давлат статистика ва ҳисоботи тизими умумуслубий асосларини қайта кўриб чиқиш ва уларни жаҳон амалиётида қабул қилинган қонун-қоидаларига мослаштириш;

- миллий макроиктисодий кўрсаткичларни халқаро меъёрларга мослаштириш, Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини яратиш, шу жумладан миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва секторларига татбиқан миллий ҳисоблар тизимини барпо қилиш;

- ХХБ кўрсаткичларини МХТ кўрсаткичлари билан уйғуллаштириш, МХТ тасвири бўйича тармоқлараро баланслар (-ГАБ) ишлаб чиқиш;

-миллий иқтисодиётнинг аҳволини тасвирловчи кўрсаткичлар тизимининг таркиби, иқтисодий мазмуни ва ҳисоблаш усулини белгилаш, бу ишларнинг таҳлилий йўналишини ошириш, статистик маълумотларни тўплаш ва уларни умумлаштиришни ташкил этиш;

- халқаро қоидалар талабига мос равишда бухгалтерия, банк, молия ва божхона фаолиятига оид янги бошланғич ҳисобот шаклларининг ягона статистик тизимини ишлаб чиқиш ва уйғуллаштиришни таъминлаш;

- молия, бюджет ва банклар фаолияти статистикаси тизимини такомиллаштириш ва тўлов балансарини ишлаб чиқиш;

- баҳолар статистикаси, аҳоли ва меҳнат, ташқи савдо статистикасини халқаро қоидалар талаби асосида қайта ташкил қилиш;

- халқаро статистика ташкилотларига вақти-вақти билан юбориладиган кўрсаткичларнинг таркиби, юборилиш вақти ва тартибини белгилаш;

- тури хилдаги мулкчилик ва хўжаликни юритишга мансуб корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатини яратиш;

- халқаро стандартларга мос тарзда ягона таснифлаш ва кодлаштириш тизимини тузиш ва амалиётта татбиқ этиш;

- маҳсулотларни каталоглаштириш ва чизиқли кодлаштириш тизимини барпо қилиш;

- ҳисобот ва статистика соҳасида ходимлар тайёралаш ва уларни қайта ўқитиш вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги вазифалар бажарилгандан сўнг биз янги статистика тизимига, яъни МХТга ўтишимиз мумкин бўлади. МХТга ўтиш бирламчи статистика ахборотини, бухгалтерия, молия ва банк ҳисоботларини кетма-кет қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Халқаро талаблар асосида статистика ва бухгалтерия ҳисбоги тизимидағи барча ўзғаришлар ва қайта қуришни ҳисбога олган ҳолда кенгайтирилган тармоқлараро баланс ишлаб чиқилади.

## Қисқача хуосалар

Миллий ҳисоблар тизимида «Ташқи дунё сектори» алоҳида ўрин тутади. Унинг вазифалари ва асосий ҳисоблари батафсил ёритилади.

«Ташқи дунё сектори» Зта ҳисобдан ташкил топган:

- 1) Жорий операциялар.
- 2) Капитал харажатлар.
- 3) Молиявий ҳисоб.

Ушбу ҳисобларни ўрганиш «Ташқи дунё» сектори тўғрисида тўла ва батафсил маъдумотга эга бўлишингизга имкон беради.

## Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. БМТнинг миллий ҳисоблар тизими ҳақида нималарни биласиз?
2. МХТ секторлари ҳақида нималарни биласиз?
3. «Ташқи дунё» сектори ҳақида тушунча, унинг вазифалири ва асосий ҳисоблари.
4. Жорий операциялар ҳисоби ва унинг асосий кўрсаткичлари.
5. Молиявий ҳисоб тўғрисида нималарни биласиз?
6. Капитал харажатлар ҳисоби ва унинг аҳамияти.

## Асосий адабиётлар

1. Кулагина Г.Д, и др. Национальное счетоводство. - М., 1997.
2. Башкатов Б.И. Система национальных счетов. - М.: МЭСИ, 1993.

## IX боб

### ТАШҚИ САВДО ДИНАМИКАСИ ВА ТУЗИЛМАСИННИ ҮРГАНИШ

#### 9.1. Ташқи савдони үрганишнинг статистик усуллари

Ўзбекистоннинг 1991 йил 1 сентябрда Мустақилликка эришиши ҳамда 1992 йил 2 марта БМТга аъзо бўлиши республикамизни жаҳон давлатлари билан Ташқи иқтисодий фаолиятида янада фаолроқ қатнашишига олиб келди. Ўтган давр мобайнида республикамизда Ташқи иқтисодий фаолият бўйича бир қанча ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўтган йиллар мобайнида ташқи иқтисодий комплекс бўйича олиб борилаётган ишлар, Ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчи томонлар фаолиятини бозор иқтисодиёти тамойиллари ҳамда уларни либерализациялаштириш асосида олиб борилди. Чет эл мамлакатлари билан иқтисодий савдо муносабатлари ҳамда халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада чукурлаштириш, мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар янада жадаллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларини янада либерализациялаштириш тўғрисида», «Ташқи иқтисодий алоқалар вазиригининг хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни давлат акционерлик компанияларига айлантириш тўғрисида»ги фармонлари ва «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуни қабул килинди.

1997 йил 1 октябрдан импорт божхона солиқлари кири tilди ва импорт божхона солиқлари тартибга келтирилди. Квота ва лицензиялар зарур бушган товарлар рўйхати 11 тадан 4 та товарга қисқартирилди.

Марказий Банкниң бошлиғи баҳосига кўра, 2001 йил Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасидаги валюта воситалари 1293,7 млн. (АҚШ) долларни ташкил этди. Валюта тушумлари ҳажмининг ўсишига (тажминан 3,5 марта) бартер жараёнларини қисқартириш ва валютани назорат қилиш усулларининг такомилашуви сабаб бўлди. Валюта тушумларининг асосий қисмини (51,3%) экспорт операцияларидан тушган маблағлар ташкил қилди.

2001 йил натижалари чет эл мамлакатлари билан бўлган иқтисодий алоқалар ранг-баранг бўлиб бораётганлигини, савдо ҳамкорлиги режали ва аниқ йўналтирилганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилдаги жами ташқи савдо айланмаси 6001,8 млн. долларни, яъни 2000 йилга нисбатан

13,2 %га ошди. Узок чет эл мамлакатлари миллатлари билан ташки савдо айланмаси 54,3 %га ошиб 3392,8 млн. доллар, МХД ва Балтика давлатлари билан эса 15,8 %га пасайиб 2608,9 млн. долларни ташкил қилди.

2001 йил натижаларига кўра ташки савдо бозори баланси ижобий сальдоси 216,2 млн. доллар ёки 1998 йилга нисбатан 135,8 млн. долларга ошди. Бу эса экспорт-импорт жараёна рининг Ўзбекистонда самарали эканлигидан далолат беради.

## 9.2. Товарайланма динамикасини ўрганиш

Ташки савдо товарайланма тузилмасини ўрганиш билан бир қаторда унинг динамикасини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Куйидаги 15-жадвал маълумотларига мурожаат қиласак, жами экспорт 2001 йили 2000 йилга нисбатан 15,58 %га ошган, Импорт эса 10,85 %га ўсан. (15-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси ташки савдо динамикасини куйидаги 2-чизмада келтирилган маълумотлар ёрдамида танициб чиқайлик.


### 15-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ташки савдо динамикаси  
(узок ва яқин чет эл мамлакатлари билан, млн. доллар  
АҚШ)**

	2000 йил	2001 йил	? син суръати, %
Товарайланма	5299,42	6001,69	113,25
Экспорт	2689,89	3108,97	115,58
Импорт	2609,53	2892,72	110,85
Сальдо	80,36	216,25	

15-жадвалдан кўриниб турибдики, умумий товарайланма 13,25 %га ошган бўлиб, экспорт ва импорт мос равишда 15,58 % ва 10,85 %га ошган. 2001 йили ташки савдо сальдоси 216,25 млн. долларга етди.

Юкорида келтирилган маълумотларни устун шакли диаграммаларида акс эттирамиз.



2 – чизма. Ўзбекистон Республикаси ташки савдо динамикаси


Ўзбекистон Республикасининг узоқ чёт эл мамлакатлари билан Ташқи савдо алоқаси сўнгги икки йил мобайнида янада ривожланди. Буни қуйидаги 16 – жадвалда келтирилган маълумотларда кўриш мумкин.

#### *16-жадвал*

Ўзбекистон Республикасининг узоқ чёт эл мамлакатлари билан ташқи савдо динамикаси

	2000 йил	2001 йил	Ўзшик суръати, %
Товарайланма	2199,4	3392,8	154,26
Экспорт	1006,4	1791,8	178,04
Импорт	1193,0	1601,0	134,20
Сальдо	-186,6	190,8	

16-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси товарайланмаси 2001 йили 2000 йилга нисбатан 54,26%га ошган. Экспорт ва импорт мос равишда 78,04% ва 134,20%га ўсганъ. Кўриниб турибдики, узоқ чёт эл мамлакатлари билан савдо-сотиқ бошқа чёт эл мамлакатлари билан бўлган савдога нисбатан анча юқори экан. Энди юқоридаги маълумотларни қуйидаги устун шакли диаграммаларда ҳам акс эттирамиз.



2-чизма. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо динамикаси

#### 9.3. Ташқи савдо тузилмасини ўрганиш

Энди Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ва Болтиқбўйи мамлакатлари ташқи савдоси билан танишиб чиқамиз.

17-жадвал

Асосий товарлар гурухи бўйича Ўзбекиситон Республикаси-  
нинг МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларига экспорти  
(млн.сўм)

№		2000 йил	2001 йил	Мутлақ кўшим- ча ўсип	Ўсиш, камайиш суръати	Кўшимча ўсиш суръати, %
	Жами	1683,53	1317,2	-366,33	78,24	-21,76
1	Машина ва ускуналар	85,56	67,8	-17,76	79,24	-20,76
2	Энергия ресурслари	699,90	423,5	-276,4	60,51	-39,49
3	Озиқ-овқат	88,4	57,81	-30,59	65,40	-34,60
4	Пахта толаси	548,6	383,6	-165,0	69,92	-31,08
5	Хизматлар	77,8	173,1	95,3	222,49	22,49
6	Бошқалар	183,27	211,39	28,12	115,34	15,34

Жадвалдан кўриниб турибдики, республикамиз МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари билан ташки савдо экспорти 2001 йил 2000 йилга нисбатан 21,76%га, шу жумладан машина ва ускуналар бўйича 20,76%га, энергия ресурслари бўйича 34,49%га, озиқ-овқат бўйича 34,60%га, пахта толаси 31,08%га ошибди.

Республикамиз МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари билан савдо экспорти ва импортининг (2000 йил – 1416,5 млн. доллар, 2001 йил – 1291,7 млн. доллар) камайиши, асосан узоқ чет эл мамлакатлари билан ташки савдонинг ошиб бориши натижасида рўй берастир.

Биз хорижий давлатлар тажрибасини, жумладан ривожланган мамлакатлар қаторига кирувчи Япония, унинг экспорт сиёсати тажрибаси билан танишишни лозим топдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, Япония давлати энг юқори рақобатбардош, нафакат ички талабни қондиришга асосланган, балки экспорт талабини ҳам қондирадиган саноатни юзага келтириш вазифасини улдалаган давлатлар қаторига киради десак янгилиш масак керак. Бу ерда экспорт ҳаётий зарур бўлган энергоресурслар, хомашё, озиқ-овқат ва стакчи технологияларни импорт қилиш эмас, балки япон иқтисодийтини юксалтиришда асосий таянч вазифасини ўтаб, валюта ресурсларини жамғарилишига олиб келади. 1953 ва 2001 йиллар давомида Япония экспорти 1,3 млрд. доллардан 520 млрд. долларга ошиди, яъни 400 мартадан юқори дараҷага ўди! 70-йилларнинг ўрталарига келиб, «нефть шок»идан сўнг ва келгусида нарх-наво, валюта курсини кескин ўзгариши натижасида Япония савдо баланси вақтинча ёмонлашди, яъни па-

сайди, кейинги йилларда асосан (нефть ва бошқа хомашё турларига нархнинг кескин ўсиши натижасида) салбай сальдо билан чиқади. Аммо, 80-йилларнинг бошларига келиб иқтисодий ҳолат маромийлашиб, яни юксак экспорт даражасини ўсиши натижасида Япония иқтисодиётгидаги изжобий ўзгаришлар кузатила борди.

Йирик япон иқтисодчиси С.Цурунинг фикрича: «Японияда ривожланишини бутун даври давомида иқтисодий ўсиш даражаси экспортга нисбатан аниқланади».<sup>1</sup> Бундай изоҳ қуидаги ҳолат билан изоҳланади.

Биринчидан, юқори даражада иқтисодий ўсиш даврида (50-60 йиллар) экспорт ҳажми, ялпи ички маҳсулотга нисбатан тез ўсади.

Иккинчидан, ялпи ички маҳсулот ҳажмида товар ва хизматлар ҳажми 1955 йил 7,6 %дан 70-йиллар бошига 14 %га ўсади ва 1990 йилга келиб 10,5 %ни ташкил этиб маромийлашди.

Учинчидан, япон иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан, хусусан қайта ишлаш саноатида экспорт квотаси доимий ўсиб борди. Охирги йилларга келиб ялпи ички маҳсулот ҳажмини ортиштига экспорт алоҳида юқори ҳисса (айрим йиллардан ташқари) кўшиди. Бу кўрсаткич 1975 йили 71,4 %ни ташкил этган бўлса, 1980 йили 79,8 %ни ташкил этди. 1980 йилдан 1985 йилгача япон иқтисодиётининг ўсиштига экспортни кўшган ҳиссаси 38 %ни ташкил этди. Фақаттинга, кейинги йилларда иена курсиниу кескин ўсиши натижасида ЯИМда экспорт ҳажми пасая бориши кузатилди ва бу кўрсаткич 1995-1997 йиллар давомида япон иқтисодиётига экспортга кўшган ҳажми 15%ни ташкил этди.

Экспортни ўсиши унинг таркибида жиддий ўзгаришлар рўй берганлиги билан кузатилади.

#### 18-жадвал

Япония экспорти таркиби (млн. доллар)  
(FOB базасида)<sup>2</sup>

№	Экспорт маддалари	1968	1973	1983	1986	1988	1989
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари	432	841	1389	1476	1696	1687
2	Тўқима <sup>“</sup>	1977	3279	6613	6974	6908	6864
3	Химикатлар	805	2147	6983	9484	13964	14776
4	Металлар	2374	6821	18372	18183	21751	21577
5	Машина ва ускуналар	5656	20365	99560	155027	196965	205471
6	Телевизор ва радио	688	1851	3912	4483	3990	4100
7	Автомобиллар	713	3612	26123	42676	48787	49565
8	Илмий инструментлар	372	970	5439	8509	10825	11345
9	Бошқа товарлар	1755	3477	14012	18108	23633	-
	Жами	12972	36930	146927	29151	264917	275175

<sup>1</sup> Цуру С. Конец японского «экономического чуда». Пер. с японск. М. : Прогресс, 1981.

<sup>2</sup> Japan 1989, P. 42; Japan Economic Almanac, 1990.

Жадвал маълумотларидан шу нарса маълум бўладики, машина ва ускуналарни япон экспортидан ҳажми ўсиши билан тўқума, химикат ва металларни экспортдаги ҳажми (нишибий ва айрим ҳолда абсолют) пасайган. Агарда 1968 йили машина ва ускуналар япон экспортида 43,6 %ни, 20 йилдан сўнг, 1988 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 74,3 %ни ташкил этади. Шунингдек, «Машина ва ускуналар» гурӯхида 80-йилларда Япония экспортида стакчи ўринлардан бирини эгаллаган автомобилларни ҳамда электротехник маҳсулотлар, илмий инструмент ва оптика ҳажми ўди. Факаттина шуни қайд этиши керакки, 1988 йил автомобиллар экспортидан (48,8 млрд. \$) келган тушум Япония озиқ - овқат (29,1 млрд. \$) ва нефть (18,8 млрд. \$) маҳсулотларини бирга олган ҳолда қоплади.

1988 йил Япония ташки бозорга 13,5 млн. дона фотоаппарат ва кинокамера (умумишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини 87%), 230 млн. дона соат (87,2%), 22 млн. дона видеомагнитафон (78,7%), 4,5 млн. дона рангли телевизор (33,6%), 3,2 млн. дона микротўлқинли печь (52,6%), 19,5 млн. дона электрон калькулятор (43,3%), 4,7 млн. дона нусха олиш машиналари (79,1%) ва 4,4 млн. дона енгил автомобиллар (умумишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 54,1% и) чиқарди<sup>1</sup>.

Ушбу маълумотлардан шу нарса кўринаётирки, Япония асосан узок муддатта мулжалланган техник истеъмол товарларини экспорт қилишга ихтиослашгандир. Лекин, маҳсулотлар экспортида бирламчи соҳаларни (металлургия ва кимё) ҳажми пасайгани билан уларни четта олиб чиқишини абсолют ҳажми микдори юқори дараҷада сақланиб қолган. Охирги йилларда япон экспортида янги ташкил этилган корхоналарнинг экспорт қилиши салоҳияти тезкорлик билан ўсмокда, бу маҳсулот ривожланаётган мамлакатларга юборилмоқда. Шунун алоҳида таъкидлаш керакки, Япония экспорт ҳажмини ошиши, унинг (майдонини) кенгайгандиги кузатилмоқда. 1950 – 1960 йиллари япон экспортини 2/3 қисми Осиё мамлакатлари (Яқин Шарқ билан биргаликда) ва АҚШ тўғри келади. Агарда 1955 йили бу кўрсаткич (япон экспорти) Осиё мамлакатларига 41,8%, АҚШ га эса 22,7%, 1965 йили эса Осиё мамлакаларига 32,5% ва АҚШ – 29,3%<sup>2</sup>. Бу ерда Япония учун Америка бозорини аҳамиятини ортганлигининг гувоҳи бўламиз.

Хозирги кунгача Япония экспорт маҳсулотлари АҚШ Жануби-Шаркий Осиё мамлакатлари Япония учун асосий бозор бўлгани билан бирга унинг маҳсулотлари жаҳоннинг барча мамлакат

<sup>1</sup> Nippon Business Facts and Figures/ Toyo: JETRO, 1988, 1989

<sup>2</sup> Ўша жойда

ва минтақаларидан кенг истеъмол этилмокда, таъминланган. Япония экспорти учун Европа Иттифоқи, Шарқий Европа, Хитой янги йирик бозорлар бўлиб ҳисоблансада, кам миқдорда қизилтиради. Бошқа минтақаларга экспорт қилиши ҳажми нисбатан унча катта бўлмай, у асосан ҳажми бўйича тўлқинсимон узилишлар билан кузатилади. 1995 йили АҚШ га япон экспортини 28 %, Шимоли-Шарқий Осиёга – 25,3 %, АСЕАН мамлакатларига 17 %, Европа Иттифоқига 15 % тўғри келиб, умуман олганда ушбу йўналиш бўйича япон экспортиning 3/4 қисми йўналтирилган<sup>1</sup>.

80-йил охирига келиб, Япония, (АҚШдан сўнг) жаҳонда экспорт ҳажми бўйича иккинчи ўринни эгаллади. 1985 йилдан унинг жаҳон экспортидаги ҳажми 10 %ни ташкил этмоқда.

Юкоридаги қайд этилган ҳолатлар асосида қуйидаги, яъни қандай қилиб Япония ўз экспортини (малакали хизматчилар, кулај самарали экспорт турини) яратиб қолмасдан, кучли ракобат бўлган шарт-шароитларда жаҳон бозорларига мослашди ва кўпигина давлатларда саноат маҳсулотларини импорт қилиш чекланган пайтда бундай ютуқҳа эришиди. Айниқса, ҳозирги кунда Ўзбекистон ўзининг экспорт имкониятлари базасини саноат маҳсулотларини четта чиқаришга ҳаракат қилаётган пайтда бу нарса учалик ноганиш эмасdir.

Япония экспорт тараққиётида айнан 1950-1960 йилларда Япония иқтисодини юксакка шиддатли кўтарилишида қуйидаги сабабларни келтиришимиз мумкин.

Жумладан, экспорт соҳаларидан бири бўлган ишлаб чиқариш соҳасини ва умуман, Япония саноати экспортини ривожланиши янги технология, бошқариши самарали усувларини кўллаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш асосида эришилди. Экспорт қилувчи соҳа ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун улар манфатлари йўлида алоҳида турли имтиёзлар кўлланилди.

Экспорт учун кўмак берувчи давлат томонидан корхона ва фирмаларни тўғри ва эгри субсидиялаш, солиқ имтиёзлари экспортёrlар учун кулај валота курси, имтиёзли молиялатириш ва кредитлаш, турли экспорт операциялари бўйича вужудга келадиган таваккаллардан сугурталаш, айниқса, узоқ муддатли шартномалар бўйича «иккиламчи баҳолаш» тизими каби арсенални ўз ичига олиб, бу асосида экспорт баҳолари ички баҳоларга нисбатан паст даражада сақланиб, экспортёrlар уларни хорижда савдо сиёсатини юргазиш воситалари ва ахборот таъминоти бўйича имкон даражасида шарт-шароитлар яратилди.

Экспорт тизимини ривожланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлат аҳамиятига эга бўлган асосий вазифалардан бири саналади. Айнан, ушбу даврда «Иқтисодий дипломатия» Япония Та-

<sup>2</sup> Japon/ An International Comparison. Tokyo, Keizai Koho Center (1988, 1989)

шаки сиёсатини олиб боришида асосий йўналиш сифатидаги ривожланиш қиёфасини олди. Ушбу даврга келиб давлат сиёсий, иктисолдий, молиявий, ҳукукий соҳада ва Ташки иктиносидий экспансия доирасида Япония узошма, корпорация ва фирмалар фаолиятини ўз «оталигига» зиммасига олди.

Республикамизнинг ташки савдосини янада оширишга (асосан экспорт имкониятига) кўп жиҳатдан кўшма корхоналар фаолияти катта таъсир кўрсатади. Чунки, кўшма корхоналарнинг ортиши натижасида мамлакатимизга чет эл сармоялари ва илгор технологиялар кириб келади.

Республика корхоналарида чет эл маҳсулотлари билан рақобат қила оладиган, сифати ҳам юқори, ҳам арzon маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади.

#### 19-жадвал Ўзбекистон Республикасидаги кўшма корхоналар фаолияти

	2000 йил	2001 йил	1996 йилга нисбатан 1997 йилда, % хисобида
Қайд қилинган кўшма корхоналар сони	1246	1818	145,91
Фаолият кўрсатадиган КК	644	865	134,32
Ишлаб чиқарни ҳажми (млн. доллар)	171,3	238,8	139,40
Экспорт ҳажми (млн. доллар)	17,6	57,4	326,14
Импорт ҳажми (млн. доллар)	145,7	427,2	293,21

19-жадвалдан кўриниб турибдики, 2001 йили 2000 йилга нисбатан қайд этилган кўшма корхоналар сони 1246 тадан 1818 тага етган бўлса, фаолият кўрсатадиган кўшма корхоналар сони 644 тадан 865 тага етиб, улар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 171,3 млн. АҚШ долларидан 238,8 млн. АҚШ долларига етган (ёки 139,40% ошган). Бу кўшма корхоналар 70 дан ортиқ мамлакатлар вакиллари билан тузилган бўлиб, улардан ярмита яқини 1184,8 млн. сўм ва 11 млн. устав фондига эга бўлиб, фаолият кўрсатадиги.

Кўшма корхоналардан 653 таси Тошкент шаҳрида, 45 таси Тошкент вилоятида, 47 таси Самарқандда, 2828 та Фарғонада, 2 та Қашқадарёда, 3 та Қорақолнигастан, 3 таси Сирдарё ва 4 таси Жиззах вилоятларида фаолият кўрсатадиги.

Энг йирик инвесторлардан Туркия (106 та фаолият кўрсатувчи корхоналар), АҚШ (102), Покистон (62), Афғонистон (57), Буюк Британия (45), Хитой (41) хисобланади. МДХдан эса энг йирик инвестор Россия (99) хисобланади.

Асака шаҳрида энг йирик кўшма корхоналардан бири март ойидан (1996 йил) бошлаб енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлиди. Умуман олганимизда, мамлакатимизда чет эл инвестициясини олиб кириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

## Кисқача холосалар

Ташқи савдони ўрганишда статистик усуллардан кенг ва ўринли фойдаланилади. Бу, айникса, ташқи савдо динамикасини ва тузилмасини таҳлил қилишида яққол намоён бўлади. Бу ерда статистик жадваллардан, графиклардан унумли фойдаланилган.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи савдони ўрганишнинг статистик усуллари.
2. Ташқи савдо динамикасини ўрганиш.
3. Ташқи савдо тузилмасини ўрганиш.
4. Баҳоларни бир асосга келтириш.
5. Товарайланма физик ҳажми индекси.

## Асосий адабиётлар

1. Григорук Н.Е. Статистика внешней торговли ФРГ. Учебное пособие. -М.: МГИМО, 1983.
2. Золаев В.Т. Статистика внешней торговли. - М.: Финансы и статистика, 1981.
3. Сиденко А.В., Башкатов Б.И. Международная статистика. Учебник. —М.: Дело и сервис, 2000.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сиденко А.В., Башкатов Б.И., Матвеева В.М. Международная статистика. Учебник. – М.: Дело и сервис, 1999.
2. Рябушкин Т.В., Симчера В.М. Очерки международной статистики. – М.: Наука, 1981.
3. Сиденко А.В. Социально экономическая статистика развивающихся стран. - М.: IDH, 1987.
4. Григарук Н.Е. Методические проблемы статистики внешнеэкономических связей. Вестник статистики. 1998г. №10.
5. Сиденко А.В. Социально – экономическая статистика развивающихся стран. - М.: УНД, 1987.
6. Сиденко А.В. и др. Международная статистика. Учебник. – М.: Дело и сервис, 1999г.
7. Иванов Ю.М. и др. Экономическая статистика. - М., 1998.
8. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. – Штуттгарт, 1995.
9. Гурьева Л.С. Социальная статистика. - М., 1999.
10. Рябушкин Б. Социальные показатели в буржуазной статистике. Вестник статистика. 1984. №8
11. Урланис Б.У. История американских цензов. - М., 1938.
12. Тарлецкая Л.В. Международная статистика труда. Вестник статистики. 1985г. №9
13. Сельцовский В.А. Совершенствование анализа эффективности внешней торговли. Вестник статистики. 1983г. №3.
14. Курникова Е.Л. Основы экономической статистики капиталистических стран. - М.: МГИМО, 1986.
15. Газулов А.И. Переписи населения земного шара. - М., 1970.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>5</b>
<b>1 боб. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СТАТИСТИКАСИНинг ПРЕД- МЕТИ ВА УСУЛИ.....</b>	<b>7</b>
1.1. ТИФ статистикасиниг предмети.....	7
1.2. ТИФ статистикаси услубияти.....	8
1.3. ТИФ статистикасининг вазифалари.....	8
Қисқача хулосалар.....	10
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	10
Асосий адабиётлар.....	10
<b>II боб. ХАЛҚАРО СТАТИСТИК ТАШКИЛОТЛАР ВА ЧЕТ ЭЛ МАМЛАК- ТЛАРИДА СТАТИСТИК ИШЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....</b>	<b>11</b>
2.1. БМТнинг статистик ташкилотлари.....	11
2.2. Чет эл мамлакатларида статистик хизматни ташкил этилишининг асо- сий тамойиллари.....	22
2.3. Бошқа ҳалқаро ташкилотларда статистик хизматнинг ташкил этилиши.....	22
Қисқача хулосалар.....	25
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	25
Асосий адабиётлар.....	25
<b>III боб. ХАЛҚАРО СТАТИСТИКАДА ҚҰЛАНІЛДИГАН МУХІМ ТАС- НИФЛАР ВА ГУРУХЛАШЛАР.....</b>	<b>26</b>
3.1. Иқтисодий фаолият тармоқларининг ҳалқаро таснифи.....	26
3.2. Иш фаолиятларининг ҳалқаро таснифи.....	27
3.3. Ҳалқаро савдо таснифи.....	28
Қисқача хулосалар.....	30
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	30
Асосий адабиётлар.....	30
<b>IV боб. ХАЛҚАРО АХОЛИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>31</b>
4.1. Чет әлларда аҳоли сони статистикаси.....	31
4.2. Ахолининг ҳаракат күрсаткичлари.....	34
4.3. Чет әлда аҳоли таркибини ўрганиш.....	38
4.4. Ахолининг келажакдаги сонини аниқлаш.....	43
Қисқача хулосалар.....	46
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	46
Асосий адабиётлар.....	46
<b>V боб. ХАЛҚАРО МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>47</b>
5.1. Ҳалқаро меҳнат ресурслари ҳақидаги түшүнчә, уларнинг таркиби ва тақсимланиши.....	47
5.2. Ҳалқаро меҳнат бозори ва меҳнат бозорининг ҳалқаро миграцияси статистикаси.....	50
5.3. Жаҳон меҳнат бозорининг ривожланишига таъсир этувчи иқтисодий омиллар таҳдили.....	51
5.4. Меҳнат ресурсларини минтақалар ва мамлакатлар бўйича тақсимлани- ши.....	51

иини статистик ўрганини.....	52
5.5. Замонавий жаҳон меҳнат бозорининг иктиносий-статистик таҳдиди...	54
Кисқача хулосалар.....	59
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	59
Асосий адабиётлар.....	59
<b>VI боб. ХАЛОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ СТАТИСТИКАСИ...</b>	60
6.1. Аҳолининг турмуши даражаси ҳақида тушиғич ва статистиканинг вазифалари.....	60
6.2. Аҳоли турмуши даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлар.....	60
6.3. Аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондиришини даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	61
6.4. Аҳолининг маданий-мений эҳтиёжларини қондиришини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	63
6.5. Аҳолининг ижтимоий шароитини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	63
Кисқача хулосалар.....	64
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	64
Асосий адабиётлар.....	64
<b>VII боб. ТАШҚИ САВДО БАҲОЛАРИ СТАТИСТИКАСИ.</b>	65
7.1. Ташиқи савдо статистикасининг моҳияти ва вазифалари.....	65
7.2. Ташиқи савдода товарлар импорти ва экспорти, уни статистик ўрганини...	66
7.3. Ташиқи савдода баҳоларининг шаклларини хусусиятлари.....	69
Кисқача хулосалар.....	72
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	72
Асосий адабиётлар.....	72
<b>VIII боб. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДА «ТАШҚИ ДУНЁ» СЕКТОРЛАРИ.....</b>	73
8.1. «Ташиқи дунё» сектори тушиғичаси, вазифаси ва асосий ҳисоблари.....	73
8.2. Жорий операциялар ҳисоби.....	75
8.3. Капитал харажатлар ҳисоби.....	77
8.4. Молиявий ҳисоб ва унинг асосий кўрсаткичлари.....	79
Кисқача хулосалар.....	81
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	81
Асосий адабиётлар.....	81
<b>IX боб. ТАШҚИ САВДО ДИНАМИКАСИ ВА ТУЗИЛМАСИНИ ЎРГАННИШ.....</b>	82
9.1. Ташиқи савдони ўрганининг статистик усуллари.....	82
9.2. Товарайланма динамикасини ўрганиш.....	83
9.3. Ташиқи савдо тузилмасини ўрганиш.....	84
Кисқача хулосалар.....	90
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	90
Асосий адабиётлар.....	90
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХУСУСЛАРИ</b>	91

## CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART-I. SUBJECT AND METHODS OF STATISTICS OF INTERNATIONAL ECONOMIC RELATIONS (IER) .....	7
1.1. Subject of statistics of IER.....	7
1.2. Methodology of statistics of IER.....	8
1.3. Tasks of statistics of IER.....	8
Brief conclusions.....	10
Questions for discussion and control.....	10
Main literature.....	10
PART-II. INTERNATIONAL STATISTICS ORGANIZATION AND STATISTICS IN FOREIGN COUNTRIES.....	11
2.1. Statistical organization of UN.....	11
2.2. Main principles for organizing statistical service in other foreign organizations .....	22
2.3. Organization of statistical service in other international organizations .....	22
Brief conclusions.....	25
Questions for discussion and control.....	25
Main literature.....	25
PART-III. CONCEPTION AND DIVISIONS IN INTERNATIONAL STATISTICS .....	26
3.1. International concept of branches of economic activity.....	26
3.2. International concept of labor activity .....	27
3.3. Concept of international trade.....	28
Brief conclusions.....	30
Questions for discussion and control.....	30
Main literature.....	30
PART-IV. STATISTICS OF WORLD POPULATION .....	31
4.1. Statistics of population in foreign countries .....	31
4.2. Indicators of population.....	34
4.3. Study of population structure in foreign countries .....	38
4.4. Study of future population number.....	43
Brief conclusions.....	46
Questions for discussion and control.....	46
Main literature.....	46
PART-V. STATISTICS OF INTERNATIONAL LABOR RESOURCES .....	47
5.1. About international labor resources, its structure and distribution.....	47
5.2. International labor market and migration statistics of international labor market .....	50
5.3. Analysis of economic factors effecting to international labor market development .....	51

5.4. Statistics of labor resources distribution according to regions and countries .....	52
5.5. Economic-statistical analysis of modern international labor market .....	54
Brief conclusions.....	59
Questions for discussion and control.....	59
Main literature.....	59
<b>PART-VI. STATISTICS OF INTERNATIONAL LIVING CONDITIONS .....</b>	<b>60</b>
6.1.About living conditions of population and tasks of statistics .....	60
6.2. Generalization indicators of living conditions of population .....	60
6.3. Indicators reflecting populations' satisfying degree for goods.....	61
6.4. Indicators reflecting populations' satisfying degree for social-services.....	63
6.5. Indicators expressing population's social conditions.....	63
Brief conclusions.....	64
Questions for discussion and control.....	64
Main literature.....	64
<b>PART-VII. PRICE-STATISTICS OF INTERNATIONAL TRADE.....</b>	<b>65</b>
7.1.Essence and tasks of international trade.....	65
7.2. Import and export in international trade its statistics study.....	66
7.3. Development characteristics of price in international trade.....	69
Brief conclusions.....	72
Questions for discussion and control.....	72
Main literature.....	72
<b>PART-VIII. "FOREIGN WORLD" SECTORS IN NATIONAL ACCOUNTING SYSTEM .....</b>	<b>73</b>
8.1.Concept of "foreign world", tasks and main calculations .....	73
8.2. Accounting of current operations .....	75
8.3. Accounting of capital expenditures .....	77
8.4. Financial accounting and its main indicators.....	79
Brief conclusions.....	81
Questions for discussion and control.....	81
Main literature.....	81
<b>PART-IX. STUDY OF THE DYNAMICS AND STRUCTURE OF INTERNATIONAL TRADE .....</b>	<b>82</b>
9.1.Statistical methods of learning international trade.....	82
9.2.Study of goods turnover dynamics.....	83
9.3.Study of structure of international trade.....	84
Brief conclusions.....	90
Questions for discussion and control.....	90
Main literature.....	90
<b>LIST OF LITERATURE.....</b>	<b>91</b>

АЮБЖОНОВ АББОС ҲОСИЛОВИЧ

ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
СТАТИСТИКАСИ

(Ўқув кўлланма)

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Адабиёт жамғармаси директори

Курбоимурод Жумасев

Мусаввир:

Акбарали Мамасолиев.

Муҳаррир — Н.Бобоева

Техник муҳаррир — Ш.Тожиев

Мусаххих — Ж.Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи — С.Фаффоров

Интернетдаги расмий сайтимиз: [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)

Электрон почта манзили: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Теринига берилди 04.11.2003 й. Боснингга рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қоғоз формати 60x84  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма усулида босилди.

Нашр босма тобори 6. Нуҳаси 500.

Буюртма № 31

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси шартиётни.

700000, Тошкент, Ж.-Неру, 1.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
босмахонасида чоп қилинди.

Тошкент шаҳри, Хадича Сулаймонова, 33-үй